

ПОРТРЕТГА ЧИЗГИЛАР

ПОРТРЕТГА ЧИЗГИЛАР

ХОЛОТИ АСҚАД МУХТОР

Агар чиндан ҳам шеър ҳақиқий истеъдод, поэтик эҳтирос – янгилик яратиш шавқи ва дардининг самари сифатида туғилса, шоирнинг тимсол-образлари шеърият аталмиш сехрли сўз санъатининг дахлсиз қонунига, унинг қадимий гуманистик идеалларига муносиб ва матлуб бўлса, унинг ҳар қандай мураккаб, баҳс-мунозарали ғоялари, журъатли, исёнкор образлари бадиий маданият, жумладан, шеърият ривожига муайян ҳисса бўлиб қўшилишига шубҳаланмаса бўлади. Афсуски, бутун санъат, адабиёт сингари шеърият ҳам аччиқ ҳақиқат сабоқлари, ҳатто маломатли, фожеъ синовлар йўлини босиб ўтди. Ундан азалий, умуминсоний идеаллар, руҳий-маънавий асосларигина эмас, балки шеърнинг руҳи, жони, қалби – лирик ибтидо, эркин субъектив ҳолат-кечинмалар, фикр, сўз, хаёл, эътиқод хурлиги, ҳаётӣ, инсоний дард ифодаси – драматизм, трагизм оҳанглари мафкуравий-синфий ақидалар зўравонлиги билан ситиб чиқарилган қандай мудҳиш йиллар бошдан кечирилмади? Шоир зоти уларга, майли, қурбсизлик туфайли кечикиб, ҳаяллаб бўлса-да, баҳоли имкон ўз муносабатини билдиради.

Исёнкорона, ҳакамона...

У эрк, ҳақиқат,adolat каби муборак тушунча – оғриқли-сўзонли қадриятларга алам-изтироб ичида ҳатто иштибоҳ назари билан, киноя оҳангига ёндошса ажабланманг. Илло, истеъдод халқ мулки эканини яхши англаған ҳақиқий шоир характери шундайки, у ҳатто ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан ҳақ сўзни ҳар доим очиқ айтолмагани учун виждон қийноғини кечиради. Асқад Мухторнинг 1987 йили эълон қилинган “Покланиш” шеърида шундай зиддиятли ўйлар ифодаланган:

**бошимдачувалиб ўйлар қийналар,
Унутмоқчи бўлган ўйларим.**

**Дилозор ростгўйлик, ошкор таъналар,
Нега сизни бир вақт эркин қўймадим?**

**Айтолмаган ҳақ гап,
Ичга ютган ғазаб,**

**Журъатсизлик, қурбсизликларим –
Ҳаммаси оғрийди ярадай қақшаб...**

Фақат халқпараст шоир, ўзининг шахсий манфаати билан халқ азалдан эътиқод қўйган ҳақиқат нафии ажратмаган имони бутун ижодкоргина бадбин қаллоблар айби билан ижодий ҳалоллигига, балки инсон сифатида маънавий баркамоллигидан далолат беради. Расул Ҳамзатов эпиграммаларидан бирида нақл қилишича, ёлғон дўст йўлидаги қўнгилсизликлар учун ўз ҳамроҳини айблайди, чин йўлдош, аксинча, ўзини гуноҳкор, деб билади. Халқ ҳақиқат учун кўрқмай курашган ижодкорни ўша мард йўлдош қиёфасида тасаввур

қилади, унга ишонади, суянади, ихлос қўяди. Чиндан ҳам ҳақиқий шоир катта шахс сифатида “гуноҳкорлик ҳисси” – жавобгарлик туйғусини мардона кечиради, шу тариқа “руҳини поклайди”. А.Мухтор шеърни кўнгилга равшанлик, руҳига сергаклик берувчи шундай ёниқ мисралар билан тугаллайди:

**Руҳни поклар балки тунги қайноклар,
Гуноҳкорлик ҳисси, ор-номус.
Келинг, шу шафқатсиз виждон овози
Юрсин бизни тарқ этмай ҳаргиз,
Камолот дардида доим норози
Сўнгги соатгача, изма-из!**

Шоир ўзини ҳам маълум даражада дахлдор деб билган хатоларнинг аччиқ сабоги, табиий, ижодкорлик ва гражданлик бурчига ҳар қачонгидан ўзгача муносабатни тақозо қилади, фақат шундай актив маънавий позицияда турган санъаткор бошқаларни ҳам “шафқатсиз виждон овозига... сўнгти соатгача” кулоқ осиб яшашга даъват этиши, бунга ўзини ҳақлидеб билиши мумкин.

А.Мухтор янги шеърларидан “қадрини излайман”да шоир учун сўз туйғуси қанчалик мукаррам ва мўътабар эканлигини катта санъаткор талабчанлиги билан, янада теранроқ ёндашганда, хусусан, ёш қаламкашлар учун устоз жонбозлиги, қуюнчаклиги билан, безовта-полемик оҳангдаги образларда ифодалайди:

**Йўқотдим, тополмай қолдим сўзимни,
Нондай азиз эди, ҳаводай зарур.
Азобига унинг бир умр
Бағишлаган эдим ўзимни.
Менинг азобларим нима экан!
Тарих тўлғоқларда туққан сўзлар ҳам,
Инсон қони юққан сўзлар ҳам
Сузар қўлмакларда нақ қоғоз елкан...
На ширину улар, на нордон,
Оқламайди, қораламайди,
Портламайди, яраламайди...**

Аччиқ-аламли киноя билан йўғрилган бу рўй-рост сатрлар замирида bemalol шеърият доирасини ёриб чиқадиган ижтимоий дард кечаги турғунлик касофатини фош этувчи, бугунги янгиланиш муҳити учун ҳаётий зарурат бўлган муаммо зухур этади. Маънавий идеалларимизни, имон-эътиқодимизни, ғоявий маслагимизни ўзида мужассамлантирган сўзлар – эзгу тушунчаларнинг лоқайдлик, худбин манфаатлар комига ташланган аянчли тақдири шоирни қийноққа солади. Нафақат инқилобий ва жанговар авлод – табаррук ветеранлар, балки ўзимиз ҳам мактабдошлиқ йиллари

бамисоли қасам калималаридай ҳаяжон ва ифтихор ҳислари билан тилга олган – “инсонни қони юққан сўзлар”нинг шунчалар қадрсизланиши, бунинг очиқ қўриниб турган машъум сабаблари шоирга азоб беради. Ахир ўша сўзлар фақат сўзлар эмас, уларнинг моҳиятида мамлакат, Ватан биографияси, одамлар тақдири, аъмоли зухур этади-ку! Моҳиятни ўйлаганда алам зиёда бўлади... Халқ ғамидан, инсон ташвишидан узок, виждонини пулга, мансабга алмаштирган турли тоифадаги “собиқ”лар – “сохта сумбатлар” (О.Матжон)нинг риёли рапортлари, пулланган мукофоту унвонлар, тамаъгир маддохликлар, ҳаром майшатбозликлар иклимида, оддий, заҳматкаш, ҳалол одам ҳақида ғамхўрлик ўта бадбин тамойилларга қурбон қилинган муҳитда не-не эзгу маъноларни англатган сўзлар... маънавий неъматларимиз каби қадрсизлангани шоирга шундай алам қиласиди, гўё буни ифодалаш имконсиздай туюлади... демак, биринчи галда ўша тушунчаларнинг асл маъноси, қадри тикланиши – моҳият янгиланиши, покланиши керак. Шундагина шоир ҳам “ўз сўзи”нинг ҳақиқий қиммати – бадиий жозибасини топиши мумкин.

**Топганим пуч чиқар, бўзлайман,
Сийقا чиқар, гўё ўз сўзим эмас.
Энди тун-кун сўзнинг ўзин эмас,
Қадрини излайман.**

Шеъриятни ўзининг ижодий тақдири деб билган катта шоиргина “сўзнинг қадри” учун шунчалар жони куйиб, дилдан “бўзлаб” ёзиши, сўзга шундай эҳтиросли, юксак талабчан муносабат туфайлигина унинг “излагани... топилиши” мумкин. Бунинг бирдан-бир тўғри, самарали йўли – ижодий ҳалоллик ва ҳақиқат принципига амал қилиб ёзишдир. Бу жихатдан А.Мухтор – ўз шеърлари билан намуна кўрсатиб келаётган шоирлардан.

Шоирнинг “Бир томчи...” шеърида баъзан одам ўз-ўзи билан олишадиган кезларидаги мушкул бир ҳол мураккаб руҳий кечинмалар тарзида ифодаланади. Бунда шоир виждан ҳакамини аёвсиз ички мухолиф – “ўз шайтони” билан яккама-якка олишув вазиятида кўрсатади. У ўз “аждодларига унча ўхшамайди: ўта сезгир дунёнинг айби, хатоси, нолиши, фарёдларига”. Шунинг учун мубоҳаса кескинлашиб, ёмонлик илдизига – моҳиятга кўчганда шайтон-шайтонлигини қиласиди:

**Мени хушёр қилиб, бир томчи заҳар
Йўқолиб кетади иссиқ қонимда...**

Шеърнинг том маънодаги полемик образлари – шоир қаҳрамони ва унинг “шайтони” ўртасидаги мана бу шиддатли диалог беихтиёр бизни ҳам сергаклантиради:

- **Кир қидирма дейман, - зимистон дединг,
Ахир ўтирибмиз ёруғда, кунда.**
- **Ха,- дейди,- юзада бўлмас зимистон,**

- Сен бундай теранроқ тушгин-да.**
- **Аслингга тортасан, оғайнин,- дейман,-
Тамуғнинг тубидан чиққан юҳосан.**
 - **Ҳа, - дейди шайтоним, ўрнидан туриб,-
Ҳа, ўзингга келдинг: ўтдан қўрқасан.**

Биз шайтон – мухолифининг ўз мантиқи, ўз фалсафаси борлигидан бир муддат ўйланиб қоламиз. Тўғри, шоир эслатиб ўтган: бу мунозара аёвсиз – “нақ душманларча” тус олади. Бироқ одамнинг “ўз шайтони” – ичидаги душманнинг заҳарли сўзлари барibir ҳушёр торттиради. Шу нуқтада кейинроқ очиб ташлаган негатив ҳолларга қарши курашни ўзимизга кескин танқидий қарашдан, “ўз шайтони”мизни англаб олишдан бошламоғимиз керак эмасми, деган фикр англашилади: шоир йўл қўйилган жиддий хатолардан сабоқ олишга, нимаики сохта, қаллоб, ножинс ва нопок бўлса, ундан имкони борича тезроқ қутилишга, минбаъд ҳазар қилишга ундаётгандай бўлади. Ҳақиқат учун кураш машаққатларидан чўчиб, иродасизлик, муросасизлик қилмаслик, лоқайдликка ўрин бермаслик (“адолатни ҳеч ким қилмас садақа”), замоннинг мураккаб муаммоларидан ўзини четга олмаслик – “ўтдан қўрқмаслик”ка даъват этади. Ҳар бир виждони уйғоқ, имони бут киши ўз-ўзи билан шундай “олишадиган” пайти келди, деяётгандай бўлади...

Шоир бошқа бир сарлавҳасиз шеърида ўзининг холис ва муросасиз маънавий позициясини азалий зиддиятлар оҳангода шундай ифодалайди:

**Кўз ёш томчисида қуёш жилваланар,
Ажаб бу дунё.
Пичоқ мой устида – инсон телбаланар,
Ажаб бу дунё.
Бирор шон-шуҳратли, виждони йўқ ҳалос,
Ажаб бу дунё.**

Шоир асли ҳалқона муқобил ибора – нисбатлари ижодий ўзлаштириб, уларга санъаткорона тартиб ва сайқал беради: “кўз ёш томчиси” – “қуёш жилваси”: текинхўрлик майшати рамзи “пичоқ мой устида” – маънавий-ахлоқий разолат: ёлғон шон-шуҳрат қули – виждонсизлик касофати... Биринчи нисбатлаш усулида азалнинг рок хилқатли одамларга мұяссар бўладиган чинакам гўзал зиддияти зуҳур этади (акс ҳолда, йиғи қатрасида қуёш акс этиши қаламга олинган бўларди). Кейинги икки муқояса қутблари – эндилиқда очиқласига, юз-хотирсиз фош қилинаётган аччик ҳақиқат – руҳий қашшоқлик, маънавий тубанлик хусусида. Албатта, шоир бу гал шеъриятда тутилмаган бадиий кашфиётлар – оригинал, бетакрор кечинма-образлар яратиш мақсадини кузатмайди, балки ҳалқнинг синалган, аёвсиз мантиқидан, ҳаёт сабоғидан предмет-тафсиллар тилидан фойдаланади. “Ажаб бу дунё” –

кинояомуз сўзларнинг радиф ўрнида такрорланиб келиши шеър мусиқий жозиба бағишлайди.

“Доҳий” сарлавҳали йирик шеър – манзумада етмиш йилдан зиёд мислсиз драматик зиддиятларга тўла “янги” тарихий йўлнинг ҳали-хозир халқимиз тўла, чуқур англаб етмаган турфа ёлғонлари, қабоҳатлари, йўқотишлари – барча мудхиш оқибатлари ҳақидаги аламнок хаёллар, ҳакамона аёвсиз хукм-баҳолар умумлаштирилади:

**Ўзимизча қуёш ёқдик гўё
Ўчириб миллионлар қиёфасини...
Доҳий бўлса – қурбон талаб қиласар,
Доҳий бўлса – бўлар маддоҳи.**

Маълумки, “шахсга сифиниш” деб аталган, гўё тарихимизнинг ижобий ва салбий жиҳатларига холис ёндашишни, аслида тоталитар тузум-тартибот асосларини ҳимоя қилишни, мафкуравий-синфий ақидаларга садоқатни кўзда тутган нафақат бирёқлама, балки ёмонлик илдизлари – туб сабаблар фош бўлишидан қўрқсан ғоят “эҳтиёткор” сиёсий-партиявий танқид одамларни чалғитиб келди.

Бу ҳуррият идеалларини, алданган инқилобчилар фожеасини – ҳақиқий тарихни, аниқроғи, тарихий ҳақиқатни сохталаштиришдан иборат эди. Апрель Пленумидан, асосан XIX партконференциядан кейин “асосчи” ва “буюк давомчи” доҳийларни яратган шарт-шароит, унинг мазмияти ва сабабияти астасекин очила бошлиди (масалан, собиқ “соц.лагерь” мамлакатларидаги туб ўзгаришлар ўша “асослар” билан изоҳланади). Эндиликда кўчирилган шеърий парчанинг мудхиш мазмуни (айниқса: “Доҳий бўлса – қурбон талаб қиласар, Доҳий бўлса – бўлар маддоҳи”) ҳам, шунингдек, қуйида келтириладиган мисралар мазмуни, улар замиридаги “шафқатсиз ҳақиқат” ҳам ёлғиз мустабид Сталинга ва сталинчилар номигагина дахлдор эмас:

**Инсон қадрин топтади бир сўз,
Бир сўз билан тиллар бойланди.
Бир сўз авлодларнинг нурсиз, истиқболсиз
Мудхиш тақдирига айланди.**

Ажаб зиддиятли ҳол: “бир сўз” – шу оддий, лекин тагдор, кўп қиррали рамзий образ то XX съездгача бошқача маънода, кейинги ўн йилликлар давомида нафақат айрим тоифа фанатиклар, соддадил одамлар, балки аксарият софдил кишилар назарида то ҳануз биринчи муассис, дахрий пайғамбар мақомидаги, ҳақиқат ва адолат, эрк ва тенглик ғоялари тантанаси учун курашнинг мужассам тимсоли, ҳатто поклик тимсоли сифатида идеаллаштириш, илоҳийлаштириш объекти ва субъекти бўлиб келди. Ўша

“дохий” номи миллионлар шуурига, психологиясига сингдирилмаган бирорта восита, тармоқ, имконият, соҳа, йўл-усул қолмадики, сира канда қилмай, меъёр, зарурат, мантиқ қонунларига риоя қилмасдан, зўр бериб тарғиб, ташвиқ қилинмаган бўлсин, ҳатто сўзниң ўзи қадрсизланди. Шундай ғайритабиий, ғайриинсоний муҳитда “миллионлар қиёфаси” – ҳар бир шахснинг ўз дунёси, қалби, заковати) руҳияти қадрсизланиши, айниқса, мустақил фикрлаш, сўз, эътиқод эркинлиги бўғилиши – “тиллар бойланиши”, “авлодлар тақдири” эса ҳақиқий, баҳтли истиқбол имкониятидан маҳрум бўлиши, қалбаки идеаллар, “халққа қарши ҳақиқат” (М.Солих) билан алмаштирилиши, мунофиқлик, риёкорлик, демагогия авж олиши табиий ҳол эди. Айниқса, турғунлик деб аталган йиллар муҳити буни тўла тасдиқлади.

Шоирнинг “Дунё кенг эди...” сўзлари билан бошланадиган сарлавҳасиз бир шеърида зоҳиран сохта “раҳнамолар” тилга олинмаса ҳам, улар асослаган, ривожлантирган тоталитар система қиёфаси характерли, ҳаётий тафсил-деталлар тилида фош этилади:

**Мурват каби зарур, ардоқли одам,
Фикр ва йўл эса тайёр, ягона.
У ёнга – бу ёнга чиқма бир қадам,
Замонга бўласан бегона.**

Чуқур киноя билан йўғрилган (чунончи: “зарур, ардоқли одам”) мазкур сатрларда гўё “тақдирдош трамвай” янглиғ “темир излар” (У.Азимов) домидан – метин қонун-ақидалар, “раҳбар кўрсаттилар” чизифидан четга чиқмай яшаган, хомхаёл романтиклар – коммунизм манзиллари томон “биринчилардан бўлиб йўл очган” итоатгўй кишиларнинг тирик фожеаси муҳтасар ва ёрқин лавҳада ўз ифодасини топган. Неча ўн йилликлар мобайнида ҳукмронлик қилган ёлғоннинг характерли бир қўриниши – “фикр ва йўл тайёр”лиги (айниқса, “ягона” эканлиги!), бу аввалдан белгилаб, қонунлаштириб қўйилган “принциплар” қанчалик оғир ва хунук оқибатларга олиб келганлиги эндиликда жаҳон афкор оммасига маълум ва аччиқ ҳақиқат. Шоирнинг аламли-маломатли кинояси замирида ҳозирги демократик янгиланиш, тозариш шароитида “мурват” бўлишдай эрксизлик оғатидан кимки қўл-оёғини ҳам, ақли, қалби ва руҳий оламини ҳам қанчалик қатъият билан халос этса, бу билан ўзи учун ҳам, халқ ва жамият учун ҳам хайрли, босавоб иш қилган бўлади, деган ўй-ният мужассамлангандир.

Орифона...

Шак-шубҳа йўқки, шоир фалсафий мавзуларда ёзганда ҳам шоирлигича қолади. Фақат у ёзиш жараёнида улуг Гёте огоҳ этган тамойилдан – азалий, қийноқли саволлар “объекти” табиатан иррационал, интим-лирик ҳолатларда ижод қилувчи шоир “субъекти”ни ўзининг жозиба кучи билан рационализм томон судраб кетишидан сакланса бас. Бу ҳакда Аскад Мухторнинг ўзи ҳам

“Лирика” сериясидаги китобига ёзган кириш сўзи - “ҳасбу ҳоли”да қайд этиб ўтган, қолаверса, у танқидчиликнинг айрим таънаомуз сўзларини ҳам эшитган... Лекин, тан бериб айтиш керакка, ҳеч қачон изланиш туйфуси, янги, рангин тимсол-образ туйфуси сўнмаган шоирнинг, айниқса, кейинги чорак аср лирикасида теран фалсафий-лирик ўйлар – орифона мұхокама ва мубоҳасалар унинг ижодий стихиясига айланди. Чунончи, “Олтин нурларингда тебрат дунёни” туркуми ва бошқа шеърларида шоирнинг ижодий индивидуаллиги ўзгача қирралари билан намоён бўлади. А.Мухтор шеърларининг ўзига хослик жиҳатлари кўп, улардан бири шундаки, чунончи, шоир “табиат поэзияси” (М.Пришвин) тасвирини руҳият манзаралари билан, автобиографик хотиротни элу юрт таржимаи ҳоли, замон ташвишлари билан ҳайратомиз даражада омухта қилиб, бир бутун организмнинг ўзаро уйғун ҳужайралари тарзида бера олади. Лекин у, муҳими: “Шеърларимни ўқиганлар шояд Менинг кўзим билан боқар оламга” сатрларида мужассам ифодаланган ўзига хос эстетик принципга амал қилиб ёзади. Шоир сўзлари, мисралари зоҳирлан оддий, жонли предметли; руҳан теран, кўпқиррали, подтекстга бой – иложсиз, бир лаҳзагина бўлса ҳам ўйга толдиради, баъзан баҳс қўзғотади. Интонацияси, бир вақтлар унинг ўзи қайд этганидай китобхон билан эркин, bemalol, баъзан юзма-юз суҳбат усулида, муҳими, табиий, “тарҳи тоза, беандоза” (Навоий). Шу серқирра, ранггин, теран оламни ўзига “сифдира олган” сўзлар, мисралар, бандлар гўё унутилиб ўқилади, тўғрироғи, уларнинг ҳар бири, янги, тутилмаган сўз-образлар – факат Аскад Мухторнинг ёрқин ҳаётини бошлайди. Мана шоирнинг “Шунда тугилиб ўсдим” сарлавҳали том маънода катта шеъри – манзумасидан характерли мисралар:

**Мен ҳам шу ерларда униб-ўсанман,
Совимайди она оғуши.
Йил кетмайин йиллар ўтган билан
Балқиб тураг дилда ёғдуси.
Кўнгил садоларим оқар сойида,
Бунда аждодларнинг ўлмас жонлари,
Руҳим осойиши – боғлар чиройида,
Қалбимни софлайди нилий шомлари...
Тун қўйнидан қалқар мисли ёқут –
Мангуликнинг пок товушлари:
Кимларнингдир баҳтдан йиғлаб ёҳуд
Қувониб қовушгани...**

Ҳар бири ўзининг қанча зиддиятлари – ташвишлари, қувончлари, қанча муаммолари, сабоқлари, билан кечган йилларнинг қаҳрамон қалбидан чуқур

жой олган азиз хотироти. Бугина эмас. Бу хотираларнинг нафақат ҳеч қачон “совимас она оғуши” билан боғлиқлиги, балки чукур руҳий замин – “аждодларнинг ўлмас жонлари”, тун суқунатидан сирли садо бўлиб таралган “мангуликнинг пок товушлари” – бундай руҳий қатламлари билан ихтиёrsиз ўйга чўмдирувчи, шоир қаҳрамони каби китобхиннинг ҳам “қалбини софлайди”ган инсоний кечинмалар... Мана Асқад Мухторнинг реал воқеаликка, инсонга, унинг руҳий оламига маҳсус муносабатини кўрсатувчи, фалсафий мушоҳадалари билан ўзига тортувчи, “фикрловчи” ва безовта туйғулардан йўғрилган образлари. Улар шоир дунёсининг теранлиги, бадиий бутунлиги, рангинлигидан далолат беради.

Асқад Мухтор “Мен дунёга келиб дунё орттиридим” туркумига кирган аксарият шеърларида ўз қаҳрамонини кучли ва ёрқин индивидуал шахс сифатида кўрсатишда, унинг қалбини инкишоф этишда одамларнинг “қайғу ва қувончи”ни бош мезон қилиб олгани кўзга аён ташланади:

**Сочларимга оқ тушмадими,
Қалбга солмадими жароҳат
Заминда тикилган ҳар бир қора байроқ,
Маҳаллага келган ҳар бир қора ҳат?..
Қайдан қайгача у, менинг ҳаётим? –
Ўйламабман ҳатто энг оғир дамлар.
Қайғу ва қувончим кўп бўлди, аммо
Сизсиз улар йўқдир менга, одамлар.**

А.Мухтор дастхати учун характерли бўлган бу конкрет – предметли образларда шоир ва замондош тақдирининг бирлиги, шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлиги, инсон дардига чинакам шерик бўлолганлик учун руҳий-маънавий мамнуният ҳислари ғоят табиий ва самимий ифодаланган. Шоир саккизликларидан бирида ядро уруши ваҳмини фарзандпарвар халқимизнинг азалий одати, характер аломати – кўнгилнинг интуитив безовталиги, туйғулар бедорлиги сифатида, бугал ҳам кокрет турмуш тафсилотлари орқали ҳаққоний ифодалайди:

**Бугун биз урушни нафратлар эканмиз,
Қўрқсак, биз бегуноҳ норасидалар,
Уруш кўрмаганлар учун қўрқамиз,
Аччиқ ёш томмаган қўзи осудалар,
Ўлик кўммаганлар учун қўрқамиз.**

Хар бир она, ҳар бир ота қалбини эгаллаши табий бўлган бундай ваҳм-қўрқинч туйғусини ҳатто вализм билан урушнинг бутун даҳшатларини бошидан кечирган авлод ҳам тарқатишга ожизлик қиласди. “Даҳшатли тушлардан қўрқмайман энди, қўрқаман даҳшатли уйғонишлиардан”, - дейди “Энага” шеърининг қаҳрамони.

Бас, бирдан-бир умид – инсон қалби, заковати ва иродасининг умумбашарий уйғунлигини, бутунлигини яратиш йўлида саботу жасорат кўрсатиш. Зоро, партиямизнинг колектив даҳоси яратган, XXVII съездидаги илгари сурилган гоянинг руҳи, моҳияти шундай саъй-ҳаракатни тақозо қиласди. А.Мухтор инсондаги тинчлик, ёруғлик, эзгулик ғояларининг пировард ғалабасига ишонч ҳиссини “Тун” шеърида шундай улуғвор, пурвиқор оҳангларда ифодалайди:

**Хайрли тун, уйғоқ инсон руҳи,
...Планетанинг ўпкаси улар,
Нафаслари билан нафасимиз туташ.
Сокинлиги билан дилнинг ороми.
Муқаррар бир қисмат, бир меҳри оташ
Боғлаб турар бизнинг орани.
Дарахтлар биз билан сўзлашмайди, лекин
Шивири уланар ўйларимизга...
Мухаббат софласин сени оташдай,
Учавер, жонажон яшил планетамиз,
Чексиз зулматларда адашмай.**

Бу ғоят самимий, ҳаётий туйғулар оҳанрабоси туфайли биз тинчлик, омонлик инсоннинг фақат шахсий истаги, армони эмас, балки башарий уйғунликнинг узвий ҳодисаси – азалий ижтимоий зарурат эканлигига чуқур қаноат ҳосил қиласми.

А.Мухтор “Дарахтлар” шеърида публицистлар “яшил бойлик”, ернинг ўпкаси деб атаган азалий уйғунлик тимсолларидан бири наботот дунёсини шундай “инсонийлаштиради”:

Бу мисраларни ўқиганда конкрет манзара гавдаланмаса ҳам, шоирнинг оригинал мажозлари: “планетанинг ўпкаси”, “нафаслари... туташ”, “сокинлиги... дилнинг ороми”, “шивири уланар” каби жонли-ҳиссий аломатлар бизда нафақат ҳайрат, балки ўйчан кайфият туғдиради.

“тонг олди тинч...” шеърида табиатнинг мўъжизакор жараёнларидан бири, турли замонларнинг ҳассос шоирларини ларзалантирган субҳидамнинг ўзгача тимсоли – фалсафий кашф қиласди.

**Қайдадир бир қуш
Уйқусираб “чирқ” этди.
Оlam тушин хуркитди
Шу заиф товуш.
Бир нозик товуш холос,
Лекин илк товуш ёнди,
Бир томчи куй уйғонди,
Бир зарра олмос.**

Фақат нозик шеърий дид табиат ҳодисаси замиридаги шеъриятни шундай аниқ сувратлаб бериши мумкин: ҳассос шоир товушнинг гүё “ёнгани”, “томчи қуйга айлангани”, “куй (бўлиб) уйғонгани”, ниҳоят унинг “зарра олмос” янглиғ товланиши – таассурот кечинманинг бундай кристалланиши билан субҳидам манзараси чизилади. Шу тарзда табиатнинг ғаройиботларидан бири – лаҳза ичидаги юз берган ҳам оддий, ҳам сирли ҳолат – оламнинг уйғониш, жонланиш, шаклланиш фалсафаси, ранглар, товуш-оҳанглар, нурлар, шаклманзарадар тасвири чизилади.

**Күшча сир келтирғанди
Күёшнинг илк нуридан
Шу товушнинг сехридан
Оlam шаклланди,
Оlam шаклланди.**

Қайсиdir бир дараҳт шохидаги күшчанинг ногиҳоний-инстинтив ва мудроқ товуши моҳиятида бизнинг сезги-шууримиз илғаб ололмайдиган табиат қонунияти яширганлиги аста аён бўлади: ҳали тонг ёришмасдан, эҳтимол, қүёшнинг жуда олисдаги нурлари самовотнинг аллақайси тўлқинларига урилишидан ҳосил бўлган тебраниш қүшчани сескантириб юборгандир. Шоир мана шу сирли-гаройиб жараённи бадиий кашф қиласди – “күшча келтирған сир”, “товушнинг сехри” анъанавий субҳидамнинг янги, бетакрор шеърий образига айланади.

“Санъат” сарлавҳали шеърда кеч куз, яланғоч боғнинг ғарибона кўриниши таъсирида шоир қаҳрамоннинг дастлабки ҳазин кайфияти кутилмаганда гўзаллик мўъжизасига айланади – ижод дарди, яратиш қувончи ёрқин образли қиёфа олади:

**Мен куз оқшомининг сувратин солдим:
Сўник боғ, сўнгги нур ва намчил жазон...**

**Манзарадан ўзим ҳайратда қолдим.
Ғамгинликни босиб келди ҳаяжон...
У шундай чиқдики, кўзим ёшладим:
Ғамгинлик қувончга айланди.**

Бу мисралардан аён кўринадики, шоир истаса ҳатто кузнинг кишини хомуш қиладиган манзарапаридан фараҳбаш асар яратиш мумкин. “Хафа бўлганимда ёлғиз юраман” сарлавҳали бошқа бир шеърга сингдирилган ғоя қаҳрамоннинг ёлғиз қолган чоғидаги китобхонга сир бўлган “дарди” эмас; унда тунги сукунат гўзаллиги, ҳаёт осудалиги, кенг маънода, табиат ва инсон билан боғланган эзгуликлар – азал ва абадият ҳақидаги ўйлар руҳий манзарапарга айланади.

**Сукунутни чўчитмасин дардим,
Айланиб ўтаман сокин боғларни...
Безовта қилмасин маъсум қушларни
Ногоҳ бўлинмасин она алласи.
Хуркитмасин дардим ширина тушларни
Эзгу тонг палласи.
Ўз дардимни ичимга ютаман,
Оlamning беғубор тонгин кутаман.**

Бунда нозик бир нуқта бор: шоирнинг қаҳрамони ўзининг классикадаги салафлари – армонли ошиқлар каби тунни бедор ўтказиб, аламнинг шиддатидан тонг саҳарда “Бо ҳасрато!” деб оҳ уриши ҳам мумкин эди. Лекин бундай қилолмаслигига чуқур ҳаётий, инсоний асос шундаки, унинг ҳеч кимга ошкор қилмаган дил рози – “ўз дарди” ҳам бу қадим дунёнинг тонг олдидаги сокин, шаффоғ стихияси қаршисида лол қолади, унга сингиб кетади.

Шахсий-интим кайфият устидан объектив оламнинг боқий қонунияти ҳақидаги ижтимоий туйғулар ғолиб келади. Шеър интиҳосида боғлар сокинлиги, қушлар ороми, она алласи, ширина тушлар, янги тонг умиди каби ҳаётбахш ўйлар тантана қолади. Шеър моҳиятига яна чуқурроқ разм солганда, унда она Замин тинчлиги мотивлари санъаткорона ифода этилганини уқиб олиш қийин эмас.

Аскад Мухтор “Ярим тундан кейин” шеърида табиат ҳодисаси орқали турли авлодлар алоқаси, тақдири, уларнинг руҳий ва маънавий меросга муносабати ҳақида, хотира, абадият ҳақида фалсафий баҳс очади:

**Ярим тундан кейин ўрнимга ётсам,
Қонимнинг уруши бермайди уйқу.**

Узоқ аждодимнинг овозидир бу...

Мен ҳам бир вақт қон бўлиб кўпирсам,

Тинглайдиган одам бўлармикан?..

Бу шеърнинг моҳиятида маънавий экология муаммосига шоирнинг куюнчак, безовта муносабати зухур этган: ҳозирги илмий-техник, технологик тараққиёт суръатлари, масштаблари, ижтимоий ҳаётдаги, жаҳон миқёсидағи турли-туман зиддиятлар, бу суръат, масштаб ва зиддиятларнинг тобора кучайиб бориши... маънавий неъматларга, не-не қурбонлар, маҳрумликлар, фидойиликлар эвазига яратилган, мушкул йилларда мардлик, жасорат ва сабр-бардош билан сақлаб қолинган маънавий қадриятларга не ҷоғлиқ таъсир кўрсатади? Бу қандай оқибатларга олиб боради? “узоқ аждод... овози” – инсон хотираси кейинги насллар – лоақал XXI аср авлодлари учун ҳам муқаддас ва азиз бўлиб қолади, дея тасалли тортиш мумкинми?! Ҳар қандай, шоир қаҳрамонининг мушкул саволи китобхонни зиддиятли ўйларга толдиради. Бу фақат қадрталаб ўйлар эмас, балки келажак наслларнинг чин инсоний тақдири, маънавий насибаси, барча эзгуликларга ворислик баҳти ҳақида қайфуруш, “куюниб айтилган” (Р.Парфи) табиий, самимий тилаклар ифодасидир. А.Мухтор шеър интохосини келажак насллар тақдири учун жавобгарлик ҳисси билан яшаётган ҳар бир соғдил кишини қийноққа соглан саволлар заминида яратади:

- **Борми ҳақиқатга ҳамон ташналар?**
- **Одам юлдузини кўқдан уздими?**
- **Боғлар кўкми?**
- **Тиниқми чашмалар?**
- **Қизларнинг ибоси эзгуми?**

Шоирнинг “Олий бутунлик” шеъри фалсафий мушоҳадалар масштаби, ўй-хаёллар теранлиги каби поэтик мезонларни янги образлар билан конкретлаштиради. У, биринчи қарашда, табиат ва инсон муаммосини азалий мухит ичида, унинг бутунлиги ва бўлаги тарзида талқин қилаётгандай бўлади. Лекин табиатдаги мутлоқ чексизликка қарамай, унда сирли-сехрли “олий бутунлик” мавжудки, инсон “тирик табиатнинг зарраси” бўлгани ҳолда ҳаммасини билишга интилиб яшайди. Шоир, табиий, бу мураккаб муаммони ўзича, поэтик тарзда “ҳал қиласи”, натижада оригинал фалсафий-лирик лавҳа яратилади:

О, она табиат! Сен билан яксонман,

Сен менинг эркимсан, менинг қафасим...

Оламнинг сирли чексизлиги, абадияти она табиат билан бир бутун бўлган инсонга, унинг ҳиссиётига, тафаккурига қанчалик эрк, қудрат, жасорат бағишиламасин, айни пайтда шу буюк бутунлик ичида ўзини ҳамон беором, ташна, армонга сифдира олмаса не ажаб? Шундай қилиб, “Менинг эркимсан”,

“менинг қафасим” полемик образлари орқали, кенг маънода, инсоннинг ҳақиқатга интиқ табиати, исёнкор туйғулари, янгиликка, кашфиётга чанқоқ тафаккури ҳақида баҳс очади. Лирик қаҳрамоннинг руҳий илтижоларига муайян жавоб ахтариш жараёнида бу теран фалсафий фикр янада теран ва масштабли образлар билан далилланади:

**О, ҳаётнинг олий бутунлиги,
Инсонга уфқларни кенгроқ оч,
Жамики дардларга малҳам ўзингсан,
Азобли ўйларга ёғду соч,
Азобли ўйларга ёғду соч...**

Инсоннинг она табиат қарисидаги “азобли ўйлари...” “Асримиз одами” (А.Орипов)ни ҳатто социал-синфий мотивлардан холи муаммо – оламнинг ибтидо ва интихосиз чексизлиги, абадияти чуқур хаёлга толдирмайдими? Эҳтимол, у табиатдаги ҳайратомуз уйғунлик, бутунлик, таносиб, азалий баркамоллик жамият ҳаётида ҳам қарор топишини ҳайл қилар, эҳтимол, унинг ўзи бошқа бир “олий бутунлик” яратмоқчи бўлар... Эҳтимол, уни барча моддий ва маънавий неъматлар тақдири, башарият, унинг идеаллари тақдири қийноққа солар... Хуллас, шоир алоҳида урғу билан такрорий-интонацион сайқал берган “Азобли ўйлар”, “Олий бутунлик” шеърнинг контекстида полифоник характердаги умумлашма фалсафий-лирик образ даражасига кўтарилади.

А.Мухтор “Ўтар-кетар...” шеърида инсон психологиясининг кўпчилик назарида гўё табиий ҳолдек туюладиган, аслида қадрга, эъзозга, муҳофазага муҳтож бўлган нозик бир туйғуси ҳақида безовталаниб мушоҳада юритади. Йўқ, бу ғафлат, пассивлик, хотиржамликка берилиш, пайсалга солиш, совуқконлик, беғамлик каби маълум сабабларга кўра кўникма – одат тусига кирган, охири кўнгилсиз оқибатларга олиб борувчи номарғуб кайфият ифодаси эмас. Аксинча, бу – инсон ҳаётнинг турлича – оддий ва мураккаб жараёнларида, кундалик турмуш ташвишларини деб ёки катта, эзгу мақсадлар, орзу-интилишлар йўлида қандайдир умид, илинж, соғинч, лаззатли оғриқ ҳислари билан кечадиган интиқ кутиш сониялари, дақиқалари, соатлари, кунлари, ойлари ҳақида:

**Ин ҳам мегузарад... Тугиб олинг дилга,
Чиндан ҳамма нарса, сўзсиз, ўтади.
Лекин ҳамма нарса ўзи билан бирга
Умрнинг бир қисмин олиб кетади...
Оғриқ тузалгунча фурсат кутамиз...
Орзу ушалгунча фурсат кутамиз.**

**Биз висол кутамиз гоҳ ёлғизликнинг
Дардчил лаззатини қадрламасдан...
Доимо календарь япроқларнинг
Хазонрезгисида яшаймиз.**

Шоир “кутамиз” сўзини бир неча бор тақрорлаши бежиз эмас. Демак, бу сўз замирида самимий бир киноя ва лутф билан йўғрилган мажозийлик, ўзига хос фалсафий баҳс бор. Хўш, инсон ўша кутиш дамларини яна қандай маъно билан тўлдириши, улардан қандай самаралар кутиш мумкин? Ахир улар бекор-бехуда ўтмайди, изсиз йўқолмайди-ку? Барибир, шоир шундай нозик, ўйчан бир баҳс очганки, умрнинг ўтган фурсатлари ҳақидаги маълум алам-ўқинчлар эътирози учун қандайдир таскинли сўзлар билан ўзимизни овутмайлик, ҳаёт, умр ҳақидаги, ниманидир, кимнидир кутган ва кутмаган бениҳоя азиз, айни пайтда ўқинч-армонли, “азобли ўйлар” бизни осонликча тарк этмайди... Файлласуф шоир “Ер” сарлавҳали миниатюр шерида табиат ва инсон, ҳаёт ва тинчлик-осойишталиқ, ризқ-рўз манбаи бўлган меҳнат, унинг самарали фақат яхшилик, эзгулик йўлида сарф этилиши муаммоларига ўзининг поэтик муносабатини билдиради:

**Истардим, инсон ҳам Ерга фақат дон,
Мурувват, саховат уруғин экса.
Ҳеч ким ўқсимаса, ҳаммага етса
Кўк гумбаз остида тўкин дастурхон.
Назаримда, мен ҳам ерни дехқондай
Хайдаб, ҳар қадамда маъно изладим.**

Самимият уфуриб турган бу ўйнан сатрлар узоқ, давомли мушоҳадалар маҳсули сифатида шакллангани сезилиб турибди. Беқиёс даражада мураккаб асримизда умум-башарий масштабда, инсон заковати, қалб саховатининг ҳамма нарсага қодир кучига ишонч-эътиқод билан, шу қадар журъатли фикр юритиш учун шоир зиммасига катта масъулият олиши, бунга ўзини маънавий ҳақдор деб ҳисоблаши лозим бўлади. Асқад Мухторнинг муносаб ҳаёт ва ижод тажрибаси, энг муҳими, ижодий ҳалоллиги, виждан амрига бўйсуниб, қалб буюрганини – ростини, ҳақиқатни ёзиши, ҳамиша янгилик, бадиий кашфиётлар ҳисси билан яшави унга ана шундай маънавий ҳукуқ беради. Қолаверса, шоир нафақат виждан соқчиси; у башарият фарзанди, Ҳақиқат, Гўзаллик, Яхшилик элчиси. А.Мухтор санъаткор меҳнатини дехқон меҳнатига қиёслashi, она-Сайёрамиз тупроғида “фақат дону мурувват, саховат уруғи” униб-ўсимини орзу қилиши шунчаки, одатий гап эмас. Шоирни чиройли ташбиҳу нисбатлар, баландпарвоз васфлар қизиқтирмагани маълум. У ҳозирги бениҳоя таҳликали вазиятда жаҳон тинчлигини (шеърда бу сўз ишлатиласада) сақлаб қолишдек қийин ва олижаноб вазифа қаршисида шоир, санъаткор

адо этиши лозим бўлган қутлуғ миссияни самимий истак, ёруғ бир хаёл тарзида ифодалайди. Шеърнинг “истардим” сўзи билан бошланиши ҳам айни шу мақсад кузатилганлигидан далолат беради.

А.Мухторнинг “Ғур оқади...” шеърида биринчи қараашда инсоннинг ёруғликка ҳамиша ташна руҳини, заковат зиёсини сув билан ҳаводек ҳаётий эҳтиёж деб билиши гўё космик меъёрлар орқали ифодаланаётгандай бўлади:

**Нур оқади, ку-тун нур оқади,
Нур ёғади қуёшдан ерга...
Миллиард йиллар неча миллиард юлдуз,
Ер деб хирмонин ҳамон уяди.
Нимага бўлмаса унда одамлар
Қора кунларини оғир туяди?**

Аслида, мисралар руҳига – моҳиятига разм солганда, шоир танланар “нур” рамзи биз дафъатан англаган ақл-заковат ва маънавият зиёсидан ортиқроқ зарур, қадрли бўлган баҳт, рўшнолик, яхшилик, тинчлик-омонлик, том маънодаги (қонунларда акс этмаган) инсоний эрк маъноларини ифодалашга даъват қилинмаганми? Халқимиз тинчи, ҳаловати бузилган, баҳти, эрки оёқ ости бўлган кишининг бениҳоя аламли, озорли ҳолатини: “Ёруғ кун борми?” каби исёнкор сўзлар билан ифода этади. Демак, “нур” тимсолини ана шу йўсинда мумкин қадар теран, ҳамдард кўнгил идроки билан тушунадиган бўлсак, унга контраст-муқобил олинган “қора кунлар”нинг маъноси яхшироқ аён бўлади. Шоирнинг сўз туйғуси, сўзташибихга санъаткорона муносабати шундаки, қуёшдан, коинотдан азалдан то абад гўё Сайёрамиз эҳтиёжлари учун “оқади”ган нур тун қоронғилиги билан эмас, унинг ғоявий жиҳатдан яна-да чуқур маънодаги тимсоли-халқона “қора кун” нақли билан классик тазод усулида муқояса қилинади, шу тарзда “нур” сўзи рамзий-мажозий характердаги янги фалсафий-лирик образ даражасига кўтарилади.

Шоирнинг “Умид” миниатюрасида табиатнинг баҳорий мусаффолиги “янги меҳмон” – чақалоқнинг уйқу оғушидаги ажаб маъсумона қўринишию гўё “тушида” кулиши халқона синчков нигоҳ, табиий, тиник ранглар воситасида ифодаланади:

**Инсоннинг дунёда илк палласи,
Ғунчадек тугилиб ётибди.**

Тұғмами мусиқа, она алласи – Юзида табассум чечак отибди.

Шоир уйқу жараёнини ифодаловчи сўзларсиз норасида инсоннинг фариштасуврат қиёфасини табиат ҳодисасига қиёс этиш билан гүё китобхоннинг табъи ва мушоҳада кучини синамоқчидай мўъжазгина лавҳада оламнинг рангин тимсол-образини мужассам ифодалайди: бу – боланинг “ғунчадек туғилиб ётиши”, гулдай нозик ҳарир “юзида табассум чечак отиши” – фақат гўдак хилқатига хос ибтидоий тароват, турли андозаларга тушмайдиган, дахлсиз гўзаллик унсурлари; бу – одам боласининг “илк палласи”га хос, ҳали умр, тақдир, жамият, замон эпкинларидан фориғ, бокира даврига хос пинҳоний ўсиш, ўзгариш ҳолатлари; ниҳоят, бу – “музиқа”, “она алласи” билан бола табиати – қонига, жисмига, юрагига майли ҳали уйкудаги идроки, мурғак руҳияти ва маънавиятига аста-секин ўта бошлайдиган эзгулик қатралари, яна аникроғи, унинг кўринмас, сезилмас нур, ранг, ун-оҳанг, ўт-ҳарорат – оналик меҳри зарралари. Шоир ана шундай нозик жилоларни санъаткорона умумлаштиради. Шеърнинг кейинги бандида болалик дунёсига хос нукра – шаффоғ нуқталар “барчанинг дардига бўлган... дард” (Навоий) оҳанглари билан уйғуналашиб кетади:

**Сўнмасин юзида илоҳий ёғду,
Разолатни йўлатманг зинҳор...
Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг,
Қутқариши мумкин дунёни!**

Шоир қанчалик оғриқли-маломатли бўлмасин, турфа ёлғон, ғаразу нопоклик каби маънавий “разолат”нинг хатарнок кўринишлари билан боғлиқ, ҳаётий зарурати, аҳамияти ҳали-бери сақланиб қоладиган ечими мушқул муаммолардан баҳс очади. Ҳолбуки, шоирнинг бундай эзгу “умиди” замирида ҳар бир соғлом ақл ва аҳлоқ соҳибини “азобли ўйлар”га толдирувчи зиддият ётадики, буни фақат сўз санъаткори шеърият қонунларига хос гўзаллик, ҳақиқат меъёрига солиб, азалий мушкулотни бир қадар “юмшатиши”, шу йўл билан гумроҳлик ва ғофийлик кулфатидан огоҳ этиши, кимларнидир инсофга чақириши мумкин. Зеро, норасида чехрасида акс этган табиатан тоза, нурли чизиқлар кейинчалик ўзгача маъно касб этувчи қадрият – катталар тасаввуридаги имон-эътиқод, номус-диёнат (масалага масъулият ҳисси билан ёндошганда) гўдаклар поклигининг нисбий ҳақиқати, шартли аломатлари маъносидагина сақланиб қолиши мумкин. Акс ҳолда, бола “юзида илоҳий ёғду” образи навбатдаги алдов рамзига айланар эди. Шоир эса камоли эътиқоду эътимод билан: “Ҳар гўдак – мўъжиза... У дунёни қутқариши мумкин!” - дея ҳайқиради. Беихтиёр христиан фалсафаси ва бадиий маданиятнинг улуғ арбобларидан Достоевскийнинг “Нафосат – оламни халос этади” деган сўзлари ёдга тушади. Шу маънода шоир сўзлари, азалий

зиддиятлар курашидан қатъи назар, қутлуғ калималар сирасида лоақал шеърият мухлислари назарида ўзининг муносиб қадрини топиши мумкин.

ФОЖЕОНА...

Маълумки, санъатнинг барча соҳаларида ҳазин-трагик мазмуни, гояси, образлари билан ўкувчини, тингловчини, томошабинни ҳаяжонга солувчи, ҳатто ларзага келтирувчи асарлар мавжуд. Зотан, айрим номдор шоирлар каромат қилгандай, ҳаёт “ғамдан йўқ нишон” баҳт кошонаси, хаёлий чорбоғу шодликлар бўйстони эмас. У ўзининг азалий ва ногихоний, оддий ва мураккаб зиддиятлари, драмалари, инсоний дардлари билан маъноли ва қадрлидир. Эндиликда шоир эътиқод, виждон қонуни билан “нарсаларни ўз номи билан аташ” фурсати келганидан илҳом ва рафбат олиб, деярлик ҳар куни, ҳар соатда бевосита кўриб кузатган, шоҳиди бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида ё билвосита – қалбан ҳис этиб, ҳаёлан мулоқот қилиб, руҳан кечирган ҳаёт зиддиятлари ҳақида, унинг суурурли, фароғатли, лазиз инъомлари билан баробар, аччик-аламли, ноҳақ, номақбул, ҳатто фожеъ насибалари ҳақида очиқ-ошкор ёзишни, дардни баралла, ҳайқириб айтишни ижодий таомилга кирита бошлади. Ҳозирги ўзбек лирикасидаги трагик мотивлар, образлар мана шундай ҳаётга янгича муносабат меваларидир.

Ҳаётнинг мураккаблиги шундаки, унда суронли ҳодисалар замирида осойиш ва оройиш дамлар амалланиши, етилиши мумкин бўлганидай (“Бўронларда бордек ҳаловат...” – Лермонтов), аксинча, тинч-сокин ҳолатлар ҳам ўз руҳида туғёнлар манбаини сақлаши ажабланарли эмас. Одатда кутилмаган ҳол бўлиб туюладиган зиддиятлар – баҳт ё баҳтсиз ҳодисаларнинг сабаби, замини ҳаётнинг ўзида яширингандир. Асқад Мухтор ҳаёт қувончлари унинг зоҳиран кўзга ташланмайдиган аламли жиҳатлари – табиий ҳазин-ўйчан “фалсафа”си билан ёнма-ён яшашини шундай ифодалайди:

**Кун ботади, терак учларидан
Сўнгги рангларини йиғиб олади.
Инсон эса, бу фожеани
Тинчгина кузатиб қолади.**

Аввало, оқшом олдидаги манзара – қуёш ўзининг “рангларини йиғиб олиши” қанчалик жонли, аниқ чизилган. Ўзаро зид маънодаги параллелизмдан (табиат ҳодисаси ва инсон кечинмалари) кутилмаган фалсафий хулоса чиқарилади: кун ботиши билан табиатнинг рангин жилолари сўнади, моҳият эътибори билан умрдан ҳам бир кун “сўнади”. Шоирнинг қаҳрамони: “Кун ботмоқда, кун ботмоқда ахир, кунлардан иборат инсоннинг умри!” дея нидо

қилиши қанчалик ҳаққоний! Бундаги нозик бир нисбат – ҳам фожеъ, ҳам ҳаётый хулоса борликни, ундан шеъриятни ўзига хос зиддияти билан ҳис этиш натижасидир.

Шоир “Мангу олов” шеърида номаълум солдат қабри устида ёниб турган алангага шундай поэтик нисбат беради:

Типирчилаб турган қалб бу...

“Типирчилаб туриш” нафакат аланганинг кўринишини, у орқали юракнинг ҳолатини ифодалайди. Бунда сўз бир неча нозик – зоҳирий ва ботиний маънолари, поэтик қирралари билан кўринади. Алангланиб турган “қалб” кимларнинг рамзи? Улар “типирчилаб турган қалб” тимсолида нималарни сўрайди? Кимга интилади? Мангу ёниб туриш “қалб”нинг мислсиз ва битмас қийноқни кечириши деган сўз эмасми? Бундай саволлар замирида барҳаётлик ҳам, трагизм ҳам, тинчлик учун кураш ғоялари ҳам мужассамланган. Шоир тинимсиз ёнаётган алангани қаҳрамон шаҳидлар руҳига нисбат бериш билан сўзга фавқулодда теран трагик маъно бағишлайди. А.Мухтор янги туркумга кирган “Номаълум солдат қабри ёнида” шеърида (“ШЮ”, 1989, 1-сон) мавзууга шу кунинг ошкора позициясидан ёндашади:

**Бир шивир эшитдим олов тилидан,
Бошқача дард билан эгилди бошим.
Бу дардни билмайди, дейман дилимда
“Дохий” номи билан ўлган tengдошим.**

Бу ўйчан мисралар руҳига мингдирилган сирли “бир шивир”, “бошқача дард” энди фақат Ватан учун жон фидо қилганлар хотирасининг бугунги ошкоралик ва тўла ҳақиқат шароитида тадқиқ этилаётган мудҳиш хатолар – айниқса. Улуг Ватан урушининг биринчи йилда “дохий” иродаси, аниқроғи, унинг жиноий ғофиллиги, шахсан сиёсий сўқирлиги ва айниқса: “бизда асиrlар йўқ, фақат Ватан хоинлари бор” деб билган ёвуз муҳокамаси – беомон ҳукми оқибатида содир бўлган яна даҳшатлироқ фожеъ маъноси англашилмайдими? Ўша машъум хатолар, машъум хулосаларга йўл қўйилмагандан берилган қурбонлар сони камроқ бўлмасмиди? Эҳтимол, шоирнинг “тengдоши” ҳам ғолибларча, она юртига эсон-омон қайтганлар сафида бўлармиди... шоир кечирган “бошқача дард”, шубҳасиз, китобхонга ўтади, ўтган уруш фожеасининг аввал очилмаган, азобли ўйларга солувчи янги қирралари ҳақида хаёлга толдиради (шоир қаҳрамон кечираётган “дард”ни унинг тengдоши ҳеч қачон “билимслиги” фожеанинг яна-да чуқурроқ моҳиятидан далолат беради).

Халқимиз инсон хотирасини қадимдан эътиқод даражасига кўтарган, муқаддас қадрият деб билган. Кейинги йилларда бу сўз яна азиз ва мукаррам

саналиб, айрича садо бераётганининг чуқур сабаби бор. Биз ҳақиқатдан жаҳоншумул-тарихий зафарларимиз билан қонуний ғуурланишни ўз-ўзини мақташ, васфгўйлик, таҳсинбозлиқ билан алмаштира бошлаган эдик. Бу зафарлар нафақат меҳнат ва кураш жабҳаларидағи мислсиз жасорат, не-не машаққат ва маҳрумликларни инқилобий сабот билан енгиб ўтиш туфайли, нафақат идеал йўлидаги онгли фидойиликлар, Ватан мустақиллиги билан боғлиқ шарафли ўлимлар, балки ҳануз ўнгимизда ҳам, тушларимизда ҳам хотираси азоб берадиган адолатсизлик қурбонлари, бошқа мудхиш хатолар эвазига келганини, сал бўлмаса, унутаётган эдик...

Шуниси эътиборлики, ҳозирги социал иқлимини, маънавий дунёни соғломлаштириш жараёни бошланмасдан анча йил илгариёқ инсон хотираси мавзууда адабиётда, жумладан, шеъриятда кучли асарлар пайдо бўлди. Асқад Мухторнинг “Безовталиқ”, “Аяжонимиз”, “Эл-юрт”, “Планетанинг энг ёрқин куни”, “Туш” каби салмоқдор шеърлари, асосан, 80-йилларнинг бошида ёзилган ёки эълон қилинган. Улардан, айниқса, “Туш” шеъри ҳалқона событ руҳи, фожеъ ҳол тасвирининг ғоят ҳаққонийлиги, аниқроғи, фожеъанинг ҳаётбахш моҳияти билан ажralиб туради. М.Светлов йиғлаётган онадан чуқур сукут сақлаётган она фожиалироқдир, деган эди. А.Мухторнинг қаҳрамони ана шундай оғир сукути билан бизни хушёр тортиради ва аста-секин қалбимизни ларзага келтиради:

**Уруш вақти, тушар-илинж, умид,
Ҳар ким жигарини ўйлайди.
Оналар, келинлар даврасида отин
Тушнинг таъбирини сўйлайди...
Фақат бир қиз маъюс кўзлари-ла
Чеҳраларни таъқиб этади.
Ҳар кун келади жовдираб ўтириб,
Тушини айтмасдан қайтиб кетади...**

Уруш йилларидаги бардошда “тенги кам” (Миртемир), ҳамиша бедор оналар, ёшу катта бевалар, аламини меҳнат билан ичга ютган опа-сингиллар, янгигина оила бахти, қувончларига уруш балоси човут солган ёш келин-қаллиғлар, унашилган ёки аҳд-паймон қилишган қизлар ҳолати, кайфияти, пинҳоний, лекин тўзимсиз ҳасратлари, нажотсиз умидлари, қўрқинч-ҳадикли хаёллари қанчалик аниқ ҳаётий лавҳада ифодаланган! Бу – ўша йилларнинг фақат катта ёшдаги шоҳидлари эмас, жуда барвақт оғир-босиқ, сабр-бардошли, ақлли бўлиб қолган гўдаклари ҳам унутолмайдиган манзара. Шоирнинг кейинги сатрлари ўша йиллар хотиротини гард юқтирумасдан сақлаб, авайлаб келаётган, “абадий фироқни абадий висол деб билган”

(А.Орипов), инсоний садоқат ва вафонинг тирик тимсоли бўлган, рокиза сиймосига чиндан сажда қилса арзийдиган аёлларимизга аталган:

Йиллар шундай ўтар...
Айтилмаган туш-чи? Ерда қолиб кетган
Зангин мина қаби ҳамон даҳшатли...
У пайтлардан бери неча баҳор ўтди.
У қиз ҳам энди йўқ, унинг ўрнида
Бир аёл юради суқумсизгина.
Узоқларда ўлган жангчи йигитнинг
Тушларида қолди қизгина...

Биздан кейинги авлодлар, уларнинг маънавий-ахлоқий дунёси, инсоний қадрияти ҳақида каромат қилиш ўринсиз. Кошки ҳозирги авлод, лоақал, уруш мотамсароларининг жуда кам қолган табаррук вакилларини кўрсаю, кўрмасликка, билмасликка олмаса, уларнинг фожеали тақдири орқали бизнинг шу кунларимиз учун аксарият ёш жонларини фидо қилганлар хотираси қанчалик қутлуғ, муборак эканини оз бўлса-да тушунса. Зеро, Инсон хотираси уни тушунишдан бошланади.

Инсон хотирасида унинг тирик рухияти, гўзал маънавияти яшайди. Лекин халқимиз ўғил-қизларининг Улуғ Ватан уруши йилларида – жангларида ва меҳнат жабҳаларидаги унutilmas жасорати билан боғланган тарихий хотирот алоҳида ажralиб туради, у ўзининг мислсиз масштаблари, фидойиликнинг умумхалқ характеристи, умумбашарий моҳияти билан беқиёс юксакликка кўтарилади. Чунончи, Аскад Мухторнинг “Аяжонимиз” шеърида ўзбек қишлоғи, унинг катта-кичик заҳматкашлари – аёллар, болалар ҳаёти орқали Улуғ Ватан уруши йилларининг ёрқин ва ўзгача миниатюр-лирик хотираномаси яратилади:

Уруш мўраларди қўлсиз енглардан,
Юпун хирмонлардан – бебарака куз...
Булутлар безовта эди осмонда,
Жажжи юракларда – ҳаяжонимиз.
Дадамизни эслаб шундай ҳар тонгда
Мунгли қуйлар эди аяжонимиз.
Куй бўлиб учмоқни қиларди орзу
Дадамизни эслаб шундай ҳар тонгда.
Аммо қанотларни ёзолмасди у,

Чунки биз бор эдик қанот остида.

Хассос шоир ўша бениҳоя оғир, лекин хотираси муборак йилларнинг ҳаққоний манзарасини чуқур самимият, лирик эҳтирос билан чизади: “хар тонгда” майнин-сокин пардаларда таралган, айниқса, қўшиқ соҳибасининг ўзи учун жуда кўп маъноларни, қанча хотиралар, ширин ва аччик ўй-хаёлларни жойлаган, безовта кўнгилга бир қадар таскин, хорғин рухга тетиклик бағишлигаран, бола учун эса завқли, дилхуш, лекин, барибир, сирли бўлган бу “мунгли куй”нинг ўзи ўша унутилмас йилларнинг беназир хотираси – соғинч, алам, таҳлика, умид, ўтинч, сабр туйғуларининг умумлашган рамзий образи эмасми? Шу тариқа шеърда турли тарзда ифодаоанганди лирик-драматик образлар силсиласи яратилади: “мунгли куй” тимсолида уруш йиллари хотираси, “дада”, ва “аяжон”лар хотираси, ниҳоят, шоирнинг қаҳрамони – ўша довулли кунлар шароити фавқулодда зийрак ва ўйчан қилиб қўйган болакайнинг ҳеч кимниги ўхшамайдиган, тиник, беғубор, ҳам реал – ҳаққоний, ҳам хаёлий-романтик тимсоли – хотираси. Улар орасида онанинг хотира-образи табиий жозибаси, ҳаётий-драматик теранлиги билан ажралиб турди: болага шундай туюладики, “аяжони” севимли дадамларини эслаб куйлаганда гўё куйдан қанот боғлаб мағрибга қараб учмоқчи бўларди-ю, қанотлари остидаги жўжаларини – жангдаги ёридан, эҳтимол, фақат ёдгор бўлиб қоладиган фарзандларини ичига ютиб, айни чоғда умидбахш кайфиятида “ҳар тонгда” ўзича куйлаган бу аёл шунчалар саботни, бардошни қаердан олди экан? Эҳтимол, бундай илоҳий нажотнинг асл сабабиятини ўша покдомон, фидойи аёлнинг ўзи ҳам, биз бугун бир неча ўнйилликлар масофасидан туриб, бутун мураккаблиги билан идрок қилганимиздай моҳиятини билишга зарурат сезмагандир, фурсати етмагандир... Лекин бундай букилмас руҳий қудрат асли ҳалқимиз характеристида жо эканини шоир чуқур мушоҳада қилади, шунинг учун ҳам “аяжон” тимсолидаги том маънода драматизм ва трагизм билан йўғрилган инсоннинг хотирот образи шунчалар ларзали, жозибали чиққан.

ОШИҚОНА, МУСАВВИРОНА...

Бадиий ижоднинг барча соҳаларида, жумладан шеъриятда “абадий мавзу” номини олган, шоирлар “она-Ернинг она тили” (А.Мухтор), “Билинг, динсизлар осиймас, муҳаббатсизлар осийдир” (Э.Воҳидов) деб таърифлаган севги қадарли кенг тарқалган, макон ва замон чегараларини билмайдиган бошқа бир фалсафий тушунча – руҳий-маънавий қадрият бўлмаса керак. Гарчи Асқад Мухтор лирикасида “соф”интим мавзудаги шеърлар кам учраса-да, шоирнинг фалсафий ўй-мушоҳадалар ё азалий хилқат – манзара лавҳалари баъзан ошиқона кечинмалар билан ўйғуриб берилганини кузатиш мумкин. Маълумки, энг яхши интим-лирик шеърларда севимли, азиз кишини идеаллаштириб, ҳатто илоҳийлаштириб тасвирланади, унга яккаю ягоналик, ҳамма нарсага қодирлик, ҳатто мангулик каби сифатлар берилади, бу асли одамлардан олинган, уларнинг реал кечинмалари ва романтик хаёлларини чуқур “ўзлаштириш” самарасидир. “Подлинный романтизм не был

отрешением от жизни; он был, наоборот, преисполнен жадным стремлением к жизни... Жадное стремление жить удесятеренной жизнью”, – дейди А.Блок.

Умуман, шеъриятда, хусусан “соф” лирикада юксак хаёл қудрати билан ҳаётни, рухий оламни бир қадар “кучиб етиш” мумкин.

А.Мухторнинг “Билса эдим шуни...” шеърида бир умр унутилмас қалб хотироти – ёшликтининг ёниқ эҳтиросли дамлари бениҳоя лазиз, лекин зиддиятли хаёллар тарзида ифодаоанган. Шоир муҳаббат ҳиссини табиат ҳодисаси билан муқояса этади: қиши билан баҳор, шабнам билан қуёш бир-бирини қўмсаб, бир-бирига интилиб, ташна бўлиб яшагани каби шоир қаҳрамонини ҳам “бир-бирига етолмайдиган, бир-биридан кетолмайдиган” муҳаббат туйғуси, унинг сирли-сехрли моҳияти қийноққа солади:

Капалакми, тош ҳайкалми менинг

Ўт ичида ўтган уч тунми?

Ўт ичида ўпган юлдузимда

Қолса эди тирик учкуним.

Қолса агар тирик учкуним,

Хотирангда яшаб қолардим.

Билса эдим шуни, мангуликни ҳам

Мана шу оқшомдай кутиб олардим.

Бу мисралар замирида нафақат шеъриятга, балки музыкага ҳам хос, моҳиятига етиб бўлмас рухий олам тажассум қилган. Биз фақат: “капалак” ва “тош ҳайкал” контраст образлари орқали шоирнинг ниятини бир қадар фаҳмлай оламиз: муҳаббат оташи билан кечирилган, “ўт ичида ўтган уч тун” наҳотки капалак умридай бўшлиқ ичида йўқолиб кетса? Туйғулари шу қадар пок, самимий, ёлқинли бўлган инсоннинг қалб қўридан бирор “тирик учқун” сақланиб қолмаса?... Шоир муҳаббатнинг умри фақат ҳажр изтироблари ёки вasl лаззатлари билан чекланмаслиги, севгининг абадий барҳаётлиги гоясини илгари суради; у “ўт ичида ўтган уч туним”, “ўт ичида ўпган юлдузим” каби гаройиб-рухий образларда муҳаббат туйғуларининг сирли-самовий характерини ифодалайди, бу бизни ҳам беихтиёр равишда: “О, қани инсон шуни билолса эди...”, – дея шивирлашга мажбур қиладиган сирли-пинҳоний лирик лавҳалардир.

Шоир “Жимлик сурони” шеърида турли жонзотлари сукут сақлаб, аслида “ўсаётган, кутаётган” (М.Пришвин) ўтов ҳаёти ҳақида, шовқинсиз “тун безовталиги” ҳақида ёзади, “табиатнинг ўз шевасо” (Миртемир)дан, ибтидоий тароватидан, гард тегмаган рангларимдан, жонли унсурларидан шеърий ташбихлар сифатида фойдаланади.

Ингичка кишинаса узоқда қулун,

Биянинг кўзида юлдуз чақнайди...

Шоир яйлов оқшомини табиий ва тирик аломатлари билан чизади: бу манзарадан қулуннинг овозини, ҳайвонот дунёсига хос оналик инстинктининг қудратини аниқ ҳис қилиш мумкин: умумий сукунатга ҳалал бермайдиган, балки “сукунатни тинглай билиш” (Блок)га туртки бўлиб хизмат этадиган, “биянинг кўзида юлдуз чақнатган” бундай стихияли товушни чиндан ҳам “жимлик сурони” – тарзида қабул қиласа бўлади. Бу табиатдаги товуш ҳодисаси орқали лирик манзара яратиш намунасиdir. АюМухторнинг, айниқса, 70-80 йилларда яратган туркум шеърларида манзара лавҳалари турли типдаги образларга гоҳ бадиий фон бўлиб келса, гоҳ ўзи мустақил тимсол-образга айланиши мумкин. Масалан, шоир “Қийналиш” шеърида табиат ҳодисаси – “оппоқ булат”дан ижодий изланиш машакқатларини, шеър яратиш дардини – ижодхонасининг лаҳзали бир ҳолатини ифодалашда ўзига хос қиёсий нисбат сифатида фойдаланади:

**Оппоқ булат сузуб ўтди,
Яна томчи томмади...
Наҳот бунга ҳам кўниқдим,
Дардли ўйлар қолмади?..**

“Қалб” сарлавҳали шеърида “кулранг оқшом” чоғидаги ўйчан-сокин манзара илҳомбахш кайфият учун бирдан-бир матлуб зумин ҳозирлагандай туюлади. Лекин кундуз билан шом орасида фақат шеърий идрок илғаб оладиган нозик, ички-руҳий алоқадорлик, бадиий-мантиқий уйғунлик бор: “яна бир кун”нинг нафақат “қизгин ишлар билан”, айниқса, “”ўтли ҳислар билан ёниб тугаши гўё ижодий ўй-ният учун сабабиятга, “кулранг оқшом... сукунати” эса унинг оқибатига, аниқроғи, шеърий рағбатнинг заминига “таянч нуқтаси” (Гёте)га айланади. Шу тарзда инсон умрининг изсиз йўқолмаган, мазмундор бир қунлик хос манзили ҳақида ҳам фалсафий ўйчан лаҳва, ҳам шоир ижодхонасининг бетакрор бир кирраси – рангин манзараси чизилади. “Кулранг оқшом сукунати” шоир қаҳрамонининг илҳомбахш кечинмаларига айланган экан, бу жозиб-ўйчан ҳолат ўз самарини беришига ишонса бўлади. “Туман” шеърида манзара лавҳаси яна ўзгача характеристи, гўзал моҳияти билан чизилади:

**Мўъжизани қаранг: гулга ари қўнди,
Гул балки Заминнинг қалб ўтидир.
Қаҳрабо зарралар балки асал эмас,
Балки табиатнинг она сутидир.**

Катта иқтидорли шоир табиат ҳаётига меҳр билан, ботиний назар ташламаса, уни қалб идроки билан мушоҳада этмаса: “гул... Заминнинг қалб ўтит”, “асал табиатнинг она сути” каби халқона лутф, нуқтадон маъно –

фалсафа ва шеърият уйғунылиги меваси бўлган чиндан ҳам “мўъжиза” образлар шаклланармиди?..

Шоир “шунда туғилиб ўсдим” сарлавҳали шеърида бамисоли фазогир назари билан кузатилган панорам манзара – ўлқамизнинг тоғ ёнбағирлари – адирлари, яйловлари, даштларидан то Оролгача чўзилган кенгликлар бағрида мавжланиб ётган кунлик ҳаёт “уфқ”лари образини чизади:

Помир чўққисидан менинг ҳар қуним

Орол кўзгусига боқади.

Яйловларда яшил ўт тўлқини

Уфқдан уфққа оқади...

Бу тўрт мисра орқали азалий мерос – шу эл-брт қисмат насибасига битилган табиат эҳсони – манзаралар моҳият эътибори билан шоирнинг ҳаётдан олган таассуротларига конкрет макон ва замон, меъёр ва масштаб, бутунлик ва ёрқинлик каби бидииятнинг ўзига хос қонунлари асосида индивидуал шакл-шамойил бериши аён бўлади. Шоирнинг “Дарё” номли муҳтасар шеъри – тўртлигида ҳам табиий ландшафт икки узвий поэтик элемент – қаҳрамон шахси (“умрим йўллари”) билан воқеалик ҳақиқати (“даврим ишлари”)ни ўзаро боғлашга, уларнинг уйғунылигини мантиқан асослашга хизмат қиласиди:

Ана, ўша – Чирчик, тоғ тўшларида

Зангор лента бўлиб кўринган.

Қўшиб ўрилган у даврим ишларига,

Умрим йўлларига қўшиб ўрилган.

Аввалги икки мисрада она ўлқа табиатининг ғоят муҳтасар, лекин панорам манзараси чизилади, мана шу бетакрор фонда кейинги сатрлар кутилмаган тарзда салмоқдорлик – ижтимоий маъно касб этади. Муболағасиз айтиш мумкинми, бу миннатюрада республиканинг енергетик ва ирригация хужалигига ўзига муносиб ўрин тутган Чирчиқ дарёси ва воҳасининг ёрқин, лаконик поэтик биографияси намоён бўлади. Бу айни бир вактда ҳам оригинал лирик манзара, ҳам ўзига хос лирик-публицистик лавҳа-образ яратиш маҳоратидир.

“Яйлов тонги” шеърида табиатнинг ошкор ва хуфёна ядохимиқатларидан холи қучоғидаги субҳидан қўриниши интим туйғулар билан узвий берилади. Айниқса, шаҳарлик кўнор учун тансик бўлган ўтов ҳаёти манзарасидан бетакрор лирик лавҳа яратилади:

Тиззамга бошинг қўй. Ойнинг кокиллари

Уфқларга тушди тараги.

Кўзларинг сехрида менинг тақдирдим

Сочларингга қолган ўраги.

Яйлов денгизини кечар оппоқ тонг,

Нега қалбинг жиндак энтикли?

Дунёнинг мўъжизаларидан бири – сахар яғи аста-секин “оламнинг шаклланиши”ни шоирнинг қаҳрамони – ошиқ қўзлари билан кўриш табиатнинг бу стихияли жараёнига инсоний ҳарорат, ўзгача латоқат бағишлади. Тонг олдида “ойнинг кокиллари уфқларга тараги тушгани”, “сўнг яйлов денгизини оппоқ тонг кечиб” ўтиши табиатни образларда ҳис этишнинг оригинал намунасиdir. Шоир қаҳрамони бу лирик манзарани ошиқ қўзлари билан кўрганидан унинг эмоционал жозибаси ортади (“кўзларинг сехрида менинг тақдирим сочларингга қолган ўраги”). Кувонч, ҳайрат, ҳавотир ва муҳаббатнинг яна аллақандай сирли туйғуларидан йўғилган “нега қалбинг жиндак энтекди?” – сўроғининг маъно кирралари, унинг тонг сехрига сеҳр қўшиш боиси шунда. Хуллас, шеърнинг бутун мундарижасида манзара ва интим кайфият, табиат ва руҳият уйғунлиги сезилиб туради.

Кел, жимгина бирпас ўлтирайлик,

Кўзларингга яна тонг ҳуснидан ол.

Тонглар... Тонглар ҳали олдимизда кўп,

Лекин мунақаси бўлмас, эҳтимол.

“Яйлов тонги” – ҳаётнинг ўзидаи – яйловдаги тонглардай соф, сафобахш поэзия туйғусидан, табиат ва инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳада ва мубоҳасалар синтезидан туғилган шеърлардан. Ошиқона қўзлар лавҳасига “тонг ҳуснидан олиб жимгина ўтириш”да чуқур, нозик маънолар яширган, бу ўзига хос полисемик образ намунасиdir: баҳтли муҳаббат тақдирни туфайли оламга ўзгача чанқоқлиқ, ўзгача ҳайрат билан боқсан қўзлар яна-да равшан, тиниқ, тийрак бўлсин ; ўзида теран маъноларни ифодаласин, бубетакрор тонг нафосатини кўнгилга бир умр ўчмас қилиб кўчирсан; ҳамиша мана шу тонг каби порлаб турсин, ҳамиша кувонч бағишласин... бугина эмас: ўша бемисол тонг томошасидан болаларча ҳайратланиш, унинг сирли-сокин мусиқасида, табиатнинг мусаффо, оромбахш қучоғида, севимли киши билан ҳамнафас, бир-бирови билан, ўз-ўзи билан, эҳтимол, зиддиятли хаёллар, руҳий суронлар, қалб хотиралари яширган... шу тариқа, ташbih ҳаётини тимсолларсиз, оддий сўзлар орқали берилган “жимгина бирпас ўлтирайлик” лавҳаси “Яйлов тонги” шеърининг контекстида ўзига хос “руҳият манзараси” (“пейзаж души” – А.Блок)га, табиат фонида яратилган интим-лирик образга айланади. Ниҳоят, шеър интиҳосида ўтов ҳаёти – табиий гўзаллик уйғотган руҳий ҳолат образлари яна ўзининг азалий манбай – лирик манзара билан алмашади:

**Қирда сурувларнинг дупури тинган,
Кўйчивонлар ёқсан гулхан ўчибди.
Саксовул чўғининг учқунлари эса
Юлдуз бўлиб кўкка кучибди.**

Бу лирик лавҳадан тонг олдидаги яйловнинг ери, осмони, ҳавоси, жонзотлари ҳақида аниқ ва тиник тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Шоирнинг қаҳрамони яйлов тонгини тунни бедор ўтказиб кутмаганида, унинг сехрли стихиясини шахсан кечириб, гўё унга сингиб кетмаганида, бундай табиий манзара-образ шаклланмаган бўларди.

“Кайфият” лирик миниатюрасида кечинма суврати сўз санътининг мусаввириона тиник ранглари воситасида яизилади:

**Кўкда юлдуз учар думини судраб,
Тебратиб шамимнинг заиф шуъласин...
Ёлғизлик бурчакда тўқиыйди
Жимликнинг ўргимчак уясин.**

Самода учган юлдуз шиддатининг шоир ижодхонасида милтиллаган шам шуъласи тебранишига нисбатан инсон – коинот муносабатлари доирасида қанчалик гаройиб ҳол бўлса, ўргимчак “”ғайрати ва ҳиммати” (Навоий)нинг жимликка, ёлғизлик узлатгоҳининг бурчакдаги ўргимчак уясига муқояса этилиши шунчалик санъаткорона синчков ифода намунасидир. Биринчи байтдаги “шамим” сўзидан шоир қаҳрамонининг шахси, унинг шеър яратиш дақиқаларидағи сирли-сокин ҳолати аниқ сезилиб туради, кейинги байтда эса у кўздан яширинади. Лекин биз ўргимчак уясининг “тўқилиш” жараёни ҳақида эмас, балки, инсон ёлғизликда кечирган хаёлчан-ғариб рухиятнинг пинҳоний драмасини ҳис қилгандай бўламиз, эҳтимол, бу жимлик – танҳолик бағрида илоҳий қудрат (ё шеърият илоҳасини)нинг фақат шоир зотига инъом этадиган янги асар биноси “”тўқилар, бетакрор бир тимсол-образ ёруғ дард бўлиб этадилар. Бу – шоирнинг ўзигагина аён бўлган сирли-мўъжиз ҳолат.

ШУ ЛАҲЗАЛАР МУНОЖОТИ

Мен давра сухбати мавзуига бевосита ё билвосита дахлли, шахсан ўзим муҳим деб сайлаб олган поэтик асарлар ҳозирги шеъриятимизнинг турли бўғинига мансуб, том маъноси билан ижодий фаол ва ҳалол шоирларнинг айрим шеърларини баҳоли имкон таҳлил қилишга уриниб кўраман.

Асқад Мухтор янги шеърларидан бири – “Қадрини излайман”да ҳақиқий шоир учун сўз туйғуси қанчалик мукарраму мўътабар эканлигини ҳаётнинг бугунги талаблари – маънавий позициясида туриб, юракдан тўлиб, куйиниб ифодалайди. Шоирнинг аламли киноя билан йўғрилган самимий, рўй-рост сатрлари замирида шеърият доирасини базур ёриб чиқадиган ижтимоий дард – кечаги турғунлик асоратини, пассивлик, лоқайдлик касоратини фош этувчи, бугунги янгиланиш, покланиш мاشаққатлари руҳига ҳамоҳанг муаммо зуҳур этади:

**Йўқотдим, тополмай қолдим сўзимни,
Нондай азиз эди, ҳаводай зарур.
Азобига унинг бир умр
Бағишлаган эдим ўзимни.
Менинг азобларим нима экан.
Тарих тўлғоқларда туққан сўзлар ҳам,
Инсон қони юққан сўзлар ҳам
Сузар кулмакларда нақ қоғз елкан...
На ширину улар, на нордон,
Оқламайди, қораламайди,
Портламайди, яраламайди...**

Маънавий идеалларимизни, имон-эътиқодимизни, ғоявий маслагимизни ўзида мужассамлантирган сўзлар – эзгу тушунчаларнинг худбин, маҳдуд манфаатлар комига ташланган аянчли тақдири шоирни қийиноқقا солади. Нафақат инқилобий ва жанговар авлод – табаррук ветеранлар, балки ўзимиз ҳам мактабдошлиқ йиллари бамисоли қасам калималаридай ҳаяжон ва ифтихор ҳислари билан тилга олган – “инсон қони юққан сўзлар”нинг шунчалар қадрсизланиши, бунинг очик кўриниб турган

машъум сабаблари шоирга азоб беради. Ахир ўша сўзлар фақат сўзлар эмас, уларнинг моҳиятида мамлакат, Ватан биографияси, одамла тақдири, аъмоли зуҳур этади-ку. Моҳиятни ўйлагандага алам зиёда бўлади... халқ ғамидан, инсон ташвишидан узоқ, виждонини пулга, мансабга алмаштирган турли тоифадаги “собик”лар –“соҳта сумбатлар” (О. Матжон)нинг риёли рапортлари, пуллаган мукофоту унвонлар, тамаъгир маддоҳликлар, ҳаром майшатбозликлар иқлимида, оддий, заҳматкаш, ҳалол одам ҳақида ғамхўрлик ўта бадбинтамойилларга қурбон қилинган муҳитда не-не эзгу маъноларни англатган сўзлар... маънавий неъматларимиз каби қадрсизлангани шоирга шундай алам қиласиди, гўё буни ифодалаш имконсиздай туюлади... Демак, биринчи галда ўша тушунчаларнинг асл маъноси, қадри тикланиш – иоҳият янгиланиши, покланиши керак. Шундагина шоир ҳам “ўз сўзи”нинг ҳақиқий қиммати – бадиий жозибасини топиши мумкин.

Топганим пуч чиқар, бўзлайман,

Сийқа чиқар, гўё ўз сўзим эмас.

Энди тун-кун сўзнинг ўзин эмас,

Қадрини излайман.

Шеъриятни ўзининг ижодий ва ижтимоий тақдири деб билган катта шоиргина “сўзнинг қадри” учун шунчалар жони куйиб, дилдан “бўзлаб” ёзиши, сўзга шундай эҳтиросли, юксак талабчан муносабат туфайлигина унинг “излагани... топилиши” мумкинлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бунинг бирдан-бир тўғри, самарали йўли – ижодий ҳалоллик ва ҳақиқат принципига амал қилиб ёзишдир.

Усмон Азимов “сурат парчаси ҳақида достон” сарлавҳали шеърида инсон маънавияти учун биринчи зарурат бўлган виждон, ҳақиқат, ватан туйғуларига “кўз” рамзий образи орқали муносабат билдиради: алданган, таҳқирланган бир ошиқ йигит қайсиdir боғда ё хиёбонда алам-изтироб исканжасида “бурдалаб-бурдалаб отган” сурат парчаси – вафосиз ё севмаган қиз кўзларининг фотографик акси тасодифан шоир диққатини тортади. Бу ҳодиса уни кўпдан қийнаб келаётган ўй-хаёлларини конкрет лавҳа-образлар тарзida умумлаштиришда ўзига хос “таянч нуқтаси” (Гёте)га айланади.

Лабимда қотади энг буюк сўзлар,

Бошимни чангллаб инграйман ночор.

Кўксимда турибди йўқолган кўзлар –

Сурат парчалари қатору-қатор.

Бирор виждонини йиртди бепарво,

Унут бурдалари кетдилар тўзиб.

Шоир юрагини кўпдими право –

Менинг кўксимдадир виждонинг кўзи...

Чин инсоний безовталик самимий ифодаланган бу оригинал мисралардан шундай ҳаётий ҳақиқат маълум бўлади: ҳар бир ҳассос шоирнинг “куйиниб сўзлаши” (Р. Парфи), шеърларида алам-ҳасратли, исёнкор оҳанглар устунлик қилишининг асосий сабаби унинг “кўкси – юраги”ни макон тутган одамлар ташвиши, инсоният тақдири – ижтимоий дарддир. Ўша безовта, қийноқли туйғу “сурат парчаси” (қизнинг) кўзи орқали конкретлик, айни чоғда, умумлашма характер касб этади, бундан тутилмаган кўпқиррали-рамзий образ туғилади:

Бирор Ватанини бурдалаб отди

Шуҳрату мағрурлик кечаларида.

Ватанинг кўзини мен излаб топдим

Шеъриятнинг кўзини мен излаб топдим

Шеъриятнинг узун кўчаларидан.

Бирор майдалади сени, ҳақиқат,

Қалбида тугабми курашнинг қўри.

Кўзингдан айланай, ўтгин, марҳамат,

Ҳақиқат, сенгадир кўксимнинг тўри.

“Бирор”лар фаровонлик неъматларини сувистеъмол қилган, нонкўрлик, ношукурлик, кўзбўямачилик авж олганносоғлом шароитда ҳаттоки маънавий неъматлар ичида энг азиз ва мукаррам бўлмиш Ватан тушунчаси майдамаҳдуд майллар билан алмаштирилгани, бу аянч ҳолат “бурдалаб отилган кўз” рамзида ифодаланиши, “кўз”нинг яна бошқа “бирор”лар томонидан парчаланган, фақат шоир қалбидан паноҳ топган чорасиз ҳақиқат тимсолида берилиши – бк ленинча адолат принциплари бузилган йилларга қаттиқ шеърий айбномадир. Шу тариқа, “сурат парчаси” тимсолида маънавий покланиш муаммосига конкрет-индивидуал муносабат билдириш шоирнинг бадиий сўз туйғусини, оригинал образ яратиш маҳоратини аён кўрсатиб туради. Юқорида, А. Мухторнинг “Қадрини излайман” шеъри замиридаги санъаткор безовталиги нуқтаи-назаридан қараганда, У. Азимовнинг ҳар бир ташбих-образга ижодий ҳалол, эҳтиросли-эмойионал муносабати поэтик истеъдодига шубҳа қилмаса бўладиган, лекин бадиий сўзга доимо бирдай талабчанлик билан ёндоша олмайдиган “ҳар хил ва яхши” (Маяковский) шоирлар учун сабоқ бўларлидир (ўртамиёна шеърбозларга эса ижодий намуна ҳақида қанча гапирманг –бехуда кетади).

Хозирги мураккаб воқелигимиз ҳақиқатини ленинча объектив позициядан туриб ёритиш учун социал иқлимининг қанчалик соғломлиги ҳал қилувчи роль ўйнайди. Лекин ҳаётнинг ўзи шуни тасдиқлайдики, шоирнинг

виждон туйғуси ҳақ сүзни баралла айтишга имконият туғиладиган фурсатни кутишга “мосланган” әмас. Шунинг учун бўлса керак, талабчан китобхон янги асарини ташналик билан кутадиган истеъдодли шоирлар (аксарият ёш талантлар) энди кечаги кўнга айланган анчайин мушкул вазиятда ҳақиқатга содик қолиш учун имкони борича курашдилар, маломатлардан кўрқмадилар, Муҳаммад Солихнинг “Худо қарамади...” деб бошланадиган чуқур киноя билан йўғрилган сарлавҳасиз шеъри нафақат ошкор ҳақиқати, таъбир жойиз бўлса, мардона рўй-ростлиги билан ажralиб туради. Унда негатив тамойиллар – қаллоблик, кўзбўямачиликнинг турли кўринишлари авжига чиқкан, оқибатда ҳақиқий заҳматкаш, ҳалол-пок одам назаридан четда қолган, руҳан таҳқирлаган, эндиликда партиявий хужжатларда қораланган бадбин манфаатлар муҳити – ўзбек даласининг “шафқатсиз ҳақиқати” халқ характеристига хос беаёв муросасизлик, гражданлик жасорати билан очиб берилади:

**...Шу-шу олтин топган гадодай хурсанд
Юраман пахталар кўкарса гулдай.
Мен маҳзун юраман, аччиқ қиши кирса,
Топган олтинини йўқотган қулдай.
Баъзан тушларимда сукинаман бад,
Ўнгимда-чи, “Тавба!” дейман асосан:
Ҳар ҳолда, энг ширин таом бу – меҳнат,
Энг катта идиш бу – сабр косаси.**

Шоирнинг ҳаёт ҳақиқатига фавқулодда тийрак, куюнчак муносабатидан далолат берувчи, моҳиятда, хусусан, кейинги чорак асрнинг адолат, ҳақиқат принциплари қўпол суратда бузилган шароитида муборак она тупроғимиз каби бободеҳқон ҳам фақат унинг ўзига аён бўлган мислсиз ирова ва тўзим билан бошидан кечирган маҳрумликлар, ўзбошимчаликлар касорати қанчалик кучли, умумлашма лавҳада ифодаланган! Тириклиқ, меҳнат, саҳоват, муруват илмини кўплардан яхши билган, лекин кўзи ўнгига чаппасига айланиб бораётган “дунё”ни – риё ва қаллобликнинг ажабтовур усуllibарини кўриб, беозоргина кундалик таомилга кириб борган, нафақат ножинс, нокаслар ёвузлиги, балки туппа-тузук одамларни ҳам йўлдан оздирган яна кўпгина ножӯя, тубан қилмишларни, одам билан одамнинг шунчалик тафовут қилиши мумкинлигини ўзича аччиқ мушоҳада этиб, бу айнишларнинг туб сабабларини ақлига сифдиролмай хуноби ошган дехқон тушларида хунук “сўкиниши”, ўнгига ғазаб-аламининг зўридан “Тавба!..” деб юбориши қанчалик табиий, қанчалик ҳаққоний! Кекса жафокашнинг имони иўлғониб, виждони азобланиб, дилдан нидо қилиб айтган – алам, қаҳр-ғазаб, шубҳа, пушаймон, исён, ўқинч, таажуб, иккиланиш, умидсизлик, чуқур нафрат, айни чоғда ички сабот, ғойибона илинж каби зиддиятли туйғулар мужассамланган

биргина “Тавба!..” сўзининг шеър интиҳосидаги икки шоҳ сатрга нисбати-чи? Улар ғоявий мазмундорлиги, бадиий-образли оригиналлиги –халқона нуктадон оҳанрабоси билан ҳар қандай зукко китобхон шуурини, ҳиссиётини беихтиёр ром этмайдими? Мехнат мавзуи шеъриятда қандай ранггин ташбих-тимсоллар орқали ёритилмаган. М. Солиҳ уни “энг шириң таом”га нисбатлаш билан ҳаётнинг чин маъносини, инсон умрининг ҳақиқий қадрини, ҳалолликнинг ажойиб ҳузурини, факат инсонга хос заҳмат чекишнинг яна қанча руҳий-маънавий хосиятларини фавқулодда муҳтасар ва аниқ ифодалаганки, бу шоир иқтидорига ишончимизни оширади. Ниҳоят, охирги мисрада ишланган образга разм солайлик. Тўғри, “сабр косаси” – анъанавий тимсол, уни ҳалқ қашф қилган, лекин “энг катта идиш” поэтик мантиқ, кузатилган мақсад эътибори билан фавқулодда шеърий нисбат даражасига кўтарилади (зоҳиран оддийгина кўринган бу образ замиридаги киноя шеър контекстида ўзгача теранлик, ўйчанлик касб этади), натижада анъанавий ташбих – “сабр косаси” гўё янгиланади, бундан аввалги мисра (“...энг шириң таом бу меҳнат”)нинг салмоғи, жозибаси ортади.

“Деҳқон қўллари” гўё менга юқоридаги шеърнинг тадрижий ривожи – мантиқий давоми тарзида шакллангандай туюлди (чунончи, бу гал ҳам шоир бадиий усул сифатида “туш”дан фойдаланади). Бироқ бу шеърда ўзбек паҳтакорининг аъмоли, тақдири янги кўпқиррали тимсол – “қўл” образи ва деҳқони лолу ҳайрон қилиб қўйган жуда танг аҳволнинг конкрет-предметли тафсиллари (аслида мураккаб руҳий жараёнлар ифодаси) орқали кўрсатилади:

Қўлдан ибораттур менинг вужудим.

Кўзим – қўл, юзим – қўл, оёғим ҳам – қў.

Неки туртиб чиққан бўлса ичимдан,

Бари – қўл, ҳаттоки... қулоғим ҳам – қўл!

Тушда аён бўлди улуғ бир мақсад,

Олға кетаяпман, боқмай орқамга:

Хўжалик ерига паҳтани эксам,

Мен қўл экажакман ўз томорқамга.

Шоир дастлабки тўрт мисра орқали деҳқон далада йил давомида бамисоли бутун “вужуди – қўл”га айланиб бажариши лозим бўлган, биринчи галда деярлик ҳар куни (ёз ойлари кечалари ҳам) маҳсус парвариши тақозо этадиган паҳта билан боғлиқ юмушлар, камига обҳаво тажангликлари, ғўза касалликлари оқибатида туғиладиган ногиҳоний ташвишлар (деҳқонсиз битмайдиган, ҳар қайсисининг ўз “плани”, ўз “мажбурияти” бўлган бошқа соҳаларни саноққа қўшмаганда) одамзотнинг қўли иккита эмас, тўртта, ҳатто ундан ортиқ бўлганида ҳам уни баъзўр банд қилиши мумкинлигига ким шубҳаланади? Агар “қўл” тимсолида, моҳият эътибори билан тирик одамни –

замондошимизни англасак, наҳотки бугунги ўзбек дехқонининг тақдирига шуларнинг ҳаммаси – ҳеч қандай қонунга, меъёрга сифмайдиган меҳнат режими битилган бўлса, деган мушкул савол туғилиши табиий. Хусусан, безиб, бош олиб кетиш ҳолларининг асосий сабаби ана шунда – инсон тақдирига лоқайдликда, унинг маънавий-руҳий эҳтиёжларига худписанд муносабатда эмасмикин... Айниқса шеърнинг кейинги тўрт сатри шунчалик кучли мажоз, дардли киноя заминига қурилганки, беихтиёр равишда аввалги миниатюра қаҳрамонинг “Тавба!..” деган нидоси эсга тушади. Дарҳақиқат асл ўзбек дехқони (далага омонат келиб-кетувчи тасодифий “дехқоннамо” учарлар эмас) кунни тунга, ёзни қишига улаб, чинакам ҳордик нима билмай ишлаганини, тўю маъракалари, ҳатто айрим “маданий тадбирлар” ҳам мана шу меъёrsиз меҳнат режимига бўйсундирилганини, яъни пайқалдан ноchorноилож узиб олинган ҳар бир соат қанчалик қимматга тушишини фақат унинг ўзи билади. Нафақат сўнгги ўн-ўн беш йилликнинг кўзбўямачиликлари муҳитида, балки, умуман, урушдан кейинги даврнинг ҳақиқат ва адолатга турли даражада путур етказилган бирёқлама, ностабил шароитда... ўша “жаҳон заҳматкаш ва уринчоқ” (Миртемир) дехқоннинг ҳам юридик, ҳам маънавий ҳукуқи сифатида айрича муҳофаза қилиниши лозим бўлган турли талаб-эҳтиёжлари аксарият сўзда, қофозда, нари борса, хўжакўрсинга қилинадиган юзаки тадбирларда қолиб кетганидан бугунги партияйий ошкоралик муҳитида ким кўз юма олади?

Жон олиб, жон бериб, она-заминдан ризқ-рўз ундирувчи дехқоннинг ҳақига зомин бўлишдан, лоақал унинг маъсум болалари уволига қолишдан кўрқмаган бундай ғайриинсоний муносабат қандай қилиб? Ўзбек дехқони қачон том маънода рўшнолик кўради? У бошқалар сингари ўзлиги ҳақида, замонавий маърифат, маданият, нафосат туйғуларини тарбиялаш зарурати ҳақида жилдийроқ ўйлаб қўришга қачон вақти бўлади? Муҳаммад Солиҳ кашф қилган беомон бадиий ҳақиқат – “қўллар” иложисиз ана шундай “азобли ўйлар” (А. Мухтор), мушкул саволлар исканжасига олади, уларга очикроқ жавоб беришга ундейди. Акс ҳолда, мисли кўрилмаган фожиа юз бериши – дехқон ўзининг бобо қасбини, тақдир насибаси деб билган даласини тарқ этиши – тирикчилик кўйига кириб кетишдан бошқа нажот қолмаган бўлур эди. Айниқса охирги мисрада ифодаоанган фавқулодда кучли мажозий-киноявий лавҳа (“Мен қул экажакман ўз томорқамга”) зинҳор кечиктирмасдан олдини олиш зарур бўлган, ўзбек дехқонининг ҳаётий манфаатларига жиддий таҳлид солиб турган фалоқатдан огоҳ этувчи, ҳар қандай мудроқ шуўрни сергаклантирувчи бонг-тимсолга айланади. Чиндан ҳам марказий ва республика партия матбуоти органларида кескин қораланган, қаллоб шуҳратпастларнинг қадимиј тажрибага, дехқончилик маданиятига хилоф бўлган “монокультура” сиёсати далани хароб, дехқон диалини хуноб қилаётган эди!.. “Дехқон қўллари”, “Худо қарамади...” каби том маънода реалистик шеърларнинг ҳозиржавоблиги, тийрак ҳаққонийлиги сири шунда.

Ботирхон АКРАМОВ.

ПРОФЕССОР БОТИРХОН АКРАМНИНГ “БУ – ЧҮЛПОННИНГ АЗОБЛИ ИШТИБОҲИ!” ДЕГАН МАҶОЛАСИ ҲАҚИДА^{*1}

Ботирхон Акрамнинг ушбу мақоласи Озод Шарафиддиновнинг “Истиқдол фидойилари” туркумida чоп этилган китобидаги “Адабиёт яшаса – миллат яшар...”, “Чўлпоннинг адабий-танқидий қарашларига доир” номли эссеси муносабати билан ёзилган. Мақола тақриз эмас, балки тилга олинган эссадаги олимнинг икки мулоҳазасидаги эътиroz шаклига эга. Бу эътиrozлардан бири ва асосийси О.Шарафиддиновнинг қўйидаги фикридир: “Бундай шароитда (мустабид тузум шароитида – Н.К.) ҳар қандай ижодкор ҳам табиий равишда жонини сақлаб қолиш йўлларини қидира бошлайди. Баъзилар кўпроқ, баъзилар камроқ даражада замонасизлик йўлига ўтади. Шулар қаторида Чўлпон ҳам бор эди.”

О.Шарафиддинов бу фикрни Чўлпон ижодини ҳаккам-дуккам билган танқидчилардан бири сифатида эмас, балки унинг ижодини, рангба-ранг меросини пухта билган, қолаверса, Чўлпоннинг ўзбек маданияти тарихидаги ўрнини тиклашга бутун ҳаётини бағишилаган олим сифатида баён қилган. У бу фикр билан Чўлпонни қанчалик қадрламасин, унинг ижодидаги айrim нуқсонлардан ҳам кўз юммайдиган холис адабиётшунос эканлигини намойин этган. Агар Чўлпоннинг 30-йиллардаги қатор шеърлари, шу жумладан, “Соз” тўпламини, ҳатто “Кеча ва кундуз” дилогиясининг асосий гоясини назардан ўтказсангиз, олимнинг бу танқидий мулоҳазаси асоссиз эмаслигини кўрамиз.

Мунаққиднинг иккинчи эътирози О.Шарафиддиновнинг “Ашулага ишқибоз” мақоласидаги бир жумла муносабати билан айтилган фикрига оид. Чўлпон бу мақоласида Ҳалима Носирова тўғрисида сўзлаб, бундай ёзган: “...Аёллардан чиқсан санъаткорларимиз сингари у ҳам тамоман Октябрнинг берган меваси... Унинг оиласи ҳам эскидан санъат севгучи, санъатга ошно оила. Онаси ёшлигидан чолғу чалиб ашула айтишни яхши кўрган. Биринчи опаси чолғуни билади. Иккинчи опаси бир неча йил саҳнада хизмат қилғон. Фақат ҳеч шубҳа йўқки, инқилобнинг файзли қўллари тегмаса, Ҳалима букун кўриб турганимиз талантли, бошқа кўп ноёб талантларимиз сингари тўрт девор орасида қолиб забун бўларди”. О.Шарафиддинов бу сатрлардаги “инқилобнинг файзли қўллари” сўзларини ўқиб, сапчиб тушади. Бу, нафақат Ҳалималарни рўёбга чиқарган, балки Чўлпонларни ҳам маҳв этган қўллар-да ахир! Шунинг учун ҳам Чўлпоннинг бу “замонасиз” фикрлари олимга эриш

¹ Мазкур мақола профессор Ботирхон Акрамнинг “Бу – Чўлпоннинг азобли иштибоҳи!” номли мақоласи учун тақриз сифатида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ёзилган. Мазкур тақриз ва унга илова қилинаётган мақола ҳам биринчи марта нашр бўлмоқда.

туюлади. Бунда бирор ғайритабий ҳолат йўқ. Қолаверса, инқилоб бўлмаса, Ҳалималарнинг рўёбга чиқиши мумкин эмас эди, деб ким ҳам айта олади?!

Хуллас, Б.Акрамнинг мақоласи негизини ташкил этган ана шу икки фикр кимгадир баҳсли туюлса-да, яшаш ҳуқуқига эга. Бу икки фикрни рад этишга шу кеча-кундузда эҳтиёж йўқ. Шунинг учун ҳам мақоланинг эълон қилиниши шарт эмас. Жиддий мақолалари билан танилган муаллиф бундан кўра жиддийроқ мақолалар билан чиқса фойдали бўларди.

Яна бир масала. О.Шарафиддинов, айрим чиқишиларидағи баланд-пастликни эътибордан соқит қилсак, узок йиллардан бери ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг имони бутун сиймоларида бири сифатида сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Шунга қарамай, унга нисбатан ўқтин-ўқтин маломат тошлари отилиб туради. Унинг ҳозирги соғлиғи бундай тошларни ортиқ қабул қилишга қодир эмас. Имони бутун кишилар, иложи бўлса, бундай кишиларни сақлаб қолиш чораларини ахтаришлари лозим. Бунинг ўрнига, масъулиятсиз адабиётшуносларга қўшилиб, унинг тирноқларидан кир ахтариш, Чўлпонни ҳалол чўлпоншунос олимдан ҳимоя қилишга уриниш инсофдан эмас.

Б.Акрам – оқил, мулоҳазали танқидчи. Лекин шу билан бирга унинг “порр” стиб ёнадиган ҳислари ҳам йўқ эмас. Ўйлайманки, у ушбу мақоласининг эълон қилинмаслиги билан ҳеч нарсани йўқотмайди. Аксинча, ютади.

Наим КАРИМОВ

БУ – ЧЎЛПОННИНГ АЗОБЛИ ИШТИБОХИ!

Анингдек бўлсаким, асло тафовут бўлмаса пайдо –

Агар бу даҳри дун хор айласа, гар эътибор этса...

Бобур Мирзо.

Миллий Уйғониш маданиятининг бугун бизга аён бўлган ва ҳали туб илдизгача очилмаган)дахрий=шаккок мафкура асоратидан батамом кутула олмаётган) руҳий, фалсафий, маърифий, маънавий, бадиий қадриятлари, жабрдийда мероси – хурфиқр адабиёти, санъти манфаатлари ҳаққи, баъзи мақола ва рисолаларни ўқиш жараёнида туғилган мулоҳаза-андишалар борасида индамай ўтишга сабр чидамайди. Зотан, Чўлпон каби ҳаёт ва ижодий қисмат йўли шунчалар праматизм билан чирмалган, инсонлик, фуқаролик, ижодкорлик ҳақ-хуқуқи, шаъни, ғурури топталиб, ўз юртида сазойи қилинган, покиза сиймолари шаҳид қонига беланган, муборак номлари “ҳақорат ва сафолат” ўқларига нишон бўлиб келган ноёб истеъдодлар, минг афсуски, жуда кечикиб қадрини топа бошлаган бир шароитда уларга бошқача меҳр, эҳтиёткорлик даркор)биринчи навбатда, адабиётимизнинг ёш муҳлислари маърифати, хусусан, сўз санъатининг асл моҳиятини англай бошлаган иқтидорли талаба ва ўқувчилар қайғуси тақозо этади).

Забардаст ва пешқадам адабиётчилардан Озод Шарафиддиновнинг “Адабиёт” яшаса – миллат яшар сарлавҳали янги тадқиқотида)”Истиқлол фидойилари” серияси Чўлпоннинг “Адабиёт надур?”, “Улуғ ҳинди” каби мақолалари, шубҳасиз, олимнинг таниш дастхати савиясида – профессионал мушоҳадакорлик, илмий холислик, табъи равонлик билан таҳлил қилинган. Амма, не тонгки, унда Шўролар салтанатининг адабий-танқидий жабҳадаги асоратларидан ҳамон кутулиб кетолмаслик тамойили)чунончи, Чўлпонни “идеаллаштириш” хавфидан беҳуда безовталаниш, шахсияти, ижодий қисмати турлича бўлган ёзувчиларни эскича қолипга солиб баҳолаш) сезилиб туради. Яхшиси, далилларни кузатайлик. “Айниқса, большевиклар тузуми мурватлари қаттиқроқ бураганда, тизгинлар қаттиқ тортилганда Чўлпонлар омон қолмоқ учун)таъкидлар меники – Б.А.) замона зайлига қараб иш тутишга мажбур бўлган... Хукмрон мафкура ўз ақидаларини зўрлик билан, курол кучи билан ўтказишга киришди. Бундай шароитда хар қандай ижодкор ҳам табиий равиша жонини сақлаб қолиш йўлларини қидира бошлайди. Баъзилар кўпроқ, баъзилар камроқ даражада замонасизлик йўлига ўтади. Шулар қаторида Чўлпон ҳам бор эди”.

Ажабо, ситамдийда ва балоқаш халқимизнинг асл, фидойи фарзандлари орасида... лоақал журъаткор, мағрут шахсияти, мустасно қисмати билан ажralиб турган хос шоиру адиблари топилмаса! Кейинги жумлалардан аён

бўладики, таниқли мунаққид ўз қарашларида ҳеч бир иштибоҳга бормайди: “Чунки ўз-ўзини сақлаш туйғуси инсоният табиятида, қонида, шуурининг аллақайсипинҳоний пучмоқларида.

Хар қандай одам хатарга, ўлимдан асраш хавфига дуч келганда, ҳатто истамаса ҳам, ҳимояланиш, ўзини асраш йўлига ўтади. Ижодкор одам ҳам бундан мустасно эмас” биринчи қарашда, зоҳиран (ҳа, фақат зоҳиран!) гўёки ҳақ гапдай туюладиган бу ақида, айниқса, шоир зотига (адабиётимиз тарихи шаҳодат берадики, не-не мустабидлар ё истилочиларнинг ваҳшат қатлгоҳлари ҳам хоҳ валиуллоҳ, хоҳ дунёвий шоирлар – қурқув билмас исёнкорлар иродасини буқолган эмас!..), аниқроғи, шахсий ҳаёти ва ижодиёти билан мислсиз трагик қисматга эга бўлган Чўлпонлар дунёсига қанчалик тўғри келаркин? Алҳазар, ўша ваҳшатли йилларда ҳатто улуг, хурфикс шоирлари “ўз-ўзини сақлаш туйғуси”дан фориғ бўлмаган миллатнинг ахволи не кечади? Ахир Чўлпонлар ўлим билан юзма-юз туриб, сўнгги нафасларигача покиза иймон билан кетдилар-ку!

Чунончи, шоир билан миллатдошу касбдош “ҳакам”ларнинг мудҳиши жазога фатво берган, тарих кечирмас жиноий машваратида Чўлпоннинг сўзлаган сўнгги “Нутқ”идаги (уни топқирликда тенги кам, заҳматкаш тадқиқотчи Шерали Турдиев адабий ҳафталигимизда эълон қилган): “Мен араб эмасман! Куриб кетмайдими ўша араб сўzlари!.. Мен миллатчи эмасман!!..” каби ниҳоясиз ранжу алам билан, ортиқ таҳқири ҳароратдан куйиб, тўлғониб айтган, эҳтимол, сўнгги фарёд нидоларида зинҳор-базинҳор “ўзини сақлаш туйғуси” эмас, балки мислсиз миллий алданиш фожеасига, тақдирнинг шунчалар қаттол ҳукмига қарши исён, руҳий түғён овози мужассам ифодаланган эмасми!?..

Мақоладаги бошқа бир чигал-мубҳам нуқта шуки, ундан, юмшатиб айтганда, йўқсиллар заминсиз, пойдеворсиз қурган бинонинг бош меъморига мансуб таниш ақида ёдга тушади: “Умуман у (яъни Чўлпон – Б.А.) ўз замонасида муайян жамият қўйнида яшаган ва табиийки, бу жамиятдан ташқарига чиқиб кетолган эмас”. Наҳотки Чўлпоннинг ўз она заминига бориб етгани учун ҳам завол топган ҳаётини, ижодий қисматини шоиру санъаткор хилқатига ножинс ўша моддиюн андозаси билан ўлчаб бўлса!.. Шундан кейин “Чўлпонга объектив ёндашиш (!), шахсиятини, ижодини холисанилло баҳолаш” ҳақида гап боради: “Шундай экан, Чўлпоннинг бадиий ижодидами ёхуд адабий-танқидий мақолаларидами, ҳукмрон мафкура ғояларига ён берилган ўринларни, адаб маҳоратига зидроқ келадиган парчаларни кўрганда бир сапчиб тушиб, унинг номига маломат тошларини отишга шошилмаслик керак”. Ва ниҳоят, менимча, мунозаралигини эмас, ҳатто бугун тубдан янгиланаётган нуқтаи назар, объектив позициясидан анча анчайин чекиниш тамойили – ажабтовур бараварловчи таққослаш усулига дуч келамиз: “Бу мулоҳазалар фақат Чўлпонга эмас, балки Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаххор, Шайхзода, Миртемир каби кўп йиллар мобайнида адабиётимизнинг чинорлари ҳисобланиб келган, кейинги йилларда эса

ўринли-ўринсиз таъна-дашномларга рўпара қилаётган одамларга ҳам тааллуқли”.

Аввало, Чўлпоннинг на фожеъ қисматини, на қадимий руҳий, маърифий илдизлар билан боғланган дахлсиз маънавий-эстетик позициясини “адабиётимиз чинорлари” дунёси – ҳаётга, адабиётга, унинг асосий обьекти – инсонга дахриёна-синфий руҳда “мафкуралаштирилган”, соц.реализмнинг сохта концепциясига таянган муносабати билан қиёслаб, демакки, тенглаштириб бўлмаса керак. Қолаверса, мунаққид тилга олган, олмаган “чинорлар”нинг барчасига бирдай ёндашишadolатли бўлармикин? Бугун адабиётимизнинг ҳақиқий мухлисларига сир эмаски, айниқса, ўша мудҳиш кетадигонлар шароитида виждан азобини кечирганлар, вазият тазиики остида сукут сақлаганлар, ҳалолликлари учун турли даражада жабр тортганлар, чорасиз қолиб замонасизлик қилганлар – бошқа; нима бўлса-да жон сақлаш, “ўзини асраш” учун ҳатто кечаги ҳамкасб дўстларига нисбатан хиёнат йўлига ўтганлар – бошқа. Шунингдек, мушкул кунларда ҳам “коммунистик истиқбол”га фанатикларча ишонган, саробни ҳақиқат деб билиб, йиллар мобайнида алданиб юрганлар – бошқа...

Чўлпонларга келсак, даставвал, уларнинг эътиқоду эътимоди – дунёқараши улуғ пири комил аждодлар руҳидан мадад олган, сўнгра, Туркистон Миллий Уйғонишининг қутлуғ идеаллари, бевосита ғоявий раҳнамолари, биринчи навбатда, ҳазрат Беҳбудийлар таъсирида шаклланган (Чўлпон устод-муршид хотирасига бағишлиланган марсиясида ўни “азиз отам” дейишида рамзий маъно бор). Қолаверса, ҳали маҳсус ўрганилиши лозим бўлган 1917 йил) феврал инқилобининг доруломон насими, Октябр ҳарбий тўнтаришининг зилзилавор шиддати-зарби-ла ўрнатилган йўқсиллар диктатураси) ва кейинги йилларнинг таърифидан ташқари пўртана-гирдобли воқеалари: турли жабҳалардаги қонли курашлар, синфий-мафкуравий жанглар, бошқа азалий ва фавқулодда зиддиятлар миллатнинг ноёб истеъдодли фарзандлари тафаккурида, тахайюлида не чоғлиқ драматик ўзгаришлар содир этган – бу уларнинг ўзига ва ёлғиз Аллоҳга аён... Беихтиёр, рус тилидаги (асли юнонча) “парадокс” сўзи хаёлдан ўтади: унда бир ҳақиқатнинг икки қутби кутилмаган тарзда зиддиятга киришини, бир-бирини инкор қилиши мумкин. Бир қарабисизки, улуғ шоир жаҳоншумул ўзгаришлардан, айтайлик, Буюк француз инқилобининг гимни – “Марсельеза”га ворис “Интернационал”дан каттиқ мутаассир бўлиб, уни биринчи марта ўзбекчалаштириди. Ўша яшиндай тезу омонсиз сатрлар руҳида қатор шеърлар, жумладан, машхур татар инқилобчиси Мулла Нур Вохидовнинг ўлимига бағишлиб марсия ёзди (мана ундан икки-уч мисра: “Инсонликка саодатнинг бирдан-бир Тўғри йўлин кўрсаткучи Марксдир... Сендек киши Шарқ элига тансикдир” ёки “Қизил Байналмилал” шеърининг сўнгги сатрлари: “Асирикдан кутулмоққа зўр шарт: - Кўлда қурол, тилда “Байналмилал”). Лекин, не тонгки, орадан кўп фурсат утмасдан “инқилобий трибунал”, қизил террор ваҳшатларидан дарғазаб бўлиб, борлиғи ғалаёнга

келган шоир “Бузулган улкага”, “Ёнгин” сингари ўша йиллар шароитида энг жураатли шеърларини қандай қилиб “ён бериш”, “замонасозлик” мисоли деб ёки аксинча баҳолаб бўлади? Йўқ, уларни, менимча, шоир қалбининг хоҳ эски, хоҳ янги ақидаларга бўйсунмас исёни, хайқириғи, демак, давр тақозоси, муракқаб вазиятнинг изтиробли шеърий инъикоси деб, атасак, тўғрироқ бўлар... Илло, “коммунистлар фирмаси” (Чўлпон ибораси) нинг зохиран инсониятнинг азалий идеаллари инъикос этган дастуру декретлари, манифест ва декларациялари аввалига Чўлпонларга муайян маъноларда ўз таъсирини кўрсатади (не ажабки, бундай таъсир жараёни халқаро миқёсга эга), лекин охир-оқибат – амалда, ҳаётнинг беомон синовлари давомида уларни фақат ўзларигина билган, тўзимсиз қийноқ-изтиробларга солгани аччиқ хақиқат эмасми?!

Қайд этилган ва этилмаган, янгиланиб турган, бардавом, чуқур зиддиятлар муҳитида, азобли иккиланиш, тараддулданиш, умид ва аламлар кайфияти исканжасида (эҳтимол, миллий қадриятларга қарши очиқчасига ҳужумга ўтилган 1927 йилгача ва ундан кейин ҳам) нима қилиб бўлса-да ёзишга, яратишга туртки, имкон, жасорат топиш –бу фақат метин иродали талантларга хос хислат деса бўлади... шу маънода мунаққиднинг: “Афтидан, Чўлпон битта яхши шеърини яратиш учун ўша шароитда хукмон мафкурага жиндай ён бериб, икки-учта “ғоявий” шеърлар битган кўринади” каби кимнингдир хатоси учун узроҳлик оҳангига айтган сўзлари ҳам нафақат ортиқча, балки абас туюлади. Негаки, Чўлпонлар қисмати учун ҳозирланган ваҳшат чифирининг жаҳаннам азоблари олдида шоир истеъодининг хоҳ кучли, хоҳ кучсиз жиҳатлари, илхом илоҳасининг тухфаси – санъат мўъжизаси ёки “ижтимоий буюртма” маҳсули бўлсин, ўз аҳамиятини йўқотиши муқаррар. Айтмоқчиманки, йирик чўлпоншунос олим, майли холис ниятда, таассуф оҳангига айтган, хоҳ дуруст, хоҳ мундоғроқ чиқсан “ғоявий” шеърлар вақти келиб чақалик қадри бўлдими? Бу фоний дунёдан дорулбақога... жанозасиз, ҳатто мозорсиз, (то субҳи маҳшаргача руҳлари чирқирагувчи) алам-армон билан кетган ҳуррият шаҳидларининг сўнгги дақиқаларда ёвузлик ва сотқинликдан ўртанган жонларига қатра сувчалик нафи тегдими?! Ваҳоланки, моҳияттан зўравон қонунлар салтанатида “ғоявий” шеърлар учун шоир жавобгар бўлмаслиги керак. Айб “буюртмачи” мустабид кучларда, уларнинг камарбаста дастёrlарида эмасми ахир?! Улар ҳеч нарсадан қайтмаган, ҳеч кимни аямаган: истаса, хоҳлаган санъат соҳасида буюртмалар берар, улардан ўзининг “дахлсиз” ғояларини тарғиб этиш воситаси сифатида, ўз моҳияти – хақиқий қиёфасини беркитиш, ниқоблаш мақсадида фойдаланар, хушласа – мукофоту унвонлар, ҳатто баланд мартабалар билан сийлар, хушламаса – ҳаммасидан кўз юмиб, олий жазога мустаҳиқ қиласи.

Истеъодли шоири қаламига мансуб “ғоявий” шеърларнинг бадиий бушлиги масаласига келсак, бунинг асосий сабабини “Сўз гухари” (Навоий) - шеърият санъати билан сиёsat ўртасидаги азалий зиддиятдан қидирган маъқул...

Ниҳоят, Чўлпоннинг Ҳалимахонимга бағишлиланган мақоласига муносабат хақида. Яна ўша “парадокс”: Шўроларнинг, айниқса, миллий этнос асоси – ўзбек қишлоғи аёллари, болалари тақдири, лоақал, соғ-омонлиги, меҳнат шароити, маданий-майший ҳаёти соҳаларида содир этган адолатсизликларидан, эскиликка, хурофотга қарши кураш баҳонасида диний эътиқодига, қадимий миллий ва умуминсоний анъаналарига, бебаҳо маънавий-ахлоқий қадриятларига нисбатан қилган мислсий зўравонликларидан қатъий назар, ўша “йўқсиллар инқилоби”дан кейин “ичкари” маҳкумалари – “ёр асиralари” (Чўлпон) орасидан, бамисоли мўъжиза юз бергандай, ёркин истеъдодлар – ижодий, илмий зиёлилар, бошқа соҳаларнинг фазлу камол соҳиблари етишиб чиқиши) тўғри, бундай инқилоб турли қурбонларсиз бўлмади) Чўлпондек байналмилал миқёсда фикрловчи, том маънодаги янгиланиш тарафдори булганин санъаткорга таъсир курсатмасдан қолмасди (“Эй, йўқсиллар саҳнасида энг қимматли санъаткор! Эй, деворлар орқасида йиғлагувчи чолғини Қулоқларга эшилтириб шафқат хисси уйғотган!” – шоирнинг “Шарафли хизмат” шеъридан).

Не ажабки, мунаққид Чўлпоннинг “Ашулага ишқибоз” мақоласини дастлаб бир қадар муносиб баҳолайди-ю, бирдан ошкор (ва бизга таниш) киноя билан ёзади: “Мақолани ўқиётган бутунги китобхон (!) бир нуқтага ётади-ю, равон йулда бехосдан қоқилиб кетган одамдай сапчиб тушади (?): “Инқилобнинг файズли қўллари тегмаса, Ҳалима бугун кўриб турганимиз талантли, бошқа кўп ноёб талантларимиз сингари тўрт девор орасида қолиб забун бўларди”, Чўлпоннинг самимият тўла сўзларидан олим ёқа ушлайди: “Ғалати гап-ку? “Инқилобнинг файズли қуллари” нима дегани? Наҳотки Чўлпон ҳам истеъдоднинг руёбга чиқиши-чиқмаслигини инқилоб самарасига боғлаб қўйса”

Таажжубдан таажжуб бир ҳол: бугун, 90-йилларнинг ўрталарида туриб бундан салкам 60 йил муқаддам ёзилган, шоир-муаллиф ўзи шоҳиди бўлган ажаб ўзгариш, яъни кечаги мазлумалар – ўзбек қиз-жувонларининг, айниқса, истеъдод ва заковат эрки, мустақил ижод, нафосат туйғусини рўёбга чиқариш имконияти хайрат ва ғурур билан ифодаланган мақоладаги бир-икки иборадан чўчиб, бирдан “сапчиб тушади”, асосан таркибида “инқилоб” сўзи бўлган бир жумлани ўқиб: “Ғалати гап-ку?” дея хайронлик домига тушади.

Ҳолбуки, бугун биздагина эмас, балки жаҳон афкор оммаси кўзи ўнгидат мислсиз алдов – сароб бўлиб чиқкан, ҳисобсиз соғдил одамларни, шу жумладан, машхур донишманд шоирларни ҳам адаштирган, гўё айбсиз айбдорга айланган бу кўхна сўзга истехзо-киноялар, таъна-маломатлар нишони сифатида эмас, балким, аччиқ тарихий сабоқ тамсилларидан бири сифатида ёндашмоқ кифоя... Бугун биз истамаймизми, йўқми, Чўлпонлар яшаган, ижод қилган талотум шароитда “инқилобнинг... қуллари”) майли, бир жойда “файзли”, бошқа жойда “шафқатсиз” ё “темир” эпитетлари билан ифодаланган бўлсин) ўша замон воқелиги учун кундалик истеъмолдаги, таомилга кирган иборалардан эканини инкор этиб бўладими? Ваҳшатангез

30- йилларни қуйиб турайлик, XX съезддан кейинги нисбий эркинлик, “илиқ эпкинлар” мұхитида ёзилған жиддий мақоллар ва жиддий китоблардаги “инқилоб” каби сўзларга қандай ёндашмоқ керак?..

Бас, билдирилған эътиrozларимни чуқурроқ асослаб бериш мақсадида Чўлпонлар дунёсининг руҳий, тарихий, миллий илдизларига оид, шунингдек, ўша даврнинг объектив хақиқати билан боғлиқ айрим омилларга назар ташлаш зарурати сезилади. Бугунги зийрак, билимдон ўқувчига сир эмаски, Қодирий, Чўлпон, Фитратлар хозирги авлод фақат орзу қилиши мумкин бўлган фавқулодда заковати билан ажралиб турганлар. Сабаби, Туркистондаги жадидчиликнинг миллий замини моҳиятда байналмилал, яъни арабий, форсий, туркий тиллардаги бой илоҳий, дунёвий-қомусий ва бадиий манбалардан сув ичади (фақат араб тилига қадимги юонон, лотин, ибрий-яхудий, сурений, пахлавий, санскрит-хиндий тилларидан қилинган таржима асарлари ҳайрат уйғотади!). Не ажабки, миллий Уйғонишимизнинг буюк кашшофлари табаррук аждодлар меросига ворислик билан қаноатланмадилар – мусулмон Шарқи маданиятини Оврупо маданиятининг мумтоз намуналари, замонавий ютуқлари билан, аниқроғи, уларга оид маърифий билим билан бойитдилар (бу жараёнда истилочиларнинг истак ва пиравард режаларига зид ўлароқ, Россия империяси кўприк вазифасини ўтаганини Чўлпонлар тўғри тушуниб, мавжуд имкониятдан самарали фойдаланадилар). Айниқса, мўъжизакор босмасўз орқали Оврупога ва жаҳонга очилган дарича мантиқий ва бадиий тафаккурдададил ислоҳотлар қилиш имконини берди, натижада мавзулар, ғоялар, жанрлар, восита-образларда туб янгиланишлар воқеъ бўлди (Чўлпоннинг мунаққид маҳорат билан таҳлил қилган “Улуғ ҳинди” мақоласидаги: “бир хил, бир хил, бир хил!” дея нолали шикояти замирида ушандай руҳий чанқоқлик, маърифий ва ижодий янгиликлар туйғуси мавж уриб туради).

Хўш, биз яқиндагина росмана воқиф бўлиб, англаб олаётган шафқатсиз ҳақиқат – халқимизнинг миллий фожеасига сабаб бўлган, Чўлпонларни баъзан чалғиттан, уларнинг муборак орзу-армонларини остин-устун қилиб, охири завол топтирган ёвуз, афсунгар куч нима эди, бу ва шунинг каби азобли саволларга атрофли, чуқур асосланган жавоб қилиш, балким, ҳали-ҳозир осон эмасдир...

Маълумки, камбағал-бечорага, етим-есир, ғариб-мискинга шафқат – пайғамбаримиздан мерос (“ фақирлик фаҳримдир” ҳадисини эсланг), айниқса, халифалардан Хорун-ар Рашид ва Маъмун замонасида чуқур асосланган ислом фалсафасида таҳқиқ этилган, сўнгра, бадиий адабиётда кенг тарқалган ғоялардан (масалан, шоҳу гадо мавзуида битилган шеърий ва насрый асарларда фақирилик гўшаси ва луқмаи ҳалолида зухур этган руҳий олам шоҳлик шавкатию давлатидан ортиқ деб талқин қилинишида теран маъно бор). Эҳтимол, Чўлпон ва чўлпонлар ҳам “Интернационал” ғояларини, Э жаҳон йўқсиллари, инқилобининг синфий манфаатлари дастурини қачондир бир ёруғ кунда шоядки, миллий ўзанга солиш имконияти туғилса,

деган хаёлда турфа тазиқларга бардош бериб, тиним билмай ижод қилгандир...

Шоирнинг шу мавзудаги оригинал ва таржима шеърлари бундай боумид ғояни тасдиқлаши муммкинки, лоақал бадиий сўз воситасида халқ, миллат дардларига малҳам топиш чоралари қидирилган бўлса хеч ажаб эмас!.. Чунончи, 1919 йилда ёзилган “Ўзбегим” шеърининг мана бу мисраларига разм солиб кўрайлик: “Қишлоқда факирлар кутадир – кечада, кундузда, сахарда! Билгилким, ҳаётинг, томиринг, ўзбегим, камбағал қишлоқда...” “Ёруғ юлдузга” шеърида мажозий тилла битилган шундай банд бор. “Биз йўқсиллар бошқаларга қул булиб, чет оёқлар томонидан эзилдик. Ҳар ярамас, ҳар бузукнинг тагида алам ортган, жабр кўрган биз эдик...” ёки ўзбек қизжувонлари эрки, ҳатто “ўзлигин намоён қилиш” (Фазлий) ҳуқуқи қаламга олинган шеърлардан мисралар: “Ёр асиralари, ёр асиralари, ёш тўкиб йиғлашми насибалари?!”; “Сўzlари садафдек, товуши найдек куйим бор, унида деворлар тинглар. Эркин бошқалардир, қамалган менман, Ҳайвон қаторида саналган менман...”

Чўлпонларнинг руҳий изтиробу иштибоҳларига сабабчи бўлган бошқа бир тамсилга ҳам тўхталиш мумкин. жаҳон йўқсиллари доҳийси... (айниқса, 20-йиллар матбуоти саҳифаларида) шу қадарли илоҳийлаштирилган, унинг тўғрисидаги бор хақиқатдан узоқ вақт бехабарлик шундай уйдирма тасаввур – миф яратган эдики, жамият ҳаётида нафақат адолат асослари бузилган ҳоллар, балки табиат ва социал тараққиёт қонунларига хилоф “тажрибалар”, муваффақиятсиз ислоҳотларга ҳам... гўёки Лениннинг хасталик йиллари, бевақт ўлими, сал бўлмаса асосий сабаб қилиб кўрсатилди (доҳий шахсига сифиниш фожеасини виждон азобида ўз жонига қасд қилган Александр Фадеевнинг ўлим олди хати мисолида аниқ тасаввур қилиш мумкин). Бошқа бир хос муқояса: масалан, бизнинг Чўлпондек ҳурфикр ёзувчиларимиз билан Шўролар тартиботига мухолифотда турган рус ёзувчиларининг, айтайлик, Марксга, Ленинга муносабатлари кескин тафовут қиласи. Бундай тарихан таҳқири манзаранинг чукур сабабларини очиб бериш, рўй-рост таҳлил қилиш маҳсус тадқиқот мавзуидир. Балким, келгуси ўша ёруғ кунда Ҳурриятимиз, Истиқлониятимиз қурбонларининг гоҳ ўз ёғида қовурилиб тортган азоблари, асли бешафқат давр, ёвузлик салтанати зиддиятлари туғдирган виждоний қийналиш, иштибоҳ туйғуларининг маъно-моҳияти аниқланар, шунчалар бенисбат алданиш – миллий фожеанинг тарихий илдизлари таҳқиқ қилинади, алал-оқибат қанчалик иғир-аччиқ бўлмасин, хақ-хақиқат ойдинлашиб, ножоиз, нораво маломат сўzlари ҳам бамисли ҳубобдай адамга юз тутар, иншооллоҳ...

Ботирхон Акрам

Абу Райхон Беруний номидаги ТДТУ профессори.

**НОРБОЕВ БОТИР ЖУМАНИЁЗОВИЧНИНГ “ҲАЁТНИ ПОЭТИК
ТАЛҚИН ЭТИШ ТАОМИЛЛАРИ ВА МАҲОРАТ МУАММОЛАРИ)60-
80 ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ЛИРИКАСИ МИСОЛИДА)” МАВЗУИДАГИ
ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ ҲАҚИДА РАСМИЙ ОППОНЕНТ
ТАҚРИЗИ**

Шеърининг – санъатнинг бошқа турлари, хусусан, мусиқа каби “тengri эҳсони” (Навоий) инсон учун осмондан нозил этилган мўъжизалардан. Яъни бу – шеърий истеъдоддагина муносиб ва матлуб бўлган асли “хомай қисмат” (тақдир қалами) қудрати-ла яратиладиган шавқу рағбату дард маҳсули бўлмиш том маънода санъат асарлари “образли тафаккур” (Гегель, Белинский) самараларидир. Шу маънода хуштабъ, ҳикматшунос аждодларимиз асос эътибори-ла шеъриятга нисбат бериб айтган “фасоҳат мулки” – нафосат олами, ўз сувратига хос зоҳирий жозибасидан қатъий назар, даставвал, ботиний-руҳий гўзалликнинг мужассам тимсолидир. Бас, шеърият илоҳий маънолар раббоний ибтидони, қудсий ҳақиқатни, раҳмоний қут, файзу барокотни ҳаётий-дунёвий рўзи-насиб неъматларини ҳис этиш, идрок қилишнинг ўзига хос нафису сирли-жозиб бир усули демакдир. Шу тариқа оламнинг жозибадор суврати – тажаллиси орқали аста-аста унинг сийрати илоҳий моҳияти, сабабияти бир-бир кашф этилади. Ҳақ-ҳақиқатга интиқ ва чанқоқ инсон илоҳий қудратининг зоти ва сифоти (сифатлари)ни баҳоли имкон англағани сари ўзини, ўзлигини, қуршаб олган муҳити, ҳаёт маскани, эл-юртини, умр маъноси ва қадриятларини ҳам яхшироқ, теранроқ билишга эҳтиёж сезади. Бундай ҳол барча аҳли фузало каби шоирда ўзгача кечади – бошқача ҳайрат, ҳаяжон, илҳомий-дарднок жараёнларда воқеъ бўлади, катта улуғ истеъдодларда руҳий гўзалликлар, сирли-сехрли теранликларга қалб идроки билан билан орифона назар солиш тарзига айланади.

Иқтидорли тадқиқотчи Ботир Норбоев илмий мавзуни асосан 60-80 ийллар ўзбек лирикаси мисолида белгилагани ҳолда ўрни, зарурати билан Чўлпонга, ёш Ойбек ва Ботуларга мурожаат қилиши Э.Воҳидов ва А.Орипов каби давршеъриятига янги рух, маънавий баркамоллик, бадиий тоза оҳанг ва ранглар олиб кирган улкан истеъдод соҳиблари ижодига айрича аҳамият бериши бежиз эмас. Чунончи, I бўлимнинг “”Шеъриятда миллий маънавият ифодаси деб аталиши, I-бобда миллий-умуминсоний қадриятлар ва фаол замондошнинг маънавий оламини тадқиқ этиш муаммоси, бу борадаги дадил изланиш, мустақил кузатишлар натижаси – илмий таҳлил, назарий ҳукм ва хулосалар, шубҳасиз диссертантнинг жиддий ютуқларидан бўлиб, давр шеърияти қиёфасини, тамойилларини яхши илғаб олганидан, характерли шеърлар, ёрқин тимсоллар руҳига кириб, улар замиридаги чинакам маънавий

янгиланиш, руҳий тозариш аломатларини тадқиқ этишга муваффақ бўлганидан далолат беради.

Улуғ адаб ва файласуфлардан бири оламни гўзаллик қутқариб қолади деса бошқа бири оламни гўзаллик қутқариб қолади деса бошқа бири гўзалликнинг ўзи ҳимояяга муҳтождир, деган эди. Ҳазрат Навоийда “Соний Марям” унвонига мушарраф бўлган биринчи валия Робия ал-Адавия” ғоясидан рағбат олиб: “Кўнгул ичра ғамлик асру ғамдур, Алам йўқлиқдағи қотиғ аламдур” каби бағоят даражада ўйга толдирадиган, фақат эл-улус қайғуси, “халқ ғами”, миллат, Ватан нафи йўлида умрини бахшида этган комил инсонлар шаънини улуғлаб, номини абадийлаштирадиган қанчадан-қанча шоҳ сатрлар бор! Шуниси диққатга лойикдирки, диссертацияда, айниқса Чўлпондан, ёш Ойбекдан, сўнгра Абдулла Ориповдан, Эркин Воҳидовдан, Рауф Парфидан, Омон Матжондан олиниб, маҳорат билан таҳлил қилинган чинакам теран, пурмаъно мисралар, рангин, бетакрор тимсол-образлар шеърият аталмиш ўша боқий ва нурли дарднамонинг янги тамсилларига муносиб илмий шарҳлардир.

Мазкур диссертацион тадқиқотнинг назарий қимматини белгиловчи марғуб жиҳатларнинг характерли тафсил мисоллари: – “тантанабозлик харобаларида туғилган янги авлод” (Э.Воҳидов)нинг дадил “журъаткор изланишлари, ҳаттоки айрим исёнкорона шеърлари, тимсоллари (мас, “Саратон”, “Совға”), шунингдек, катта ва шрта авлодга мансуб шоирлар ижодидаги сергакланиш, бурилиш, янги оҳанглар, ҳатто дард-изтироб ифодаси холисона шарҳланган: –ҳаёт ҳакиқатига, унинг мураккаб, зиддиятли жиҳатларига фаол танқидий муносабат, бунинг замирида, биринчи навбатда, иқтидорли 60-йиллар авлоди пешқадам намояндадарининг маънавий позицияси, миллий ғуур туйғуси (ватан – Ўзбекистон мавзуига ҳар қачонгидан рўй-рост, янгича, чукур ёндошиш)нинг ажралиб, қабариб кўриниши. “Мен нечун севаман ўзбекистонни”, “ўзбекистон” (А.Орипов) “ўзбегим” (Э.Воҳидов) каби шоирлар профессионал заковат билан таҳлил қилинган:

- Айниқса, икки забардаст шоир (Э.Воҳидов ва Абдулла Орипов) ижодий такомилидаги кўтарилиш ва тушиш жараёнлари объектив ва субъектив сабабларга кўра муайян қонуниятга эга эканлиги, асосий тўғри тадқиқ этилган:
- I бўлимнинг II боби, менинг назаримда, диссертациянинг энг салмоқдор саҳифаларидан (“Ҳаётни поэтик тадқиқ этишда тарихий, мажозий тимсолларнинг ўрни ва роли”), Мазкур бобда тарихий шахслар тимсоллари ҳам, рамзий-мажозий образлар ҳам лирик манзара лавҳалари ҳам дид билан танланган, илмий холислик билан таҳлил этилган. Тадқиқот обьекти – жўғрофияси ҳам эътиборга лойик, яъни бу муайян илмий даъвони атрофлича, чукур асослаш имконини беради.

Очигини айтганда, шеъриятимизнинг зукко-билағон, забардаст тадқиқодчилари ҳам кўпинча конкрет асар – шеърий матн таҳлилидек тафсилий юмуш мاشаққатидан қочишга уриниб, асосий, муҳим тамойилларгагина тўхталағилар... Диссертантнинг иқтидори шунда намоён бўладики, у муайян шеър, шеърий тимсол, поэтик тафсил, ташбех руҳига кириб шоирнинг хос кузатишлари – истиора ва мажозларининг бадиј жозибаси, санъат, маҳорат сирини очиб беришга интилади ва бунга эришади. Чунончи Чўлпоннинг пешқадам атоқли мунаққидлардан О.Шарафиддинов “ҳаққоният даражаси паст” дея нохолис хукм чиқарган “Октябрь шеърининг ҳаққоний жиҳатларини холисанлилло очиб беради (Эй, бу кун оловлар дунёни ёндириди. Инсонлар оч ерни қонларга қондирди! ”) Ойбекнинг “Айрилик ва дарвеш”, “Булок” Ботунинг “Эрк сўзи”, “Йўўл изловчига” шеърлари, бошқа истеъдодли шоирлардан олинган мисоллар таҳлили ана шундай яхши тассурот қолдиради.

Диссертацияда, айниқса, Чўлпон фожеаси, ёш Ойбек ва Боту каби адашганлар, алданганлар бдулла Ориповлар авлоди ижодига хос айрим ҳамду сано оҳанглари соғлом ва тийрак тафаккур мезони билан баҳоланади. Ишда замонасозлик тамғаси нафақат Чўлпонга, балки ёш Ойбек ва Ботуларга (улар шўролар позициясига ўтганидан қитъий назар) ҳам нораво мантиқсиз эканлигини баҳоли қудрат исботлашга уриниш сезилиб туради.

Диссертациянинг ҳақиқий тадқиқотчига хос мустақил фикрлаш тарзи, ўзига ишонч туйғуси, муайян муаммо, маълум шоир ижоди унинг кучли ва заиф жиҳатларига муносабатда объективлиги даъво ва далиллари, хукм ва баҳо мезонидаги ҳалоллиги, самимияти баралла кўзга ташланиб туради (чунончи Р.Бобоҷоннинг айрим шеърларидаги ёрқин бетакрор жиҳатлар шарҳи в.х).

Тадқиқотнинг II бўлим, I бобида дастлаб 50-йилларнинг охирию 60-йилларнинг бошидан бошлаб, яъни“илик эпкинлар” муҳитида, турли авлодга мансуб шоирлар дунёсида воқеъликка ва инсон тақдирига янгича маънавий позициядан ёндашиш, поэтик мушоҳада ва тафаккўрнинг нисбатан эркинлик, теранлик касб этиши натижаси ўлароқ яратилган фалсафий-лирик жанрдаги оригинал шеърлар, ўзгача характердаги тимсол-образлар ҳақидаги жиддий илмий кузатишлар, хуқм-хулосалар мавжуд. Чунончи, А. Мухтор дунёига хос тафаккур теранликлари – оламнинг моҳиятини, инсоннинг руҳий драмаларини, ҳатто фоже кечинмаларни ҳаққоний ифодалаш (“Яrim тундан кейин...” “Қари солдат ҳақида...”, “Темир оғир дерлар...”) ўйга толдирувчи образлар яратишдек янгича ижодий тамойил диссертацияда поэтик дид ва профессионал маҳорат билан таҳқик этилган. А.Мухторнинг тафаккур тарзига хос фалсафий ўйчанлик янги авлод вакилларидан Ш.Раҳмон шеърлари

(“Венеция”, “Кўзингизни ичинг...” кабилар) таҳлилида очиб берилади. Шукрулло шеърлари ҳалқона ҳикматлар тили ва руҳига яқинлиги – аждодлар донишмандлиги манбаидан сув ичиши характерли тимсолларда шарҳланган.

Халқона тафаккур тарзидан ижодий фойдаланиш намунаси А. Ориповда ўзгача (“Одамлар...”, “Маломат тошлари”, “Ишонч” каби шеърлар) Сулаймон Раҳмонда (“Мехр”, Юсуф Жумаевда (“Қиз узатган она қўшиғи”) яна ўзгача тафсил-тимсоллар тарзида кўриниши асосли шарҳланади. Мазкур бобда интим-лирик шеърлар шоир субъекти, руҳий олами билан ҳамоҳанглиги яъни шоир субҳекти, руҳий олами билан ҳамоҳанглиги, яъни лириканинг иррационал табиати (“Лаҳзалар суврати”) шоир санъаткорнинг туйғулар, хаёллар дунёси билан ҳамжинс ва эшлиги тадқиқотчининг синчков кузатишларида (Хусусан, А. Орипов, Р. Парфидан олинган шеърлар мисолида) лирик шеърлар яратиш жараёнихос қонунияти – ҳар бир шеърда ҳолат, руҳият ифодасининг ўзгачаликлари чуқур тадқиқ этилади...

Диссертациянинг илмий-назарий асосли бутун яхлит, расо ишлардан эканини исботловчи бошқа марғуб жиҳатлари кўп. Шу қайд этилган сифатларнинг ўзиёқ уни ижобий баҳолаш ҳуқуқини беради.

Ҳар бир илмий изланиш, кузатиш маҳсулида ўрин олиш мумкин ва маълум даражада табиий бўлган нотамом ёки баҳоталаб жиҳатлар каби Б.Норбоевнинг мазкур диссертациясида ҳам, бизнинг назаримизда баъзан мунозаралари нуқталар ҳам мавжуд:

- Диссертант, чамаси, йирик рус шоирларидан Е.Винокуровнинг бир фикридан қолиб чиқиб, эҳтимол, ўзи ишонган қандайдир қонуният кашф этмоқчи бўлади кўпинча бир шоирга иккинчи бир шоир тазод усулида қарама-қарши туради. Мобадо улардан бири ўзининг аввалги принципларидан бир оз чекинса, иккинчисида ўзига қарама – қарши турган шоирнинг худди ўша принципларида ижод қилиш иштиёқи “уйғонади” (Винокуровнинг бир-бирига қарама-қарши турган” шоирлар ҳақидаги мазкур фикри, ажаб эмаски, турли зиддиятларга, эътиқоду принциплар эътибори-ла турли оқим ва йўналишга бой, худуди бепоён ажабтовур рус замини учун хосдир. Наҳотки бу бир эътиқод, бир маслакдаги ёрқин икки ўзбек шоирига дахлдор қараш бўлса? Бильякс, истеъдод табиати-ла бир-бирига ўхшамас бу икки йирик талантнинг ижодий индивидуаллиги – факат “ўз-ўзига ўхшамайдиган” (М.Светлова) жиҳатлар – бадиий тафаккур тарзи, оламга ўз нигоҳи, ўз истиора-тимсоллари, хос санъат усуллари (диссертациядаги маълум ва машҳур шеърлар таҳлили бунга муаян даражада таъминот беради, албатта) янада ажратиб кўрсатилса кифоя...

Диссертациядаги ҳам асосли-марғуб, ҳам анчайин мунозарали-иштибоҳли жиҳатлардан бири – анъанавий мавзу, ғоя ва тимсол-образларга муносабат, яъни ижодий таъсир ва никобли-никобсиз тақлид кўринишлари. Маълумки, ижодий таъсир ҳар бир мустакил даҳо” (Лессинг) ўтиши вожиб бўлган

манзилдир. Маҳбуб жамолини илк бор гулга муқояса этган зот – шоир, қолғанлари аянч эпигондирлар, дейди Ҳенрих Ҳейне, Гёteda, Ҳейнеда, Байронда масалан шеърни, шоирлик қисматини ё муҳаббатни ўз қалби мозорига дафн этиш фикри турли шакл-тимсоллар воситасида ифодаланган. Бундай ғоя А.Ориповда бошқача, Р. Парфида яна ўзгача лавҳаларда чизилган ёки дил, қўнгил қалб тимсоллари фақат танҳо ҳамрозим, ягона ҳамдард дўстим, қабилидаги талқинлар деярлик барча улуғ шоирларда учрайдики, улар бир-бирини айнан такрорламайди...

Диссертант “фақат шаклий эмас, мазманий ўхшашлик пайдо бўлиши ўзига хос қонуният экан” деган холосага келиши, бизнингча умуман тўғри бўлса-да, мисол тариқасида олинган шеърларнинг аксарияти бу фикрни шубҳа остига қўяди... Олайлик, “Мен нечук севаман Ўзбекистонни?” (А.Орипов) ва “Она тупроқ” (Э.Воҳидов) шеърларига хос “мазманий ўхшашлик” ҳам, сайёр ташбеҳлар муштараклиги ҳам эътиroz тўғдирмайди. Бироқ “Тирик сайёralар” билан “Қишлоқ қизига” (М.Али) шеърларини ўзаро қиёслаганда, афсуски, диссертант кузатганча ижобий таассурот туғилмайди. Сабаби аён: “Тирик сайёralар” (“Одамзотнинг ўз қалбidaёт яшаётir ўзга сайёра”) моҳиятда янги юксак, руҳан теран тимсол “Қишлоқ қизига” шеъридаги “ойнинг шуҳрати”, “юлдузлар ҳоли” билан“мен сенинг ҳолинг сўрайин, бу барча ҳавасдан олийроқ ҳавас” сатрларида янги, бетакрор, тимсол бўлмагани каби, муқояса ҳам зўрака-сунъийдир (маҳбуба ҳоли билан ой ва юлдузлар нисбати бадиий мантиқ тақозаси-ла ҳамоҳанглик касб этолмайди). Шунингдек, диссертацияда ижобий баҳоланган “Рашк” (Э.Воҳидов) ғазали билан С.Рахмондан келтирилган шеър мисралари (“Сени қизғанаман тақинчоқлардан, Сени қизғанаман магазинлардан”...)га хос сайёр тимсоллар шарҳига зўрма-зўракилик тамойили бор (С.Рахмон шеърига, ундаги очиқчасига тақлифга танқидий ёндошиш сезилмайди).

Диссертациянинг турли саҳифаларида тадқиқотчининг муайян ҳолат ва хусусиятни анчайин ошириб, ўзидан қўшиб, кучайтириб фикр юритиш тамойили сезилади. Мас. А.Ориповнинг “Курашади икки тўлқик” шеъри (ёш Ойбекка иқтибос) талқинида шундай жумлалар бор: “Бу – тилимизга, миллий урф-одатларимизга раҳна solaётганлар, дунёда фақат бир тил қолади, бошқа тиллар йўқ бўлади деяётганлар...: шунингдек, “Ўйларим” шарҳида: “... бу ўринда мустақиллик ғояси ярқ этиб кўзга ташланади. Ёш Ойбек, устоз Чўлпон байроғи – мустақиллик байроғи эди – Гап озодлик ҳақида кетаётгани изоҳсиз англашилади”. (дис. 44-45 бетлар) Сўнгра, 46-50 бетлардаги “Бузулган ўлкага, “Ўзбегим” (Чўлпон), ” Фарғона ёшларига”, “Олтин қўнғизга” (“Боту, Ойбек) шеърларидан келтирилган тамсиллар шарҳида ҳам 60-80 йиллар авлоди ижодига хос янги курашchan раҳ билан боғлашга зўр бериб уриниш сезилади...

Тадқиқотнинг тузилиши композициясида ҳам баъзан сунъий зўрма-зўраки андоза кўзга ташланади. Масалан, Чўлпон, ёш Ойбек Боту шеърларимга муносабат бевосита миллий Истиқлолиятимизнинг тарихий илдизлари билан узвий боғлиқ ҳолда олинмай, балки 60-йиллар авлоди

шеъриятига хос “зиддиятли туйғулар”нинг мўътабар бир далили сифатида келтирилади.

Баъзан рамзий-маъжозий образлар талқинида бироз чалғиб кетиш ёки ноаниқлик содир бўлади. Масалан, Чўлпоннинг “Бинафша” шеъридаги умуман инсоний эрк (эҳтимол, муҳаббат эрки), кенг маънода шарқ мазлумалари, ичкари асиralари рамзи – бинафша истиора-тимсоли ватан образи сифатида талқин этилади. “Номаълум одам” (А.Орипов) диссертацияда талқин этилганидай, “фаолликдан наф кам”лиги аломати пассовлик ифодаси эмас, бу – ҳақибу фақир одамларнинг ўтқинчи дунёга руҳий исёни ифодасидир...

Қайд этилган баҳсталаб, айрим жузъий нотамом ва нокус жиҳатлар айрим композицион ёки шаклий камчиликларидан қатъий назар Ботир Норбоевнинг “Ҳаётни поэтик талқин этиш таомиллари ва маҳорат муаммолари” мавзуидаги докторлик диссертацияси илмий жиҳатдан тамомланган назарий ва амалий аҳамияти жамоатчилик эътиборида эътиroz туғдирмайдиган, шубҳасиз ҳозирги ўзбек шеършунослигига қўшилган муҳим ҳиссадир. Унинг тадқиқотчиси филология фанлари доктори илмий даражасини олишга маънавий ҳақлидир.

Филология фанлари доктори,

Проф. Ботирхон Акрам.

КАМАЛАК ЖИЛОЛАРИ²

Зулфиянинг “Камалак” шеърлар туркумидаги шеърлар фикр ва хаёл дунёси чексиз, том маънода, чукур масштабли асарлардир. Улар ҳаёт ва шеърият ҳақидаги, табиат ва руҳий олам ҳақида давомли ўйлар умумлашмасидан, кўнгил қатида ётган эзгу хотиралар ва янги таассуротлар синтезидан яратилганини сезиш қийин эмас. Туркумда шоиранинг кучли шавқ, рағбат мевалари унинг “изтироб мевалали” – руҳий түғёнлари билан кўшилади бу “тунги қўлдан” сирли – сеҳрли шеър чашмасидан ҳар бир хуштабъ ва фикрловчи китобхон ўз табиатига, маънавиятига яраша баҳрани топа олади. Зеро ҳаёт – табиий ва руҳий олам, объектив ва субъектив олам бундай баҳраларга бениҳоя бой. Бу шоира туйғуларининг қанчалик табиий, қанчалик самимий эканлигидан далолат беради. “Камалак” туркумидаги шеърлар, жумладан, “Келажак” манзумаси шундай таассурот қолдиради.

Шоира инсон табиатига хос юксак туйғуни, унинг муборак армонларини ёшликтининг романтик хаёллари билан қўшса, умумлаштиrsa кифоя қилмасмиди? Лекин Зулфиянинг келажак туйғуси, келажак хаёли учун бундай юксак меъёр ҳам камдай туюлади.

**Чақмоқдай чўрт кесиб йўлингни тўсганлар,
Шиддату меҳнатдан муждалар йўғуруб,
Яшиндай ярқираб, олдинга ўтганлар,
Қўлингдан тутиўиб,
Довонлар ўтишиб
Фазога учганлар авлоди
Бўлсам ҳам
Ниятим битмайди.**

Шоира туйғуларининг табиийлиги шундаки, у келажакнинг хаёлий тимсолини бугунги реаллик заминида яратади, космик аср суръатларини унга мезон қилиб олади.

Туркумдаги “Бўрон қучоғида” шеъри ўз номига, нисбатига монанд асар. Бу шеърни ўқиб ҳаяжон ва ҳайратдан “Наҳотки унинг яратилишига сабабчи бўлган, шоир туйғуларига туртки берган шу “бир оқшом” кўтарилиган бурон

² Мазкур мақола собиқ совет тузуми пайтидаги Ленин мукофотига номзод сифатида кўрсатилган Зулфиянинг ““Камалак“ тўпламини тавсифлаш мақсадида яратилган.

Табиатнинг шу совуқ, маъносиз стихиясидан шунчалик қайноқ, ёлқинли туйғулар, шунчалик юксак ва теран хаёллар тутиладими?” – дейсиз.

Олинг, оёларим ерга теккизмай,
Қаёққа учсангиз, шу ёққа учай.
Қалбим, хаёлимдан қулоchlар ясаб,
Хеч ким қучолмаган чақмоқни қучай.
Қани авжга кўтар бор жазавангни,
Юз томондан силта изғириқ қамчинг.
Танам бўйлаб хайда ўт аравангни,
Дўл бўлиб ёғилсин ҳаётбахш томчинг.

Бу одатдан, таърифдан ташқари шиҷоатли фикрлар хаёлимни беихтиёр бошқа бир шеър томонга олиб кетди. Зулфия “Ийманиб айтмаган...” шеърида: “Ҳайқириб куйлашга қодир бу қалам! ” Лекин сўз порласин мисоли гулхан, чақнатсин учқуни тушган дилни ҳам” , дея бонг уради. Назаримда, бутун “Камалак” туркуми, шу жумладан, “Бўрон қучоғида” шеъри сўзнинг поэтик кучи нечоғлик бўлишига, чинакам истеъдод ва поэтик ҳиссиёт эгаси уни “гулхан мисоли порлатиши”га ажойиб намуна бўла олади.

Зулфия “ток зангига суяниб ўтириб ” кечирган сирли туйғуларни, “бўрон қучоғида” туғилган хаёл дунёсини очиб, фақат шоиранинг ўзигина шарҳлаб бериши мумкин. Бўрон билан бирга “учиш” орзуси, “қалбдан хаёлдан қулоchlар ясаб”, “чақмоқни қучиши” истаги “бўрон болалари”да туғилиши мумкин. Бу Прометей авлодидан бўлган ёлюрак кишиларга хос туйғу...

Биз Зулфиянинг шахсий ҳаёти ва ижодий жасорати “бўронлар қучоғида” тобланганини, унинг ҳар қандай синовларидан чўчимаслигини яхши билсак ҳам (“... Билай яна етар неларга кучим. Баҳт ёнлаб ўтган ул гул ёшларимидан қолдимикан ҳеч не, азиз ўқувчим...”), бу гал шоиранинг қаҳрамони характеристида романтик рух шунчалар кучли берилганидан ҳайратланамиз. Қизиғи шундаки, ҳайратлана туриб, беихтиёр “бир қаноти ором, биттаси түғён” бўлган, “бўронсиз юрак”ни фожеа деб билган шоиранинг руҳий ҳолатини аста тушуна бошалимиз, унинг самимий ва ҳаққонийлигига ишоанмиз.

Зулфия “Камалак” манзумасида ҳам ўзининг фалсафий мушоҳадаларини обьекти сифатида табиатга, унинг мўъжизакор ҳодисасига мурожаат қиласди. Лола сайлида кутилмаган “уфқдан уфққа қўприк ташлаган” камалак шоира қалбида етилган, кўпдан мустақил ҳаёт бошлашга интилиб ётган туйғуларга ўз рангларини, ўз жилоларини бағишлиайди: камалак йўллари шоира учун янги фикрлар, янги образлар йўлига айланади, ҳали айтилмаган қўшиққа айланади.

Янги йўлга чорлар камалак

Йўл – қўшиқ.

Камалак ёрқинлиги, рангинлиги билан, камалак юксаклигидан туриб ўзига чорлаган “янги йўл” Зулфия учун қанчалик қувончлар келтиришини тасаввур қилиш қийин эмас. Йўл – ёруғлик, дейди халфимиз “инсонлар қалби томон йўлини очган”, она тупроқ ва дўст қитъаларнинг қанча-қанча йўлларида, манзилларида ошиқ-йўлчидай толикиш билмай кезиб юрган шоира учун йўл қўшиқ рамзига айланса не ажаб! Зулфияни шундай юксак туйғулар банд этгани учун ҳам камалакнинг етти ранги, “етмиш хил жило” беради – таассуротлар сирлар билан тўлади, бу эса оламнинг бир жозибасига минг жозиба қўшади.

Бири чорлар, аранг бир сирни очсан.

Сирлар билан жангда

Минги билан бойиб

Довонлар ошсан, –

дейди шоира ғаройиб бир шавққа тўлиб. Бу шавқу рағбат янги “”довонлар ошмоқ”ка куч, шижаат бағишлайди.

Камалак жилоларидан бири кутилмагандан ёшлиқ дунёсини очади, ўзида акс эттиради. Шоира учун “баҳт ёнлаб ўтган йиллар”нинг завқидек азиз, муборак туйғу борми? Зулфиянинг лирик қаҳрамони бир неча дақиқа “тўрт атроф гўзаллиги”ни , вақт, замон, умр фасллари деган ниҳоятда қисқа, ўлчовлари тез ўзгарувчан тушунчаларининг барини унугтади, борлигини ўша топиб қайтариб бўлмас қувончбахш, бокира ва оташин олам ихтиёрига ташлайди.

Диллар опа ғовни бузиб,

Вайронлаб,

Энг эзгу сезгидай

Яраклаб, сузиб,

Кирган дилларимни

Ҳайрат, ҳайронлаб,

Қаҳ-қаҳлаб,

Яраклаб,

Чақнаб баҳт дардин

Қонларимга қуийиб оламан ёшлиқ.

Бу мисралар шоира туйғуларини шу қадар табиий ва ёрқин ифодалайдики, биз унинг “қалами ҳайқириб куйлаш”тагина эмас, балки китобхон қалбига ёшлик мавжлари, ларзалини бағишилай олишга қодир, мўъжизакор кучга эга эканига ишонамиз.

Зулфиянинг ижодий таомили учун айниқса хос бўлган “йўл – қўшиқ” тимсоли шеър ниҳоясида етти иқлим йўлларининг рамзий образи даражасига кўтарилади. Камалак жилоларида жаҳон йўлларини кўриш инсониятнинг эзгу умид, баҳтли истиқбол йўлларига нигоҳ ташлаш демакдир: не-не жангу жадалларда, курашларда асоси қўйилган тинчлик, дўстлик йўлларининг янги манзил, янги довонлари ҳисси билан яшаш ва ижод қилиш демакдир; не-не жангу жадалларда, курашларда асоси қўйилган тинчлик, дўстлик йўлларининг янги манзил, янги довонлари ҳисси билан яшаш ва ижод қилиш демакдир. Бу “Мушоира”дек мамлакатлар, қитъалар сарҳадидан ўтган қанотли шеърлар муаллифи учун қонуний туйғу.

“Камалак” туркумидаги шеърларга, шоиранинг қалб ҳарорати; руҳий туғён билан ёзилган бошқа манзумаларга мумкин қадар тўғри ёндашиш, улар замиридаги поэзия гавҳарини илғаб олиш ва муносиб баҳолаш учун Зулфия ижодхонасининг сирларидан озми-кўпми огоҳ бўлиш керак.

Мана бу тўрт мисрага разм солиб кўрайлик:

Хайратингдан кучлироқ қудрат

Мени олиб юрипти кафтда.

Мен шодликни олмайман пудрат,

Югурман қалб билан вақтдан.

Шоиранинг самимияти барқ уриб турган, айни вақтда қандайдир безовта, бўйсунмас туйғулардан йўғрилган бу сатрлар маъносини тўла тадқиқ қилиш қийин. Зулфия табиат билан мунозараларда ўзининг мантиқ кучи билан, маънавий устунлиги, фалсафий асослари билан ажralиб туради. У табиатнинг азалий ва ногихоний шафқатсизликларига қарши, ўлимга қарши очиқ исён кўтаради (шеърнинг: “Табиатга исён” деб аталиши бежиз эмас). “Қалб дардига табиб топмагани” ва ҳеч қачон тополмаслиги қанчалик оғир бўлмасин, уни кураш хукуқидан маҳрум қилмайди.

Аксинча, инсон дардига фожеасига табиатнинг ўзида даво ва чора йўқлиги учун ҳам курашни сабот билан давом эттиради, йўқотганини ўзлигидан, инсоннинг маънавий-руҳий дунёсидан, замондан, замондошлардан қидиради ва топади ҳам. Албатта, унинг топгани, эришганлари табиат ўзи ато этиб, “кўз-кўз қилиб”, яна ўзи “битта-битта тортқилаб олган баҳт”нинг ўрнини босолмайди. Лекин шоира шу сўнгсиз алам учун ўзи билан тақдирдош бўлган, “қалбида қўрғошин билан жаҳонга баҳтиёр боққан” барча кучли, метин иродали одамлар сафига рағбат олади, ўз навбатида уларга табиат бермаган “тоқату камол”и билан, ҳаётбахш қўшиқлари билан хизмат қиласди. Бас, табиат

“хайратидан кучлироқ қудрат” – бу Зулфия курашиб, олишиб топган, яратган рухий-маънавий олам: бу шоиранинг юксак ҳаётий, инсоний ва катта гражданлик эътиқоди; бу ҳақиқий ва ўлмас шеърият туйғуси; бу она ҳалқига, Ватанга ва инсониятга, унинг идеалларига, тинчлик, дўстлик, қардошлиқ идеалларига даҳлдорлик туйғуси... Бу Зулфиянинг ўзлигини кашф қилиши, ўзлигидан юқори кўтарилиши эди. Шоира “қалб билан вақтдан йўғурган шодлик”нинг маъно салмоини ўлчайдиган тош-тарози, унинг асл қимматини белгилаб берадиган меъёр ҳам шу ҳаётбахш омилларда.

“Камалак” туркумига кирган шеърларда тўла маънода шеърий подтекстга эга бўлган, шоир тафаккури ва хаёлининг ғоятда муҳтасар умумлашмаси сифатида яратилган ҳиссий образлар устун мавқеда туради. Уларда шоирона туйғунинг макон, замон ўлчовларига сифмайдиган учқур, түғёнли ҳолатларини кузатишимиз мумкин, биз уларга фақат Зулфиянинг поэтик истеъдоди, поэтик эҳтироси билангина тартиб, қўним, шакл-шамойил бериш, уйғунлик ва мутаносиблик бағишлаш мумкинлигига амин бўламиз.

Албатта, шоира ўрни ва зарурати билан предметли образлардан, конкрет турмуш деталларидан ҳам фойдаланади, уларнинг англатган маъноси ҳар бир китобхонга аён кўриниб туради.

Ботирхон АКРАМОВ

Филология фанлари кандидати.

ИЛҲОМ ЛАВҲАЛАРИ

Адабий тадқиқот, танқидий иш тўғрисида ёзиш тажрибали қаламкашлар уddeлайдиган қийин иш. Биз адабий жамоатчилик, хусусан шеърият мухлислари яхши биладиган, бир канча ёшларнинг устози санаалган таниқли адабиётчининг янги китоби ҳақида ҳукм юритиш эмас, балки оддий китобхон сифатида ўз таассуротларимизни журналхонлар олдида айтиш истагимиз.

Яхши китоб – кўпчилик мулки, ундан ҳамма баҳраланади. Шу маънода, беихтиёр, “Замон, қалб, позиция” эсга тушади. Ёдингиздадир, Озод Шарафиддинов ўзининг бу китобида шеъриятимизнинг салмоқли ютуқларини кайд этиш баробарида, гражданлик журъати билан турли авлодга мансуб катта-кичик шоирлар ижодидаги ожиз, ногирон ҳолларни рад этиб бўлмайдиган далиллар билан кўрсатган, бунинг сабабларини таҳлил килган эди. Принципial танқид ўз самарини беради. Шеъриятимизнинг кейинги йиллардаги сезиларли ютукларида – тажрибали шоирлардаги масъулият туйғусининг кучайишида, ёшларнинг эса ижод бўсағаларидаёқ шеърга талабчанлик билан ёзилган китоблар, мақолалар муҳим роль ўйнаганини тан олмай бўладими? Танқидчининг фикри кўпчилик фикри билан бир жойдан чиқиши керак. Кўпчилик диққат-эътиборини тортган китоб узоқларга ҳам отиб бориши мумкин. Туркманистонда ўзбек адабиёти кунлари “Замон, қалб, поэзия” хусусида илиқ гаплар айтилгани эсимизда. Қирғизистонлик шеър мухлислари уни истаб-сўраб ўқиганларидан шахсан хабарим бор.

Иктидорли танқидчининг янги китоби ҳам жамоатчиликни илгаригидай ўзига жалб килди. Бу табиий бир ҳол. Китобхон кучли, принципial асарларнинг муаллифига ишонч билан қарайди, ундан, албатта, янги гап, янги фикр кутади. Озод Шарафиддинов китобхонлар олдидағи масъулиятни чуқур ҳис этади. У қаерда бўлмасин – талабаларга таҳсил берадими, шеърият мухлислари олдида маъруза қиласадими, матбуотда, бошка оммавий ахборот, тарғибот воситаларида чиқадими, аввало, адабиётимиз, шеъриятимизнинг ғоявий юксаклиги учун, унинг мазмун салмоғи, бадиий расолиги учун жонбозлик кўрсатади. Бунга “Этюдлар”ни ўқиб яна бир бор амин булиш мумкин.

Адабий таҳлилнинг йўллари, усувлари кўп. Озод аканинг ўзига хос илмий-бадиий таҳлил йўсуни бор. У, аввало, майдонни кенг олади, гапни узоқдан, бош масалалардан бошлайди; муҳим манбалар, чуқур илдизлар билан боғланган ҳолда баҳсга киришади. Колаверса, унинг илмий ишларида адабий ҳарорат, аллақандай, сезилмас бир оҳанграбо, майин лиризм бор... Бинобарин, адабий-танқидий ишда асарлардаги умумлашма кучи, мазмун теранлиги булиши яхши фазилат. Уни ўқиб, баҳс килинаётган масаладан

ташкари бошка зарур назарий фикрлар, методологик йўл-йўриқлар билан танишиш мумкин. Шунинг учун ҳам яхши мақолага илмий қисмат берамиз.

Худди шундай, “Этюдлар”да, аксарият ўз характеристидан кўра кенгроқ майдонда баҳс юритадиган мақолалар ўрин олган. Унда турли муаммолар кўтарилади: адабиётнинг ҳаётдаги ўрни, эстетик киммати, Ленини ва адабиёт, ижодий таъсир ва ҳамкорлик масалалари, Абдулла Каҳҳор, Зулфия, Мамарасул Бобоев, Пиримқул Қодиров асарлари таҳлили... Ғоявий умумият, мазмунан оригиналлик, ранго-ранглик уччалик катта бўлмаган китобга салмоқ ва қўламдорлик бағишлайди.

“Этюдлар” автори деярлик ҳар бир мақолани чуқур зарурият, ички, руҳий даъват билан ёзилганлиги сезилиб туради. Зотан, адабий танқид ижоднинг ўзига хос тури, аналитик бир соҳасидир. Унда ҳам илҳом, текширилаётган масалани, адабий жараёни нозик ҳис килиш қобилияти такозо килинади. Умуман, яхши адабий-танқидий асарда ижодкор назари, илғор китобхон таассуротлари, мунаққиддаги ҳақиқат кидирувчи мунозара руҳи аён сезилиб туради. Адабий таъсир, ўзаро ижодий алоқаларга бағишланган “Дўстлик қонуни” мақоласида ана шундай хусусиятни кўрамиз. Ҳозирги мураккаб ҳалкаро муносабатлар вазиятида адабий алоқалар муҳим аҳамият касб этмокда. Муаллиф адабий таъсир масалаларидаги ҳозирги замон буржуа карашларининг илмий баҳодан узоқлигини марксча-ленинча нуқтаи-назарда туриб очиб беради. Турли миллий адабиётлар жаҳон миқёсига чиқаётгани, ғоявий умумият, ўзаро таъсир ва доимий ҳамкорлик заминида жаҳон адабиётининг ташкил топиш жараёни бизнинг мамлакатимизда вое бўлаётгани таъкидлаб кўрсатилади. Биздаги ёш адабиётларнинг улкан ютуқларини тан олишни истамаётган ғоявий мухолифларимизга жавобан чуқур асослар, рад килиб бўлмайдиган далиллар келтирилади.

Автор баҳс мавзуини тобора чуқурлаштириб боради. Бир ёқлама адабий таъсир эндиликда ўзаро ҳамкорликка айланяпти. Бири биридан ўрганишни кизғин ижод жараёнидан ажратиб бўлмайди. Зеро, нимаики юксак, кучли, нафис нарсадан таъсирланиш, таълим олиш ҳамма ижодкор учун баробар, объектив ҳодисадир. Адабиётларнинг ўзаро ҳамкорлиги миллий хусусиятларни инкор килмайди. Миллийлик тушунчаси тарихий тушунча эканини, миллий характер ҳаёт, давр такозаси билан ўзгариб боришини унутмаслик керак. Бирок, ўзгаришларнинг кучидан, кўламидан катъи назар, миллийлик уз моҳиятини саклаб колади, чунки у жуда чуқур, азалий манбалардан баҳраланади, унда ўлмас-йитмас ҳалқ удумлари, анъаналари руҳи, ҳалқ даҳоси, характер хусусиятлари акс этган тил бойлиги яшайди.

Озод Шарафиддинов адабиётнинг йирик, муҳим муаммоларини қаламга олади, етакчи омилларини тадқиқ килишга интилади. Шу маънода “Ўзбек аёлининг тақдири” мақоласини адабиётимиздаги каттагина манбага йўл очадиган бир иш деб ҳисоблаш керак. Ҳакикатда ҳам ўзбек аёлининг тақдири, бизнинг кунларгача босиб ўтган йўли кишини ҳаяжонга солувчи, узоқ, оғир

таассуротлар ичидаги қолдирувчи бир муаммо, айни вақтда катта тарихий мазмунга, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган социал ҳодисадир. Ҳажми унчалик катта бўлмаган мақолада Абдулла Каҳҳор яратган аёллар образи галереяси чизилиши авторнинг илмий иқтидоридан, ижобий тажрибасидан дарак беради. Ҳамид Олимжон 1930 йилларда ёки Абдулла Каҳҳор маҳоратини юксак баҳолаган эди. Атоқли санъаткор ҳар бир аёл образини у яшаган давр муҳити билан узвий алоқада, ўша муҳит тақозо килган ҳақиқат, чуқур мантиқ асосида ишлайди. Шунинг учун ёзувчининг каҳрамонлари киёфасида замон муҳри, шароит муҳри, ижтимоий ўзгаришлар таъсири аниқ чизикларда сезилиб туради. “Этюдлар”да мана шу муҳим хусусиятни кўрсатишга алоҳида дикқат килинади. Абдулла Каҳҳор талантининг қирралари, у тасарруф этган ижодий имкониятлар турлича қисматга, турлича қиёфага эга бўлган аёллар образи мисолида, хилма-хил характерлар силсиласида очиб беради. Озод Шарафиддинов қаҳҳорона топқирлик, юксак маҳорат намунаси бўлган фактларни, адабий муомалага санъаткор адиб янги олиб кирган халқчил деталларни ўрни билан таҳлил килади, ўрни билан шарҳлайди. Шу тариқа Абдулла Қаҳҳорнинг адабиётимизда муқим ўрин олган, ўчмас из бўлиб, бадиий муҳр бўлиб қолган бир сира ёрқин образларига умумлашма илмий баҳо берилади.

Абдулла Каҳҳор “Лит. газета”да эълон килинган мақолаларидан бирида “китоб завқ-шавқ билан ўқилиши керак” деган эди. Ҳар қандай асарнинг ўқишли бўлиши, китобхонни жалб этиши, ийдира олиши унинг дастлабки муҳим ютуғидир. Бу - автор муддаоси китобхонга етиб боришида жуда аҳамиятли. Яхши танқидий иш ҳам шундай хусусиятга эга бўлиши лозим. Адабий танқид ижод жараёнини яқиндан кузатади, текширади, таҳлил килади, бас, ундан таъсирланмаслиги мумкинми? Ижодий кайфиятни, қайнокликни яхши ҳис этган танқидчи ўз фикр-мулоҳазаларини хотиржам, бетараф кузатувчи сифатида эмас, жонкуяр, манфаатдор нуктаи-назарда туриб, самимият ва ҳаяжон билан ёзади. Бусиз ижодий жараённинг аниқ, ёрқин манзарасини чизиш қийин. Озод Шарафиддиновнинг “қалбимизга яқин шоира” мақоласи бетакрор бир шеърият ҳакидаги ҳаяжонли очеркдир. Автор тўлкинланиб, шавқ билан ёзгани учун биз ҳам мароқ, иштиёқ билан ўқиймиз. Муаллиф тилининг жонлилиги, ҳаётий муқоясаларга бойлиги, майин ва равонлиги, умуман, адабий танқид тили ҳакида ўйлашга мажбур этади. Баъзи бир авторларнинг мақолаларида қуруқ фактография, совуқ кузатувчанлик излари бир қолип, бир схемадаги гаплар, сийқа иборалар, зерикарли баён ҳамон устунлик килиб келади. Уларни ноиложликдан ўқийсан киши. “Қалбимизга яқин шоира” руҳидаги эркин, бемалол, кўнгилдан чикариб, ижодкор диди, санъаткор маҳорати билан ёзилган мақолаларнинг кўпайиши китобхонлар оммаси олдида танқиднинг обрў-эътиборини оширади. Бундай мақолалар, шубҳасиз, адабиётимизга янги муҳлислар олиб келади. Озод Шарафиддинов ҳозирги китобхонга малол келадиган умумий гаплардан мумкин қадар қочишга ҳаракат килади. Масалан, Зулфиянинг ҳамиша мукаммалликка, кучли бўлишга интилиши ҳакида гап борганда, ундаги бу

қобилият уста темирчи отасидан таъсирланиш натижасида туғилгани, шеъриятга, нафосатга шайдолик туйғусини шоиранинг онаси үйғотгани чиройли мантиқ, жонли ҳикоянавис тили билан берилади. Зулфия озиқланган адабий манбалар ҳакида яна оригинал фикрлар айтилади. Ҳассос шоира китоблар орқали гўё миллий ва қардош шеърият устозлари билан юзма-юз мулоқотда, сухбатда бўлади. Уларнинг канчалик салобати босмасин, ижод килиш, гўзаллик яратиш иштиёқи тобора кучайиб боради. Мутолаа шеърга, шеър янги мутолаага бошлайди, бу ўзаро алоқа борган сайин чуқурлашади...

Танқидчи шоирнинг ўкиш, ўрганиш, изланиш йилларини ҳар бир ижодкор учун ҳаётий зарурат сифатида асослаб беради. Табиий, шоир одамлар дилдан туйган, кечинган гўзалликларни ҳис этиш, шеърга кўчириш билан кифояланмайди. У ўзигина пайқаши, идрок килиши, илғаб, ажратиб олиши мумкин булган ҳаётнинг пинҳоний гўзалликларини тадқиқ этади, уларга шеърий тус, шакл-шамоил киритади. Ижоднинг худди шу томонларига разм солиш натижасида танқидчи шоира қалбига йўл топа олади, унинг ўзига хос севимли шеърий усусларини, маҳорат сирларини очиб беради. У Зулфиянинг Ҳамид Олимжон хотирасига бағищланган сўнгсиз дард, мислсиз ҳаётий куч, руҳий ғалаён билан ёзилган шеърлари ва уларга баъзи танқидчиларнинг асоссиз ҳуружи хусусида куюниб ёзади. Танқиднинг ҳаққонийлиги, объективлиги принципи шуни тақоза килар эди. Мунаққид бугунги китобхон олдида “тўқмокли танқид”нинг башарасини тамоман очиб ташлаб, бу билан шоиранинг пок, юксак туйғулари, табиий изтироблари ўша “танқид” зарбаларига дош бериб янги олганини, унинг ҳаёт эътиқодига айланганини таъкидлайди. Озод Шарафиддинов Зулфия шеърияти мисолида бадий асар кенг китобхонлар оммаси – ҳалқ учун ёзилишига айрича ургу беради; ҳалқ кўнглини топган, унинг руҳий-маънавий ташналигини қондира олган ижодкор баҳти ҳакида, муҳлислари эъзозлаган, севган шеърият ҳақида ғуур боради, тўлқинланиб ёзади.

Бадий ижод соҳаларидаги каби адабий танқидда ҳам мураккаб, зиддиятли ҳоллар бўлиши табиий. Танқидчи ўз мулоҳазаларини билдиришда ижоднинг турли қийноқларини, ёзувчининг шахсияти, ижодий тақдири, истеъдод даражаси ва имкониятларини ҳисобга олиши, ҳаққонийлик ва принципиалликни инсонийлик билан, олижаноблик билан узвий қўша билиши лозим. Танқид баъзан аччиқ бўлади, аммо танқидий гапни айтишда айтиш бор. Аччиқ ҳақиқатни риоя-андиша билан, чуқур ҳар томонлама мулоҳаза килиб айтиш танқидчининг инсоний ва гражданлик бурчидир. Озод Шарафиддиновнинг энг яхши мақолалари танқиднинг моҳияти ва максадини, ҳақиқат ва баҳс меъёрини танқидчи нозик ҳис килишини кўрсатиб туради. У маълум бир иш устида узоқроқ ўйланган, бор гапни айтишга қийналган вақтларида ҳам самимийлигича колади. Шу маънода “Шоирнинг йули” мақоласи катта куч сарфлаб ёзилганлиги кўриниб турибди Муаллифнинг муҳокама доираси кенг. У иттифоқ адабий танқидчилиги истеъмолидаги “хар хил ва яхши” шоирлар мезони билан иш тутади, албатта, бу масалада турлича

фикрлар мавжуд. Бундан қатъи назар, танқидчи Мамарасул Бобоевнинг адабиётимизда маълум ўрни борлигини тадбиркорлик билан асослашга ҳаракат килади. У шоир ижоди мисолида шеър устида ишлаш заҳматини маҳсус кайд этади. Бу айниқса “ҳар хил ва яхши” шоирлар учун аҳамиятлидир.

Мамарасул Бобоев – ўз овозига, шоирлик муҳрига эга бўлган ижодкорлардан. Унинг “Эрон қалби” поэмаси адабиётимизда шоирдан из қолдирадиган, илҳом мевалари булган асарларидир. Одатда, шоирнинг киёфасини, табиатини тўлароқ очиб берадиган энг яхши асарларга караб фикр килинади, ҳукм чиқарилади. Бу тан олинган бир таомил. Лекин Озод Шарафиддинов шеърият тақдири, шоир тақдири масаласига яна жиддийроқ муносабатда бўлади: шоир ижодидаги етакчи тенденцияларни қузатади, натижада айрим муваффақият қозонган асарлар билан кифояланмай, унинг бутун шеъриятига хос сифатларни излаб топишга, ажратиб кўрсатишига интилади. Шунинг учун шоир ижодидаги турли қийинчиликлар, уларнинг сабаблари устида тўхталади, шубҳасизки, баъзан ўзи ҳам қийналгани сезилади. Сабаби, унчалик муваффақиятли чиқмаган бўлса-да, озми-кўпми ижодкор меҳнати, кучи, асаби сарф этилган, озми-кўпми шоир кўнглидан қур, ҳарорат олган шеърлар ёки шеърий парчаларни чидам билан текшириш, уларни лозим даражада баҳолай билиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шеъриятга, шоир меҳнатига камоли эътибор билан қараш танқидчининг баланд ҳимматидан далолат беради. Анча муракқаб бўлган Мамарасул Бобоев ижоди ана шундай олийжаноб ҳис, туйғуси билан тадқиқ килинганки, буни кўп жиҳатдан ибратли иш деб, ҳисоблаш лозим.

“Этюдлар”, ниҳоят, “Қора кўзлар” романидан баҳс очади. Худди тоғ қишлоғи табиатидай асл, тиник белгиларга, янги фазилатларга бой бўлган роман уни иштиёқ ва мамнуният билан ўқиган китобхондаги самимият, софдил, холис танқидчига хос талаблар асосида баҳоланади. Бамисоли “Қора кўзлар” ҳакида сиз ҳам бир қадар кўнглингиздан ўтказган гаплар айтилади. Даъволар муҳим, кучли, атрофлича асосланган. Озод Шарафиддинов роман мисолида ёзувчи ҳакида, йирик прозамиз ҳакида, маҳорат масалаларига оид бугун айтиш мумкин булган зарур фикр, гапнинг лўндаси, салмоқдори нималардан иборат эканини чуқур идрок килади, юрақдан ҳис этади. Ёзувчи олис, кичик бир қишлоқдаги кундалик ҳаётдан китобхон учун муҳим, манфаатли, ибратли мазмун, кучли бадиий ҳақиқат яратади олган, қатор ижтимоий, ахлокий муаммоларни кўтарган. Танқидчи роман воқеалари тасвири, қаҳрамонлар характерининг жозибали чиқиши сабабларини таҳлил килади, бадиий фактларни конкрет ҳаётий омиллар билан муқояса этади. Романда акс этган, ёзувчининг тафаккурида қайтадан яратилган ҳаёт зоҳирان қараганда одатдаги кураш, зиддиятлар билан кечади, лекин моҳият эътибори билан, конкрет ҳолда ҳар бир ҳаракат, ўзгариш, тўқнашув, руҳий кайфият ўзининг табиий заминида, мантиқий ривожида, бетакорор кўриниши билан содир булади. Шунинг учун мардлик билан худбинлик, ҳалоллик билан ҳаромтомоқ ўртасидаги муросасиз зиддият, эски ва янгича ахлок орасидаги

тафовут – бу аввалдан маълум ҳақиқатлар ҳам янги усулдаги кураш, янги характердаги ҳодисалар тарзида бизга қучли таъсир этади. Мақола автори роман таҳлили давомида қуйидаги умумлашма фикрни илгари суради: ҳаёт ҳодисаларини шунчаки қайд қилиш, шарҳлаб бериш билан эмас, балки уларнинг замиридаги ҳақиқатни, ички алоқаларни, табиий, доимий белгиларни, уларнинг яшаш, ривожланиш жараёнини тадқиқ ва таҳлил килиб бериш билангина чинакам санъат асари яратилади.

“Замон, қалб, поэзия” сингари “Адабий этюдлар” ҳам ижодий журъат маҳсулидир. Кизғин мунозара руҳи, дадил фикрларни илгари суриш китобнинг қимматига қиммат қўшади. Лекин ҳар тўқисда бир нуқсон деганларидек, баъзан чуқур асосланмаган дадиллик беихтиёр, субъектив мулоҳазалар айтиш кайфиятини туғдириши мумкин. Бу, бизнингча, “шахсга сифиниш йиллари” деб аталган даврга муносабат билдиришда кўзга ташланади. Чунончи, Зулфия ижодига бағишлиланган очерқда “тўқмокли танқид”ни тўла характерлаб бериш истаги бир мунча эмоционал тус олган эди (99 бет), бу “Шоирнинг йули” мақоласида тағин жойда (120, 129 бетлар) таъкидланиши ортиқча туюлади. Умуман, бу хилдаги қараш (“ҳамма нарсани бир томонлама, бўяб кўрсатиш тенденцияси” каби иборалар) айниқса тажрибасиз китобхонлар назарида, 1956 йилгача бўлган адабиётдаги салмоқли ютуқларга, адабий танқиддаги маълум ижобий томонларга соя ташлаши мумкин.

Китобдаги жузъий камчиликлардан “шеърнинг лирик каҳрамонлари” (137 бет), “қолоқ ҳалклар” (46 бет) сингари номавзун ишлатилган таъбирларини кўрсатса булади.

Ҳозир Озод аканинг ижоди, фаолияти айни қиёмида, роса куч олган палласи. Кувватга тўлган одамга, табиий, зиёдроқ умид боғлаб, каттарок талаблар кўйилади. Истардикки, ҳассос ва забардаст танқидчининг ижодий самаралари янада юксакроқ, янада салмоқлироқ бўлса. Зотан, шоир таъбири билан айтганда, “пайсаллашга вақт йўқ”.

Ботир АКРАМОВ.

Я. ҚОСИМОВНИНГ “ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИЛА ПОЭТИК ФИКРНИНГ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИ” МАВЗУИДАГИ ДИССЕРТАЦИЯСИ ХАҚИДА

Умуман шеърият, хусусан рубоий-лирик шеър табиатан хуштабъ, дақиқ муроҳада, зариф тафаккур салоҳиятига эга бўлган мухлислар идрок қила оладиган нағис санъатлардан бири, балким биринчисидир. Хоҳ соҳир шоирлар, хоҳ зукко тадқиқотчилардан шеъриятни бамисоли мусиқадай олам мўъжизаларидан деб билишлари бежизмас. “Эҳтимол, ноҳақман, эҳтимол, ҳоқмон, лекни мен муқаддас сўзни изларман”, дейди журъаткор ҳақ сўзи, ҳурфикр шеърияти билан тан олинган шоир Рауф Парфи. Унинг: “Шоир, шеър айтмоққа сен шошма фақат улуғ Алишернинг қутлуғ тилида” (“Она тилим”), “Нечук қисмат эрур. Шоир қисмати? Тушларимни бузар ҳазрат Алишер” (“Чўлпон”), “Маломат тошида очилған бир гул, Дам ўтмас кулар ул, дам ўтмас бўзлар” (“Шеърият”) каби дардли-сўзонли мисралари орқали том маънодаги шеър санъати ҳақида, фақат шеъриятга хос нуқтадон маънолар, фасаҳатли сўзтимсоллар ҳақид1а, шоир тасаввур туғилади. Авваллари адабиётшунослик, шу жумладан, шеършунослик ана шундай бирламчи, хосу ноёб аломатларни иложсиз четлаб ўтарди.

Тангрига шукрким, адабиёт илми сиёсий тазиқлар, мафкуравий монеликлар кишанидан халос бўлар кунлар бизга ҳам насиб этди. Шеърият ҳақида, унинг хос табиатидан келиб чиқсан ҳолда, биринчи галда санъат асари, бадиият маҳсули сифатида ёндошувчни, Навоий таъбири билан айтганда “сўз гуҳари”нинг асли-зоти, саъжиясини идрок этиш, шу заминда “маъни гуҳари”, яъни шеър замиридаги ғояни таҳқиқ этишни аста-секин бўлса-да ўогана, ўзлаштира бошладик.

Иқтидорли мунаққид, ёш олам Яшар Қосимовнинг “Ўзбек шеъриятида поэтик фикрниң янгиланиш жараёни” мавзуидаги номзодлик диссертацияси адабий-танқидий иқлимидаги бугунги эркинлик насимидан баҳравар, соғлом фикр изланишлари самарасидир. Танланган мавзуу, унга асос қилиб олинган мақсад-муддао асримиз шеърияти такомилининг янги босқичи-60 йиллар авлоди ижоди мисолида олиб борилган тадқиқот натижасида эришилган илмий ҳақиқат-назарий хулосалар тадқиқотчининг ўз ишига профессионал ҳалоллик ва билимдонлик билан ёндошганидан далолат беради. Чунончи (авторефератдан ҳам англашилиб турганидек), “Янги лирик қаҳрамоннинг эстетик мавқеи” деб номланган биринчи бобда шеър руҳидаги, қаҳрамон дунёсидаги янгиланиш-умуман бадиий-эстетик принциплардаги муайян ўзгаришлар, олайлик, ҳақиқатни, майли, рамзий усулда айтиш борасидаги изтиробли уринишлар, руҳий покланиш йўлидаги дастлабки қадамлар, шунингдек, услубий изланишлар характерли мисоллар таҳлили орқали очиб берилади. Хусусан, рубобий шеър қаҳрамони туйгуларининг самимияти, баҳоли имкон ростликка интилиши, зўраки тамойиллардан, хомтамаъ

васфгўйликдан халос бўла бориши, билъакс, том маънодаги миллий ғуур, улуспарварлик қайгуси, диссертант таъбирича, “инсоний Дард... дардман Сўз”га айланиши собиқ Иттифоқ шеърияти намуналари билан қиёсий таҳлил орқали ифодаланади.

Иккинчи боб (“янги ўзбек лирикасида шахс жамият концепцияси”)да, диссертант таъбирича, “етакчи образ-кечинма – Изтироб” таҳлили ўрин олган, унда асосан хурриятимиз, миллий Истиқлолиятимиз қурбонларига, бошқа жафокаш шоир-адилюлар хотирасига бағишланган кучли шеърлар инсонлик ва олимлик куюнчаклиги билан, миллат ва адабиётнинг туб манфаатлари учун дилдан қаёғуриш туйгуси – эҳтирос ва дард билан таҳқиқ этилади.

Хуллас, мазкур тадқиқот лозим илмий-назарий талаблар даражасида, профессионал дид ва масъулият туйгуси-ла олиб борилганбардавом кузатишлар, изланишлар самараси эканлиги (бу муаллиф эълон қилган мақолалар ва рисоланинг юксак савијасидан ҳам билиниб туради) ҳеч шубҳа туғдирмайди. Ишни муносиб тақдирлаш, тўла хайриҳохлик билан маъқуллашга етарли асос бор.

Фақат истак тарзида баъзи танқидий мулоҳазаларни айтиш мумкин. Уларни иқтидорли олим келгуси ишларида эътиборга олса ажаб эмас. 60-йиллар поэтик авлоди учун намуна – улгу сифатида олинган устоз шоирлар сафида, олайлик, ёш шоираларга беназир мураббия мақомидаги Зулфия ва Саида Зунуновани, шунингдек, “99 миниатюра” китобидан бошлиб шеъриятимизга янги оҳанг, янги услубий йўналиш, ҳақиқий, бетакрор фалсафий-лирик тимсол-образлар, янги-янги шеърий туркумлар (хусусан, қатра шеърлар) тизимини олиб кирган, ёш талантларга, эҳтимол, энг кўп устозлик қилган, бевосита ва билвосита маслаҳатларини аямаган Асқад Мухторни, ақалли тилга олмай ўтиш қандоғ бўларкин?.. Иккинчидан, 60-йиллар авлоди ижодида Изтироб образлари етакчилик қилади ёки ҳақиқатни айтишининг деярлик ягона йўли онага бағишланган шеърий номалар эди, қабилидаги фикрлар, камида, бирёқламалик эмасмикин?.. Ниҳоят, авторефератда “янгича гоявий-эстетик мезон деб ёндошиш ҳам ушбу тадқиқот муаллифи тарафидан олға сурилган”, “илк дафъа илмий тадқиқотга жалб этилади”, “чорак аср олдин рўй берган мұхим ўзгаришлар биринчи марта” (!)... каби бахсталаб жумлалар мавжуд...

Истак тариқасида билдирилган бундай мулоҳазалардан қатъий назар, Я.Қосимовнинг “Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгиланиш жараёни” мавзуидаги тадқиқоти номзодлик диссертацияси талабларига жавоб беради. Диссертант Яшар Қосимов филология фанлари номзоди илмий даражасини олишга маънавий ҳақлидир.

Ботирхон АКРАМ,
Филология фанлари доктори, профессор.

ТҮҒРИ СҮЗ МУШКИЛОТИ

(Шукур Холмирзаевга очиқ хат)

Азиз Шукуржон ! Ҳайрон бўлманг, камина истеъдодингизнинг ихлосманд муҳиби сифатида каттаю кичик насрингизни образли тафаккур уфуриб турган мақолоту субхатларингизни канда қилмай ўқиб бораман, Оллоҳ насиб этса, шеърият таҳқики, танқиди сарҳадидан ўтиб, сиз каби туғма носирларимизнинг тасвирлаш санъати ҳақида – мени кўпроқ образли тил, сўз фасоҳати қизиқтиради – ёз арман ҳам.

Не ажабки, “Адабиёт ўладими?” сарлавҳали маърузаномагизни (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1992 йил, 10 апрел) ўқирканман, баъзи жумлаларингиздан кўнглимда иштибоҳ тугуни пайдо бўлди: “Нахотки?..” Анча вақт ўйланиб юрдим, ниҳоят; менга очиқ хат ёзиш мақбул ва матлуб. Мақолангиздан узунроқ кўчирма олиш эҳтиёжи бор: “Шу ўринда бир ажиб ўхшашликни эслайсан киши... Дейлик, ўзимизнинг хонларимиз замонида ҳам “сарой шоирлари”деб аталмиш ижодкорлар ҳар тарафлама ҳурмату рағбатда бўлишдан... Бироқ барча Ҳокиму Ҳокимиятга хос бўлган ҳалиги сифатни – ҳалқнинг ичидан чиққан энг иймонли ва виждонли, баъзилари энг иймонсиз ва виждонсиз адибу шоирларни ўз бағрига тортгани айни қонуният бўлганини унутмаслигимиз керак”. Ажабо, шунчалар тафовутли икки давр “сарой адабиёти” муҳитини ўзаро таққослаш ва айниқса, “адибу шоир”га муносабатда мутлоқ ўхшашлик кўриш, бу – “барча Ҳокиму Ҳокимиятга хос... айни қонуният”деб хукм чиқариш... Каминанинг фикри ожизимча, кўчирилган жумлаларнинг контекстида ҳам, қиёсий нисбат унсурларида ҳам (чунончи, “энг иймонли”, “энг иймонсиз”) ақлни шоштирадиган зиддият сезилади...

Заковатли ўқувчига сир эмаски, ўтмишда сарой шоирларига аксарият маърифатли “Ҳоким” шахсан хомилик қилар, ўзи хуштабъ, серқирра ижодкор (шоир, муғаний, навозанда) сифатида улар билан ижодий мулоқотда бўларди. Ҳазрат Навоийдан битта байт келтирай: “Хуш улки, базмда ойлар тепарда арғуштак, Шоҳ анда танбур чолиб, Навоий деса қўшиқ ”. бу жиҳатдан уларга асримиз “Ҳоким”ларини қиёслаб бўлармикин? Иккинчи тафовут – баайни ҳамма даврлар учун қонуният бўлган, “шоирларни ўз бағрига тортган” саройдаги маданий муҳитга дахлдор. Менимча, на “Ҳокимият” қузатган мақсадда, на ижодий ишга муносабатда, хусусан, шоир қадрини, бадиий асар қимматини билиб баҳолашда “ўхшашлик” бор. Бильякс, аввалгисида неча аср, эҳтимол, минг йил бардавом қутлуғ анъана-сўз нафосатини тушунишга, айрича қадрлашга асосланган хос қонуният, қолаверса, мусулмон эътиқоди, инсоф-тавфиқ, ўзаро маънавий яқинлик, меҳр-оқибат, ижодий ҳамкорлик, лутф, назокат, андиша, тавозу ҳукм сурган. Мен шоир-султонларнинг шахсий ташаббуси, раҳнамолиги, улуспаварлиги туфайли кейинги авлодлар қайғусида

– бизлардек муносиб ва номуносиб, мерос қадрини билган ва аксарият қадртуйғусидан мосуво этилган ворисларга ёдгор қолсин деган муборак истак билан бебаҳо қўлёзмалар-оригинал ва таржима асарлар: илоҳий китоблар, тарих жилдлари-солномалар, адабий-бадиий қуллиётлар, баёзлар, мажмуалар, тазкиралар ва рисолаларга тартиб бериш, уларни камоли ихлос муҳофаза этишдек олийжаноб, босавоб саъий-ҳаракатлар ҳақида ўйлаганимда ҳаяжон, ҳайрат, ғуур, шунингдек, алам, армон, ўқинч туйғуларини кечираман. Бироқ ҳозиргиси 1991 йилгача – миллий истиқлолимиз эълон қилинганда қадарли “сарой”га келсак, унинг очиғи, бадиий ижоддек мўъжизакор, нафису дақиқ, шахсий-индивидуал, дахлсиз бир соҳага мисли кўрилмаган худписандлик, димоғдорлик билан аралашиб, тўраларча фармойиш-азмойишлар бериб қилган зўравонликлари, бундай бешараф, номурод сиёсатнинг оқибат ва асоратлари ҳаддининг ҳисобини ёлғиз Оллоҳнинг ўзи билади. Бадиият, санъат қонунларини тушунишдан узоқ бўлган бундай муҳитнинг алдамчи қаллоб идеалларга асосланган моҳиятда ғайри-эстетик (синфий-мафкуравий в.б.), буюртма мавзу, буюртма образнинг қаҳрамонлари туфайли хоҳ саройга яқин, хоҳ ундан узоқ не-не нодир истеъдодлар забун бўлганини ё бирёқлама қисматига гирифтор этилганини Сиз яхши биласиз, теран идрок этасиз...Зеро ўртадаги рад этиб бўлмас тафовутни қуидаги жумлаларингиз тасдиқлайди: “Қолаверса, кеча қулаган каби истибод тузуми оламда ўтмаган! Ахир одамзоднинг иродасини букиш, руҳини синдиришга қурилган тузум эди.” Бас бу тузум-тартиботнинг “сарой шоирлари” аҳволи-руҳиясини, қисматини шоҳ-шоирлар замонидаги улуғ салафлар дунёси билан “ўхшаш” деб бўлармикин? Учинчи тафовут – Сиз тавсифлаган “энг иймонли ва виждонли, баъзилари энг иймонсиз ва виждонсиз адибу шоирлар” хусусида. Аввало, ўтмиш “сарой шоирлари” орасида (мен уларнинг барчаси Хизрсифат вали зотлар эди, деёлмайман) “энг иймонсиз ва виждонсизлари” бўлиши...бундай хаёл комил мусулмон элимизнинг, хусусан, бадиий сўз-фасоҳат аҳлига муносабат борасида асрлар синовидан ўтган барқарор устувор анъаналари ҳақи-хурмати, илоҳий, ахлоқий эътиқодлари, дунёвий эътимодлари руҳига хилоф эмасмикин? Борингки, ўша шуаро аҳли орасида “энг иймонсиз ва виждонсиз” эканлигини риёкорона яшира олган, макр-хийла, афсун бобида пири Сомирийни лол қолдирган устомонлари ҳам (“Қайси соҳирким деди: Сомирий шогирдимен, Деди ғамзангким: “Эрур шогирдим-устозинг сенинг” – Навоий ”) топилиши мумкин, деб фараз қилайлик. Шунга қарамай, мен на малик уш-шуаро – сарой шоирлари раиси, на шоир шоҳнинг ўзи “энг иймонсиз” ижодкорни ажрата билмайдиган даражада гумроҳ бўлганларини тасаввур қилолмайман.

Бироқ энг қалтис томони – ҳозирги сарой “ўз бағрига тортган” ё тортмаган шоиру адибу мунаққидларнинг қай бири “энг иймонли” ё “энг иймонсиз” эканлигини бирор пирназар зот шак-шубҳа қилмасдан айтиб бера олармикин? Ўзингиздан қолар гап йўқ: аъмолимиз ва насибамизга мислсиз бўхронлар, алғов-далғовлар замонию, ҳақ-ноҳақ, поку нопок, савобу гуноҳ, айқаш-уйқаш-аросатли бениҳоят зиддиятли қарашлар, манфаатлар,

тамойиллар мұхитида яшащдек бағоят чигал мубҳам қисмат битилган бўлса, на чора?

Мени маъзур тутасиз, бундай аламнок оҳангда сўзлашим бежиз эмас. Тангрига шукур, сўнгти йилларда қатор демократик ўзгаришлар, янгича тафаккур, ижодий фикр ва сўз эркинлиги шароитида ҳеч нарсадан қайтмас, ҳеч кимни писанд қилмас дахрий мафкура кишанларидан халос бўлиб боряпмиз. Бироқ бу дастлаб тасаввур қилганимиздан кўра уқубатли, мураккаб психологик жараён эканлиги сабабли ўз-ўзидан жавоби мушкул саволлар туғилади. Айтайлик, ижтимоий янгиланиш, руҳий покланиш мавзуида ёзаётган истеъодли (хоҳ “сарой”га яқин, хоҳ ундан узоқроқ) шоирларнинг шеърияти билан уларнинг шахсияти, маънавияти (биринчи навбатда, иймон-инсофи) ўртасида муайян уйғунлик мавжудми? Улар чиндан ҳам покланиб, эрксизлик йиллари ёлғонидан қутила олдиларми? Эндиликда, миллий истиқлол шароитида ҳақиқатни баралла айтиш, халқ дардларини “куйиниб сўзлаш” (Рауф Парфи) учун жасоратлари етардими? Турли авлодга мансуб иқтидорли шоирлар орасида кечаги куннинг “чала ҳақиқат”, келишувчанлик каби аянч асоратлари барҳам топадими?

Виждонни ўртаб, азоблайдиган бундай саволлар оз эмас. Сиз “адибу шоирлар” иймонидан гап очганингиз учун ҳам ҳурфиқр ркус адибларидан бири топиб айтган “икки виждон” психологиясига оида, ўша кезлар оғизга тушган бир ҳамду сано сўзини эслаб ўтиш жоиз деб ўйлайман. Донлик қозоқ ўрисларнинг дунёга машҳур ёзувчиси Шолохов “темир иродали йўлбошловчи Иосиф Сталин” (Горъкий таърифи)нинг кекса тарих билмаган мудҳиш айблов ва жазо усуllibарига қандай чап берган бўлса, ленинчи реформатор Хрушчевни шундай устамонлик билан ҷалғитган эди: “Мен қалб амри билан ёзаман, қалбим жонажон партиямга мансуб.” Ўша “икки виждон” дунёқараши ва ахлоқи нафақат чапдаст адиблар, балки қанча соғдил талантлар заволига сабабчи бўлмади, уларни баҳтсиз қисматнинг айбсиз айборига айлантирмади?! .. Алам қиларли жойи шундаки, адабиётдек хос, индивидуал-шахсий бир соҳага нафақат ҳақсиз-асоссиз аралашган, балки бу муқаддас хилқат – нафосат оламида истаганча бедодлик қилган большевизм раҳнамолари касоратига қадимий сўз санъатимиз, унинг ҳақиқий истеъодли намоёндалари маломатга қолди.

Хулласи қалом, нарсаларни ўз номи билан атайдиган бўлсак, жафодийда адабиётимиз сафларида табиатан ҳалол-пок, номус-диёнатлилар тоифаси-қўрқитилган сазойи қилинганлар, эркин овози, мустақил фикри тафтиш остига олинганлар, ноилож суқут сақлаганлар бор. Ва аксинча надоматлар бўлсинки, ҳукмрон сиёsat, ягона мафкура хизматида ҳамиша камарбаста турган, “ижтимоий буюртма”нинг қойим ижрочисига айланган, вазиятга қараб, ўз миллати, тарихи, аждодлар хотироти оламида, тили, адабиёти, ҳамкаслари олдида хиёнат қилишдан қайтмаган, шахсий ҳузур-ҳаловати, ношариф унвону мукофотлар учун иймон-виждонидан айрилишдан қўрқмаган ножинслар тоифаси ҳам бор. Биз бугун “адибу шоирлар”нинг ҳар

икки тоифасига бирдай аёвли, кечиримли бўлишга даъват қилсак, виждоннинг ҳам ҳоли не кечади ?!

Мен Расул Ҳамзатовнинг ҳасбу ҳол китоби “Доғистоним”дан ибратли бир парча келтирмоқчиман: “не знаю, промтили ли меня за те мои стихи дагестанцы, не знаю, простила ли за них тень Шамиля, но сам себе я их никогда не прощу. Мой отец говорил мне: не трогай Шамиля. Если тронешь до самой смерти не будет тебе покоя”.

Майли, баҳс шу ерда итномига етгани яхши.. Зеро Навоий ҳазратлари айтган эканлар: “Ўз вужудингга тафаккур айлагил”. Зора айрим шоиру адибларимиз улуғ пири муршид сўзлари мағзини чақиб кўрсалар. Қолаверса, бу барчамиз - эл улусимиз, миллиятимиз қисматига битилган фожеа – тарихда мисли кўрилмаган алданиш, адашиш, сўқирлик ваҳшати; Қодирийлару Чўлпонлардек ноёб сўз санъаткорлари, покдомон зотлар шуурини, тафаккурини ҳам бамисоли сехр-жоду (магия) билан чалғитган сароб ғоялар, идеаллар ёлғони; энг аянчли ва даҳшатлиси - ихтиёрий қуллик, мутелик...

Бундай мислсиз ижтимоий баҳтсизлик, тарихий йўлсизлик, саргардонлик дардларига фақат Ҳақ таолодан ҳидоят, унинг Вақт отлиғ ҳозиқи табиидан нажот умид қилиш мумкин...

Сўнгги тилагим: илоҳим, янги мулоқотимиз яхши муждаларга, баҳайру босавоб амалларга, чунончи фасоҳатли сўз мавзуига буюрган бўлсин.

Қизгин салом, самимий эҳтиром ила:

Ботирхон АКРАМ.

Филология фанлари доктори.

Фожеона (кичик сарлавҳа)

Хозирги шеъриятимизни том маънодаги драматизм, трагизм руҳидаги тимсол-образлар билан бойитган Рауф Парфи (унинг “Чўлпон, “Туркистон ёди”, “Шоир”, “Санъаткор” каби ўнлаб шеърлари ҳали муносиб баҳолангани йўқ), Абдулла Орипов, Муҳаммад Солиҳлар билан изма-из ёнма-ён бориб, ўзбек адабиёти, хусусан, шеър санъатида ўзининг мустақил йўлини, хос поэтик дунёсини яратган Усмон Азимовнинг халқона-баҳшиёна, орифона ва ошиқона туркумлари қаторида фожеона шеърлари маҳсус тартиб билан таҳлил қилишга тўла асос беради. Чунончи, “Сарбадорлар қўшиғи”дан айрим мисраларни кузатайлик (шеър оҳанг-усул эътибори-ла баҳшиёна туркумига киради):

**Бизнинг дилимиз – ёрда,
Бизнинг қўлимиз – корда,
Кору Ёрдан айрилар –
Тортинг бошимиз дорга!
Тортинг бошимиз дорга!**

Мумтоз адабий меросимиздан озми-кўпми баҳравар, маърифатли ўқувчи англаган бўлса керак: салтанату таж-тахтни истибод ва зўравонлик таянчи деб билгани учун ҳам уни тан олмаган, “Ё озодлик ё ўлим!” шиори билан муқаддас кураш йўлида жонини тиккан сарбадорлар пири муршидларига эга бўлганлар. Масалан, улар улуғ валилардан Хожа Баҳовуддин Нақшбандий илгари сурган ўнларча руҳий-илоҳий ва дунёвий-ахлоқий даъват-қоидалардан бири (Соҳибқирон Амир Темур ҳам ихлос қўйган, дастуриламал деб билган): “Дил ба ёру даст ба кор” сингари пурмаъно шиорга бамисоли Қуръон оятларидай сомеъ бўлиб, эътиқод билан қарганлар. Илло, улар учун “кору Ёрдан айрилиш” ўлим билан teng эди. (ҳалол-пок, заҳматкаш кишилар қўли ишдан-мехнатдан узилишини тирик фожеа деб, худди шундай кўнгилнинг ёрдан-севимли қишидан, кенг маънода, имон паноҳи – Оллоҳ ёдидан айрилишини ўлим фалоқати деб билганларига шубҳа қилиб бўлмайди). Шеърнинг қуидаги валиёна ҳазину умидбахш мисралари сарбадорларнинг тарихий жасорати моҳиятда халқимизнинг фақат ўтмишигагина даҳлдор эмаслигидан далолат беради:

**“Қайт! ” дедингиз “қалб” дедик,
“Айт!”дедингиз, “ҳақ”дедик.
Бошимиз дорда туриб
“Жон”демадик, “халқ” дедик,
“Жон” демадик, “халқ” дедик.**

Биз “қалб” сўзини фақат дунёвий маънода талқин қилиб одатланганмиз, иложи бўлса, “ҳақ” каломини ҳам (тўғри, рост маъноларида). Ҳолбуки, бу сўзлар ботиний-рухий теранлиги, илоҳий юксаклиги, муқаддаслиги билангина чин инсоний маъно, ҳаётий-дунёвий қиммат касб этиши мумкин. Чунончи, “қалб” сўзи ислом фалсафаси ва ахлоқида ҳам, тасаввуф тариқатининг, эҳтимол, барча оқимлари ва мактабларида ҳам, аввало, ўзликни англаш, одамнинг аслизотини, рухиятини тушуниш, сўнgra, ҳаммасига қодиру холик, сарвари коинот – тангри илоҳийни таниш, тан олиш, унинг чиндан ҳам (оламнинг сирли чексизлиги, абадий ва тинимсиз ўзгарувчан моҳияти, мўъжизакор рангинлиги, бошқа фавқуллодда ғаройиб жозиба қонунлари) “кудрати улуғ, карами кенг”лиги сабабиятини фақат дилдан-қалбдан идрок этиш мумкинлиги каби ботиний маъноларни ҳайратомуз тарзда ўзида жамул-жам этади – мужассамлантиради. Лекин бу сўзнинг умумий талқини “Ҳақ” каломини муқаддас оятлар, ҳадислар билан кунига неча бор тилга олган сарбадорлар учун “қалб” нечоғлик чексиз рухий ҳилқат, эҳтимол, азал ва абад (ўлим билмаслик) билан ўлчанадиган сирли-мўжиз рамзий атамадир.

Хуллас, “қалб” ва “ҳақ” сўзларига юксак самовий (демак, боқий) маъно берган, ҳурфикрлиги билан кучли ва комил сарбадорларнинг “Жон демадик, “халқ”дедик” сингари пурҳикмат, сўзонли қасами- ниоси, мана орадан олти аср ўтибдики, ҳамон бугунги кун садосидай (асрлар акс-садоси бўлиб) янграшининг сири шинда бўлса керак. Зеро эркпарвар аждодлар шоҳлик салтанати зиддига фавқуллодда журъаткорлик билан улуғлаган “халқ” каломи бугун тоталитар тартибот ва даҳрийлик империясининг тарихан ўзини оқламаган сохта даъволарига қарши ошкора курашда майдонга ташланадиган “Эрк”, “Мустақиллик” сўзлари билан руҳан муштарақ эмасми? Моҳиятан “Сарбадорлар қўшиғи” (чунончи, Рауф Парфининг “Туркистон ёди” манзумаси каби кучли шеърларнинг ҳозирги рухий покланиш, миллий Уйгониш муҳитидаги маънавий-эстетик зарурати шундай рўй-рост талқинни тақозо этади.

У.Азимовнинг мактабдош ўртоғи хотирасига бағишлиланган сарлавҳасиз бир шеърида руҳан Р.Парфининг “Абдуллажон марсияси”ни ёдга солувчи шундай мунгдор мисралар бор:

**Осмонга тикилдим хаёлим оғиб –
Бир парчаси булут, бир парчаси – кўк...
Тошларга термулдим юрагим тўлиб,
Йўқ, улар дардини менга айтмайди.
Дўстим, қай қўшиқни айтмоқчи эдик,
Саволим тинглару сесканмас замин...**

Улар мактаб саҳнасида жўровоз бўлиб қўшиқ айтган маъсум болаликнинг қайтариб, излаб топиб бўлмас бебаҳо, шавқу-сурури бир жаҳон дамларини,

айниқса, жудолик ва ёлғизлиқда, үксик мотамсаро ҳолатда эслаш қанчалар оғир! Ахир ўша бокира дақиқалар ёруғ хотира бўлиб қолиши, уларни эслаб бир сўзлаб, бир кулишадиган, балким, энди бошқача вазмин-босиқ, майли, жарангиз бўлсин ё хиргоҳи усулида такроран айтишиб, яна хаёлга, лаззатли сукутга толадиган мастона соғинч-эсталикларнинг нашъали лаҳзалариға айланиши ҳам мумкин эди... Лекин надоматлар бўлсинки, ўша азиз синфдошлиқ йиллари фожеъ хотираға айланди:

**Елкамга оҳиста кафтин қўйди тун,
Ўйладим, куйламоқ тобора қийин...
Мен бугун куйладим иккимиз учун...
Бойсун қирларида бир ўзим кездим.**

Ҳазин оҳанги билан ҳаққоний, гўё ўша болалик чоғларидан дилда сақланиб қолган, беғубор самимияти билан жозиб бу мисралар бизни ҳам беихтиёр ўйга толдиради. Турмуш ва қисмат деб ҳудудсиз, аёвсиз ғамташвишлар, уриниш-суриниш, юзма-юз ё пинҳоний курашлар, алданишлар, хатолар, ғофиллигу гумроҳликлар овораси-исканжасида зоҳирان унутаёзган (соғлом ақл, уйғоқ виждон эгаси унутиши мумкин эмас, дил қатида, ботинида эъзозлаб сақлайди), болалиқ, мактабдошлиқ ўртоқлари билан бирга кечирган турфа ҳодисалар, саргузаштлар, ҳангомалар, эҳтимол, “жасорат” ва “кароматлар” ёдимизга тушса не ажаб (болалик жўралардан кимдир фожеали, кимдир бедаво хасталик туфайли оламдан бемаҳал кўз юмган бўлиши мумкин)? Хуллас, намуна кўчирилган шеър инсоннинг болалик чоғлари ҳақидаги унутилмас хотиралар ҳақида, умуман умр йўллари, манзиллари, уларнинг маъноси, қадри ҳақида ўқувчига маълум руҳий озиқ, маънавий сабоқ воситаси (майли, мўъжаз-миниатюр лавҳада бўлсин) сифатида эътиборни тортади.

Шоирнинг тўрт қисмдан иборат “Куз” шеърида мунгли оҳанглар азал ва абад ҳақидаги фалсафий хаёллар тарзида ифодаланади.

**Дунё рўйи бунчалар азиз –
Термулдимми – йиғи томоқда.
Тириклиқда висол йўқ ҳаргиз,
Келгандайман видо айтмоқقا.**

Нега, нега энди “бунчалар азиз”, “дунё рўйи” шоир қаҳрамонини бирдан видо айтмоққа мойил-маҳзун қилиб қўйди? –деган савол туғилиши мумкин. Ҳа, “дунё рўйи”, бу коргоҳ вазъи (Навоий)- сирли-сехрли кўриниш ҳар доим ҳам, тўғрироғи, ҳар кимга ҳам бирдай шавқу рағбат баҳш этавермайди. Буни, айниқса, ҳаётнинг аччиқ-чучугини, иссиқ-совуқ ва яхши-ёмонини озми-кўпми бошидан кечирган одамгина тийрак идрок қилиши мумкин. Ўз-ўзига: “Нега дунёга келдинг?” (М.Солих) каби жиддий савол бера олган, умр маъносини

бир қадар англаб етган одамга, масалан, вақт отлик баҳоси йўқ, ғанимат баҳтнинг елдай сездирмасдан ўтиб бориши ёки олам уммонининг чексизлиги, сирли жозибаси қийноқли хаёлга толдирмайдими?

Кўнглим чексиз дардларга тўлар,

Бору йўғим Вақтнинг кўйида.

Ў, осилиб йиғласам бўлар.

Теракларнинг узун бўйига

Халқимизда, айниқса, ногиҳоний босиб келган бало, мусибат зўришиддатидан ўзини тутолмай, энг яқин, чин дўсту аниш кишининг кифтига, бўйнига “осилиб йиғлаш”, бир-бировига суюниб, эланиб бўзлаш удуми бор, буни эҳтимол, ҳозирги кўпчилик ёшлар тасаввур қилолмас ёки эскилик бадъат деб билар. Бундай тўзимсиз ғуссали, ортиқ мотасаро дамларда (мусибатнинг кучи марҳумнинг беназир азиз шахсияти билан боғлиқ, бу фақат яқин, меҳроқибатли кишиларгина ҳис эта, идрок қила оладиган тансик бир ҳол) барваста – “узун бўй” дардошлилар жудолик оламини осилиб-йиғлаб бир қадар бўшатишга далда берар....Шоир хаёлининг кутилмаган муболагали нисбати: “теракларнинг узун бўйига” сатрининг бадиий-мантикий ўрнини шундай илоҳласа бўлар. Ҳолбуки, ҳали бирор мусибат юз берганича йўқ. Лекин моҳият эътибори билан “бош узра фалакнинг чархи айланиб”тураркан, унинг олдида умрнинг узун ё қисқалиги ўз қимматини йўқотади. Зотан шоир “чарх” ташбеҳининг икки маъно қиррасига ишора қиласи: абадий айланувчи олам ва умрнинг шафқатсиз чигирифи:

Ваҳ, айлана бошлади тезкор.

Бошим узра фалакнинг чархи.

Кўзни очиб юмганчалик бор –

Аниқ инсон умрининг нархи.

Ягона илинж бу “дойир фалак” (доира тарзида айланувчи дунё - Навоий)нинг дахлсиз самовий қонуниятига фалсафий назар солиш туфайли умр фонийлиги тўғрисидаги нажотсиз фожеъ ҳақиқат ваҳми чекинади, рухнинг ўлмаслиги ҳақидаги улуғ валилар ғояси умид шамчироғи бўлиб кўнгилни равшан қиласи. Зоро шеърнинг кейинги сатрларидан аён бўладики, не-не улуғ зотлардан мерос фанонинг бақо фолсафаси инсон қўнглини...тангрига яқинлаштиурса не ажаб?

Шу тариқа У.Азимов шеъриятида драматизм ва трагизмнинг янги руҳий-илоҳий қирралари инкишоф этилади:

Тунги салқинларнинг намхуш бағрида

**Туғила бошларкан минг тугун савол,
Кўнгул яқинлашиб келар тангрига,
Фожеа туюлмас оқибат – завол...
Тунлар завол билан қураман сұхбат
Худди ҳаёт билан гаплашган каби.**

“Кўнгил” ва “тангри”, “завол” ва “ҳаёт” ташбеҳларига янгича – ўзгача нуқтаи назардан ёндашиш туфайли кузнинг намчил ҳавоси таъсирида туғилган табиий ҳазин кайфиятга қутилмаганды орифона теранлик, валиёна сафобахш рух бағишлиланади. Бундан факат У.Азимов мушоҳада тарзига хос ўйчан фалсафий-лирик лавҳа яратилади.

Инсон тирикликтинг турфа муаммолари, чигалликлари, қисматнинг кутилган ва кутилмаган зарбаларидан дили озурда кезларида, хусусан, ғараз-хусуматли ғаниматли ғанимларнинг маломатларидан ёки худбин дўст, меҳр-вафосиз ёр озоридан аламзада бўлганда кўнгил лғизлик узлатгоҳини, ғариф шикасталик гўшасини ортиқ бўлса не ажаб? Шоирнинг “Онамга хат” миниатюраси ана шундай ҳазин умидсизлик кайфиятида туғилган.

**Эрта-индин елар изғирин,
Йиқилади боғларга туман.
Англагани яшашнинг сирин
Сўзлашаман ёмғирлар билан...
Шунда бирдан бўлади ошкор.
Ёлғизлардан ёлғиз эканим.**

Маҳзун хаёллар, изтиробли кечинмалар баъзан бошқача ёлғизлиқдан, яъни асли алдов-риёлардан узоқ, табиий тоза хилқатдан, болаликнинг бокира дунёсидан гўё бирданига айру тушиш-аввал жиддийроқ ўйлаб, яхшироқ тасаввур қилиб кўрмаган (ҳеч ким қутила олмайдиган ғофиллик!) абадий, олам-армонли жудолик тарзида ифодаланиши мумкин. Бундай кўринимас, сезилмас йўқотиш жараёнида ҳатто маслакдош, маслаҳатдош, ҳамжинс одамларнинг ҳойриҳоҳлик мухитида ўзини бегона сезиш, толеъ ёрлар гуруҳида ўзини бахтсиз, ғариф билиш ҳолати зоҳир бўлади:

**Қўшиқни унутдим. Гувиллар шамол.
Шеър эмас, ҳа, шамол қилмоқда нола.
Мен қанча ялиндим: “Қол, мен билан қол...”
Мени ташлаб кетди қишлоқи бола.**

Имон түгёни, виждон қийноғи ўтида тўлгонаётган қаҳрамон наздида гўё катта шаҳар пойтахтдаги ижтимоий, ахлоқий ва маданий муҳит ўз таъсири – хукмини ўтказиб улгурган. Ҳолбуки, у икки ўртасида олишади: руҳий изтироблар кураш ҳамон давом этаётганидан, шоир шеърининг ибтидойи соғлиги ва дахлсиз ўзлигидан нари кетмаслик учун бутун куч-имконияти билан интилаётганидан шаҳодат беради. Лекин омонсиз “ўйин” натижаси унинг эзгу истаги-армони зиддини кўрсатади:

**Мен- яшаш иқлимин ҳавосин олган,
Олифта – унудим қўшиқ ноласин.
Мени ташлаб кетди қалбимда ёнган,
Виждоним – Ҳақиқат – қишлоқ боласи...**

Бу чукур кинояли дил афғони ҳақиқат унсуридан холий эмас. Бунинг маъноси шуки, аввало, йиллар ўтиб, инсон-замондош, жумладан, шоир шуурида, тафаккурида (хаттоки эътиқодида!) муайян ўзгариш-янгиланишлар бўлиши табиий ҳол. Бу – объектив ҳаёт, жамият ва шахс такомили билан боғлиқ диалектика қонуни: суронли давр ҳақиқати шундай шиддатлидирки, ҳар қандай бир сўзли – қайсар, қатъиятли киши болаликнинг маъсум, тоза, аломатларини ўша бокиралиги билан сақлаб қололмайди. Қолаверса, шоир зоти, аникроғи, лирик қаҳрамон сиймосида унинг ўзлиги билан колектив тафаккўрнинг энг событ ва соғлом унсурлари мужассамланган бўлади. Шунинг учун ҳам У. Азимовнинг қаҳрамонини зоҳирлан: “Виждоним – ҳақиқат – қишлоқ боласи” мени тарқ этди дея нола қила туриб, моҳиятда умуман шеъриятнинг соғлиги, шаъни, қадрияти учун жон чекиб, “куйиниб сўзлайди”. (Р.Парфи). Демак, аслида “қишлоқ боласи” (гўзаллик ва шеъриятнинг ибтидойи мусаффолиги, хурлиги рамзи) билан алоқасини узмайди, узиши мумкин эмас (бу том маънодаги шеъриятнинг заволи билан тенг бўлур эди). У лафзан ҳасрат-надоматлар қилса-да, маънан ва руҳан ўша покдомон бола ёди, юраги, самимияти билан яшайди, оламга унинг қўзи билан назар ташлайди.

Айни чоғда шоир қаҳрамони мудом изтироблар ўтида куйиб тўлгонар экан, бу билан ўзлигини, руҳини поклайди. Зеро у ҳам осий банда, беайб парвардигор. Шунинг учун шоирнинг қуйидаги сатрларини имон-эътиқоди событ қаҳрамоннинг самимий тазарруси, “тавбаи комил” (Навоий) туйғулари ифодаси деб билмоқ керак:

**Жаҳаннам ўтида мангу ёнурман,
Бола – тангри мангу қилади сўроқ...**

Фожеъ кечинмалар, маҳзун хаёллар турли кўриниш, турфа характерда намоён бўлиши мумкин. Худбинлик ёки қаллоблик фожеаси одамийликка ҳам, санъат, шеърият табиатига ҳам ёт темир ақидалар фожеаси. Шоирнинг “Кўксимни очаман...” сўzlари билан бошланувчи сарлавҳасиз бир шеърида ...трамвай ана шундай янги тип фожеъ-лирик тимсолга айланади (“Театр”

шөърида саҳна санъати “инсонийлаштирилгани”- трагик қаҳрамонга айлантирилганига унчалик ажабланмаса ҳам бўлади, сабаби ўртада муайян мантиқий яқинлик бор, трамвайдар... Йўқ, бунга ҳам ажабланишга асос йўқ экан):

**Қайси муюлишда юрибсан йиғлаб –
Трамвай, мен мени англайман...
Тақдирдош, қийналдик, ахир иккимиз,
Бу темир из билан, темир из билан...**

Во ажаб! Айниқса бизда деформация қилинган тузум-тартиботнинг инсонга, халққа, соғлом ақл ва ахлоққа хилоф (шахснинг субъектив-индивидуал дунёси, қалби, рухияти ҳақида гапирмаса ҳам бўлади), совуқ ва кўполдан қўпол метин-зил низомларига, сохта ва ёвуз ақидаларига ... шунчалар оддий, табиий, ҳаётый, айни чоғда тўппа-тўғри нишонга урувчи таъсирчан нисбат-муқояса инкишоф этиш шоирнинг катта иқтидоридан, шеъриятга хос мўъжизакор санъат – сўзнинг бадиий қудратидан ёрқин далолат эмасми? Кўчирилган мисраларни маҳсус ва кенг шарҳлашга эҳтиёж сезилмаса ҳам, фақат битта нуқта – мисрадаги лавҳа-образ ҳақида тўхталмай бўлмайди: “Қайси муюлишда юрибсан йиғлаб?” Эҳтимол паркка қайтаётган сўнгги трамвайлардан бирининг деярлик ярим туннинг нисбий сукунатида (жамоат транспорти воситалари ҳаракати тинган, умуман автолар қатнови сийрашган, бошқа товушлар ҳам ўча бошлаган) олисдан қулоққа чалинадиган, яъни қайрилиш жойларидан келадиган таниш чўзиқ-баланд овози “муюлишда юрибсан йиғлаб” иборасида ифодаланиши, менимча, бир неча маъно киррасига эга... Шеърнинг қуйидаги банди аввалгиси каби шафқатсиз трагизм даражасида бўлмаса ҳам (истеъдодли шоирнинг ҳар бир шеъри, унинг ҳар бир банди ё мисраси бирдай салмоқдор, теран ва ёрқин образлилик касб этиши имконсиз, албатта), ҳар қалай, қаҳрамоннинг зиддиятли кечинмаларини ҳаққоний ифодалайди:

**Бугун темир ғафлат изидан тушдим,
Оёғим тупроқда – бир роҳатижон!..
Аммо... Бу трамвай... Кетмас ўйимдан.
Кўчага боқаман. Қайда бечора?**

Бу тўрт сатрдаги айниқса “темир ғафлат изи”, “Трамвай..Кетмас ўйимдан” шеърий бирималари замиридаги маънолар ҳали-бери ечими осон бўлмаган мушкул муаммолар, яъни бу одамларнинг қон-қонига сингиб кетган, кўпларнинг истеъдод ва иродасини маҳв этган, яна кўпларнинг қисматида, хотиротида битмас жароҳатга айланган машъум қўрқув, ҳадик, гумон, тазийқ, зўрлик, тухмат, турли тамға балолари, чеклашлар, маҳрумликлар,

чорасизликлар... Бундай ҳақсиз-хуқуқсиз, носоғлом, нопок мұхитда илдиз отган, палак ёзған ёлғон, риё, маддоҳлик, таъмагирлик, ҳаромхўрлик, лоқайдлик, хоинликлар каби турфа тусдаги иллатлар – ҳаммаси “темир ғафлат изи” – асоратлари әмасми? Гарчи шоирнинг қаҳрамони ўзи “темир ғафлат изидан тушган”, табиий ва илиқ, “роҳатижон...тупроқда.. оёғи” эркин нафас ола бошлаган бўлса ҳам, аксарият элатдош ва миллатдошларнинг ҳали “ихтиёрий қуллик”, аянч мутелик психологияси шиорлардаги “тengлар ичра тенг”лик, инқилоб идеалларига, байналмилал бурчга садоқат мафкураси кишанларидан кутилмагани унга тинчлик бермайди, “қалбини ғижимлайди” (Р.Парфи). “Трамвай... Кетмас ўйимдан” сўзлари ана шундай азобли хаёлларга толдиради.

Инсон фожеасининг турфа кўринишлари бор, дедик. У.Азимовнинг “Чавандоз улоқдан...” сўзлари билан бошланадиган яна бир сарлавҳасиз шеърида касбига хос ғуруридан йигитлик орияти зўр бир улоқчининг тўзимсиз изтироблари (беихтиёр Чингиз Айтматовнинг “Алвидо, Гулсари” қиссасининг биринчи сахифалари - санъаткорона чизилган отнинг ўлими ва унинг тепасидаги суворийнинг руҳий драмаси манзараси танланади) вафода “тенги кам” (Миртемир) ёрининг табиийлиги, содда самимияти билан гўзал садоқати, ўшандай беғубор, чин дўстона тасалли сўзлари билан йўғрилиб берилади:

- **Рангларингиз бир ҳол, айтинг, не бўлди ?**
- **Онаси, дардимни қилма зиёда...**

Учиб борар эдим мисоли шамол,

Отгинам қоқилди. Ўтмасдан бирпас...

Онаси, отимдан ажралдим, хуллас...

Чавандозлик касбини нафақат севган, балки ардоқлаган, ор-номус, ғурур деб билган, эҳтимол, улоқчи асл деҳқон ҳамияти, диёнати билан қўкрак кериб, қаддини буқмасдан юрган қадимий миллий қиёфани, алпонажўмардлик сумбатини сақлаб келаётган, сафи тобора камайиб бораётган ўзбек қишлоғининг бўз йигити, балким, баҳоси йўқ тулпоридан айрилиб, не ҷоғлик куйиб-ўртанаётганини ёлғиз унинг рафиқаси тушунади. Шунинг учун соҳиби билан teng куюниб, тасалли беришга тараддулданади...

Чавандоз хўрсинар, ўйлар отини...

Гапирмас, ўлтирас хотини.

Улар бири иккинчисининг ахволи руҳиясини дил-дилдан билганидан анча вақтгача сукутда, тилсиз, нигоҳсиз-пинҳоний дардлашдилар. Ва ниҳоят, инсоний ва оиласий садоқатнинг мужассам тимсоли, ўша камтарин, шикаста қишлоқ аёли аста ва сокин овозда дилида уйғонган гўё ногиҳоний дарднинг мўъжизакор малҳами – давосига айланган бутун меҳр-саҳовати, шафқатсиз-муруватини тилига кўчиради:

**Хотини шивирлар: Ҳеч хафа бўлманг,
Сизга от оламиз уй жойни сотиб...**

Инсон дардини англаш борасида биринчи валия – Робия Адвия каби маънавияти билан бадавлат бу оддий аёл ҳимматини маҳсус изоҳлаб ўтиш зарурати бўлмаса керак...

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 525 ЙИЛЛИГИГА

“ЎЗ ЕРНИ ҚЎЙИБ, ҲИНД СОРИ ЮЗЛАНДИМ..”

(“*Bir sheъr sharxi*” туркумидан)

Ўзбек рубоиётида Бобур сарбаланд мақомни эгаллайди. Бундай даъвонинг далолати учун бир неча омилни кўрсатиш мумкин: аввалбор, буюк жаҳонгир султон, назири йўқ воқенавис – муаррих ва мутафаккир, бағоят хуштаъб ва жаҳонгашта шоир рубоиёти не-не талотумли воқеа-ҳодисалар, мислсиз ташвиш – сарсонликлар, турфа мушкулотлар билан чирмалган ҳаёт ва қисмат йўлининг гоҳи файзу сафоли, гоҳи озору ситамларга тўла манзиллари билан бевосита ва бавосита боғланади, зоҳиран: айни қизғин, суронли дунёвий воқеликни, ботин юзасидан илоҳий моҳият – Ҳақ-ҳақиқатни ўзида мужассам этади; сўнгра, не ажабки, мумтоз шеъриятимиз анъаналарида, эҳтимол, маълум қонуният тақозоси-ла кенг тус олмаган ватан мавзуи, давр, ҳаёт, умр сабоқлари каби ижтимоий масала Бобур рубоийларининг бамисоли жон риштаси, юрак томири сифатида бўртиб, ажралиб туради. Ниҳоят, арузнинг маҳсус баҳрига мансуб бу қўйма тўртликлар Бобур инкишоф этган бадиият буржлари – маънавий ва лафзий санъат намуналари: гоҳ зарифу нафис истиоралар, бир-биридан рангин, бетакрор рамзу тимсоллар, гоҳ халқона содда, равон нуқтадонликлар тарзида юксак санъат усул – воситалари-ла “тарошланган” (Чўлпон).

**Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим – хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, - Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди!?**..

Бу машҳур рубоийнинг нафақат пурдард мисралари, балки истисносиз ҳар бир ташбех – сўзида улуг улуспарвар шоир, адолат ва шиҷоатда тенгсиз султон – соҳибқирон, тарихий тақдирнинг тамоми зиддиятлари: зоҳирий – вужудий, ботиний – рухий, дунёвий ва илоҳий шахсий ва ижтимоий – турфа аломатлари, аниқроғи, ўқинч-армонлари, азобу фожиаларининг тажассумини кузатиш орқали уларнинг сабабиятини, асорат ва оқибатларини чуқур идрок этиш мумкин...

Мазкур тарихий миниатюр шеърий обида мазмунини мумкин қадар чуқурроқ таҳқиқ этиш, аниқ ва ёрқин талқин этиш ниятида уни сатрма-сатр шарҳлаш мақбул ва матлуб кўринади.

Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди.

Толеъ йўқи... Бу аввало, фақат шахсий ғам-андух ифодаси эмас. Ҳолбуки, санъаткор шоир ва шоҳ Бобўрнинг шахсияти – ўзлиги бошқа ахли шуаро ва салтанат соҳиблари (даъвогарлари)дан жиддий тафовут қилувчи аломатлари билан ажralиб туради. Сўнгра “толеъ йўқи...” бу нафақат “дашт эли” – кўчманчи ўзбек уруғлари босқинини охир-оқибат дафъ эта олмаслик, пировардида, ёғий кучларига бас келомаслик алам изтироблари далолати. Энг оғири, бу – аросат исканжасида икки ўт ўртасида қолган, беҳиштмонанд воҳаю водийлари харбазорга айланган умид, нажот йўлларидан бутунлай мосуво, айниқса, муқаддас руҳий, маърифий, маданий обидаларининг тақдири хавф остида қолган жонажон улус, ватан қайғусининг, фақат теран, ботиний-руҳий идрок – таамул зуҳуроти бўлмиш бағоят ҳазин-мунгли тимсоли мужассами эмами? Бу шоҳ сатр – тож мисранинг ҳар бир сўзонли ташбеҳи – “ҳарфу руҳи”да Бобур Мирзонинг пурдард сиймоси “ярқ” этиб туради!..

Келинг, мазкур биринчи мисра таркибидағи “жонимға балолиг бўлди” ибораси англатган маъно-шахсий ва ижтимоий қулфатлар поёнини, моҳият ва сабабиятини баҳоли имкон шарҳлашга уриниб кўрайлик: чунончи, жон ташбеҳи (Навоийда “жавҳари жон”), бу тириклиқ, умр ғаниматлиги, муҳаббатнинг боқийлиги ғояларини гоҳ умидбахш хаёлий, гоҳ (аксар) ҳазин-ўйчан лавҳаларда ифодалайди. Мазкур рубоийда жон азоблари охир-оқибатда “балолиг” сўзига нисбат берилиши беихтиёр “Бобурнома”даги энг драматик вазият тасвирини эсга солади. Чунончи, 1526 йил воқеаларига бағишлиланган бобда Бобуршоҳнинг заҳарланиши ҳақида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: “Жон мундоқ азиз нима эмиш, мунча билмас эдим. Ул мисра борким: Ким ўлар ҳолатқа етса, ул билар жон қадрини... Ҳар қанча бу воқеа хойла хотиримга келса, бехост ҳолим мутағайирир бўлур. Тангри таолонинг инояти бор экандур, менга яна бошдин жон бағишлиди – мунунг шукрини не тил била қилғайман?! Агарчи тилга, оғизға сиққусиз, қўрқудек воқеа эди, шукр Тангриға, яна кун кўёратим бор экандур”.

Ҳар ишники айладим – ҳатолиғ бўлди.

Ажабо ! Бобурдек буюк шоир, мутафаккир, маърифатли ва адолатпеша бир шоҳ англаб етган “ҳатолиғ”лар... Не тонгки, Бобўрнинг гўёки катта бир узроҳликдай эшитиладиган, моҳиятда жуда-жуда аламли, ортиқ таассуфли иқрорнома сўзлари ҳақида одатий таомилда мулоҳаза юритиш ғоятда мушкул юмуш бўлуб туюлади: наинки масъум, ўта тийрак болалик ҷоғлаоидан фикру-ёдини банд этган бобомерос мулк манфаатлари, муборак Ватан тақдири, шеърият, илму ирфон рағбати (жумладан, миллий ёзув – имло тақдири (Хатти Бобурийни эсланг), яхши от қолдиришдек қутлуғ ва эзгу мақсад йўлида бир умр событқадамлик, ҳиммат, жасорат билан қилган бутун саъй ҳаракатлари, қисқаси “ҳар иш” фақат “ҳатолиғ” бўлиб чиқса!?..

Албатта, “ҳар иш”, “ҳатолиғ” каби ортиқ ҳасратнишин тафсил-ташбеҳлар замирида Ватан фироқи билан боғлиқ, ҳар гал шоир эсга олганида вужудини қақшатгувчи битмас жароҳат оғриқлари англашилиб туради. Лекин

“тавбай комил” оядидай тийрак ҳақиқат сўзларини тақдири илоҳий ҳукми, деб билган Бобур ҳар қандай қаллобликка, ёвузлика тик қараганидек, турфа “хатолиғ”ларни, маломатларни чўчимасдан ифшо этадики, бундай мардонавор ошкоралик улуғ шоирнинг номи шарифига заррача гард-ғубор юқтирумайди, билъакс унинг нурли сиймосини, биринчи навбатда, мусулмон оламида сарбаланд этади.

Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим!..

“Ўз ерни қўйиб...” Бу нолавор сўзлар замирида нафақат Бобуршоҳ шахсияти билан боғлиқ ҳасрат-надомат оҳанглари, балки эл-улус, ватан тақдирига шунчалар масъулиятсиз, лоқайдлик билан қараган юртбузар, тарафкаш амирлар, айниқса, уруғ-қавм, шахру қишлоқ дарғалари, айрим дин арконлари учун, қолаверса, турли тоифа ва табақага мансуб, хатарли вазиятда майдонга отланиб чиқишига яроқли ҳамюртларнинг журъатсизлиги, худпарастлиги учун алам-изтироб туйғулари зуҳур этса не ажаб?!.. Балким ўша ўқинч – пушаймон сўзлари ёзилаётган кезда “Шайбоқхон” (Бобур ибораси) – бош кўчманчи истилочилар қолдирган мудҳиш асорату битмас-тузалмас оқибатларни ўйлаб, эски дарду алам, жароҳат янгилангандир...

“Ҳинд сори юзландим”.

Бу сўзонли, бор вужудни ўртовчи сўзлар нафақат учинчи мисра тагмазмуни, унинг бутунлиги учун хизмат қиласи, балки, кенг маънода, шоир Бобур хоҳ шеърий, хоҳ насрий йўлда, турли оҳангда арз этган “ҳасбу ҳол”ига дахлдорлиги шак-шубҳасиздир. Бу даъвони қуидаги байт билан далиллаш мумкин: “Ё Раб, яна маҳруму хонумон қилдинг, Ё Раб, яна овораи жаҳон қилдинг”. Бу мунгли мисраларнинг он қадар ҳаққонийлиги – ҳаётий жозибаси шундаки, Бобур ўзининг мислсиз пок табиати, хос саъжияси тақозоси-ла ҳар бир айтган сўзига баайни номаи аъмол ёзуғидай сарбаланд қиймат берган! Шу маънода, учинчи мисра моҳиятидан буюк тарихий шахс фожиасигина эмас, балки қисмати илоҳий иродаси олдида (“!! Ҳеч нима тенгрининг хостидан ўзга бўлмас..” Инсоний ва шоҳ-султоний сабот, фожеъ қисматнинг бунчалар оғрикли, тўзимсиз, шунчалар беомону шиддаткор, навхвор, шуур ва тафаккур лолу ҳайрон қолар даражада аниқ-равshan ифода тарзи топлимас: боз устига, чидаб бўлмас чорасиз икки зидд кутб: “келдим бу сори ўз ихтиёrim бирла – боруrimda ихтиёrim йўқтур!?” фафат тасаннолар айта оласиз!..

Ва ниҳоят сўнгги мисра шарҳи:

Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди!?

Минг йиллик мумтоз шеъриятивиз дуржи – тил, лухат, пур-ҳикмат иборалар сандигида “юзи қаро” янглиғ оғир зил иснод иборати ташбеҳ кам “захардай нажотсиз сўз” (Ш.Рахмон) топилса керак! Бобур Мирзодек футувват (йигитлик) – жавонмардлик ор номус ва ғуур бобида яктолардан, табиатан ғояти нозик кўнгил, фузалою зурафо аҳлининг ортиқ хуштабъ ва солим мусобиҳи бўлмиш шоир ва шоҳки “юзи қаролиғ” иборасининг оғир

юкига унинг зарби – қийноғига дош бериб, “аламлар ичра куйиб, ёниб” (Чўлпон) ўртаниб, бунчалар аччиқ насиба учун Ҳақ олдида муножоту тазарруълар ҳолатини кечирар экан, бунда том маънода мўъжизий ҳикмат бор. Унинг айниқса, “Ё Раб!” дея қилган илтижоли ниносидан бу покдомон инсон, даҳо шоирнинг аҳволи руҳиясини озми-кўпми англағандай бўламиз ..(тўлатўкис, моҳияти-ла идрок қилиш имконсиз эканини бир қадар тасаввур этамиз). Айни замонда инсоф билан айтганда “юз қаролиғ” сўзларида зуҳур этган маъно-маломат юкини ёлғиз Бобур гарданига ағдариб бўлмаслиги ҳар бир солим хирадманд – ақл ва ахлоқ соҳибига аён бўла бошлайди.

Алқисса, Бобур Мирзо ўзи бунёд этиб улгурган, авлодларга қолдирган, ҳали – то ҳануз биз ҳақиқий баҳосига ета билмаган руҳий, моддий, маънавий-маърифий, ахлокий, ҳуқуқий, бадиий мерос қадрини бошқалардан теранроқ идрок этгани ҳолда, “барчанинг дардича бор менда дард” (Навоий) дея нисбатан қисқа умрини фақат буюк зотларга хос ҳиммат, жасорат кўрсатиб, тўла маънода фидойилик билан ўткарди...

МИЛЛИЙ ТАФАККУР ТИМСОЛИ

ШОИР ЎЗИНИНГ оламга хос назари, ҳайратли муносабати – мушоҳада тарзининг ўзгачалиги билан ажралиб туради. Зеро, объектив воқелик ёки руҳий дунёга фақат нафосат қонунларига биноан ёндашиш кифоя қилмайди: муайян ўй-ният – ғоянинг ифодаси нафис ва рангин шакл-шамойил билан бирга инжа руҳий ҳолат баҳш этишни, орифона идрок ва қалб нигоҳини тақозо этади. Шоир ҳақиқий ижодий шавқ билан “ишга киришар” экан, яратиш жараёнини ажаб зиддиятлар муҳитида: гоҳ руҳий изтироблар, азобли хаёллар сўзонида кечиради: ўзгача, дардмандана фикрлайди, “куйиниб сўзлайди” (Рауф Парфи)... Нимагадир нисбат бермоқчи бўлса- бетакрор ташбеҳ-муқояса излаш жараённида истеъоди, шахсияти кутилмаган қирраларда очилади. Шунда шоир истиоралари ўзининг бадиий жозибаси, фикрий теранлиги билан ҳайрат уйғотса не ажаб! Рамз-мажозлари, замону макон меъёрларига, ҳаётий мантиқ мезонларига сифдириб бўлмас уйғунлик, тадрижийлик яратса не ажаб!

Шеърий тафаккўрнинг миллий аломатларини она тилига хос сўз фасоҳати – ҳар бир ташбеҳ-тимсолнинг ўзга тилда бериб бўлмас образли жилолалари, ўзгачаликлари, фалсафий, таълимий нуктадонликлари, туркона-ўзбекона бадиий мантиқ нозикликлари орқали билиб олиш мумкин. Миллий бадиий тилга хос тафаккўрнинг ғоятда муҳтасар ифодаси, аввало, бу – рангин истиоралар, киноялар, рамзу мажозлар, қолаверса, реал воқеаликдан, бевосита ҳалқ тажрибаси ва ижодий даҳосидан олинган тафсил деталлар... Том маънодаги бадиий кашфиёт – истеъод, заковат, илоҳий илҳом, тинимсиз изланишлар самари бўлган, давомли яратиш жараённида етилган, маромига етказилган бетакрор образ-тимсоллар. Диққатга молик фикр, олижаноб ғоянинг шунчаки вазн-ритм-қофия мезонларига солинган “косиб шоир” (А.Орипов) уринчоқлиги билан “тахрир”дан чиқарилган тавсифий шарҳлари, риторик-декларатив васфлари эса бошқа...

Зотан, ҳақиқий шеърий образ истеъоддининг оламга дардли, рағбатли муносабати билан характерланади. Шу муносабат билан битта мисолни – кўз лавҳи”га (Навоий) чизилган миниатюр олам – неча неча авлодга мансуб бўлган лирик образ намуналарини кузатиш мумкин. Чунончи, Алишер Навоийда: “То хаёлинг кўздадур, кўз уйи гўё Каъбадур, Ким турууб атрофидин киприкларим айлар намоз”; “Неча ул чехрани кўз лавҳида тасвир этайин, Ани кўрмакка бу суврат била тадбир этайин”; Чўлпонда: “Кўз ёшларида мени, Ўстирган асл шеърим! ”; “Кўзимда сўнгги ёш қолди, Аламга етмак истарман! ”; “Кет йўқол, кўзимдан ҳақиқат, йўқол, Бағримга ботмоқда оғули тикан”; “Жим туринг, шовқинланманг, уйқу ичинда ул пари, Кўзларим тўймай қарап, борлик кўринма, тур нари! ”; Рауф Парфида: “У пайт кўзинг эди маъно. Сохта туюларди сўзлари”; “Ким яширди, ёлғизим, тунни кўзингга!” ва ниҳоят , “Дилоромнинг кўзлари”дан жозиб лирик лавҳалар:

**Қора ёлқинларда шивирлар оят,
Кўзларингни тинглаяпман энтикиб...
Кўзларинг қаърида синиқ бир нола,
Балким қафас ичра уйғонган наво...
Кўзларингда ёниб битай севгилим.**

Усмон Азим “Суврат парчаси” шеърида “кўз” тимсолининг шахсий-интим дунёдан ижтимоий-фалсафий оалмгача қамраб олинган дардли, чуқур кинояли маъно қирраларини кашф этади: “Сурат парчасини ердан кўтардим, Бир кўз боқар эди менга аламкор...Кўксимда турибди йўқолган кўзлар – сурат парчалари қатору қатор..”.

Таажжуб ҳол: шеърият танқидида ҳукмфармо мафкура қиличини яланғочлаган йиллардагина эмас, ҳатто “қайта қуриш”нинг бошларида ҳам гоявий нуқсон қидириш тамойили (масалан, Рауф Парфи, Муҳаммад Солих, Усмон Азим, Йўлдош Эшбек, Шавкат Раҳмон шеърларига муносабатини эсланг) устунлик қилган бўлса, эндиликда гўёки миллийлик етишмаслиги важҳидан айрим танқидий фикрлар билдириляпти. Қизиги шундаки, бундай даъво русча ёки оврупача бадиий тафаккур таъсири тарзида шеъраиятда илдиз отган эпигонли – тақлид-таасиб устамон машқлари бир ёқда қолиб, шеъриятни қисмат деб билган шоирлар нисбатан билдирилмоқда. Чунончи, иқтидорли, фаол мунаққид, айниқса, кейинги жасоратли чиқишлари билан иззату эътибор топган Наим Каримов “Миллий бадиий тафаккур” сарлавҳали мақоласида ёзади: “Аслида бугунги адабиётимизда ҳам миллий бадиий тафаккур устуворлик қиласапти, деб бўлмайди. Аскад Мухтор шеъриятини оламизми, Муҳаммад Солих ё Шавкат Раҳмон шеърларини ўқиймизми ё издошларига разм соламизми, уларда катта фикр мавжуд бўлгани ҳолда, бу фикрнинг ифодаланиш усулларида миллий бўёқ ва оҳанглар етарли деб бўлмайди”. Тўғри, мунаққид анчайин эҳтиёткор оҳангда сўзлаб, аслида нуқсон шоирнинг фикрида эмас, балки фикрнинг “ифодаланиш усулларида миллий бўёқ ва оҳанглар етарли деб бўлмайди”, тарзида танқид захрини бироз камайтиришга, ҳукмни юмшатишга ҳаракат қилган. Бироқ бу билан моҳият ўзгармаса керак, яъни мунаққид фикрича, шеърларида “катта фикр мавжудлидан, демак, янги ва ёрқин образларидан қатъий назар, Аскад Мухтордек тинимсиз изланувчан шоирда, шунингдек, шеъриятимиздаги “янги тўлқиннинг” икки намояндаси – Муҳаммад Солих ва Шавкат Раҳмонда ёки уларнинг талантли издошларида миллийлик аломатлари етарли эмас.

АВВАМБОР, Аскад Мухтор мансуб бўлган ҳамда ундан каттароқ авлодлар босиб ўтган ҳаёт йўли қанчалик мураккаб кечгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Мудҳиш қатағон, сурғун балоларидан кейин эркин ижод, мустақил фикр занжирабанд қилинган, кимдир тавбасига таянган, кимдир дамини

чиқармай, сукут сақлаган йиллар шароити истеъдодлик шоирни иложсиз чекланишга маҳкум этган, ҳатто замона зайли “ижтимоий буюртма” дастёрига айлантирган бўлса не ажаб? .. Мана 1960 йили ёзилган “Ёшлигим” шеъридан парча: “Туғилганингдаёқ сен келажак бўлиб туғилдинг. Туғилганингдаёқ Ленин ғоясининг порлоқ нури билан йўғрилдинг...Ёшлигим, комсомол ёшлигим, авлодларга улан”. Надоматлар бўлсинким, муқаддас она тупроқ, муборак дину миллат дардлари унут бўлаёзиб бутунлай бегона мафкура, зўравон раҳномаларнинг хоҳиш-иродаси, “қизил Каъба” (Ҳ.Олимжон) – Москванинг бошқалар фикрини таҳқирловчи, ғолибона рухи, гўёки бирдан-бир тўғри ва одил “ғоялари” ўз аксини топган мазкур сатрлар кўп жиҳатдан сабоқлидир. Ўз “келажаги”та шунчалар қаттиқ ишонган ёшликнинг алданган умидлари Вақт ҳакамининг дастлабки синовларига ҳам дош беролмади-ку...Бироқ инсоф билан айтганда, Асқад Мухторнинг поэтик ижодида асосан “99 миниатюра” (1962) китобидан эътиборан декларатив-риторик тасвирдан бадиий образлар томон бурилиш бошланганини (бу эса миллий бадиий тафаккўрнинг бирламчи омили) тан олмаслик илмий холислиқдан чекиниш бўлур эди.

Чиндан ҳам 60-80 йилларда, гарчанд “юксак ғоявийлик” шоирнинг ижодий ўзига хослиги намоён бўлиши етарли имконият бермаган бўлса-да, мавжуд нисбий илиқлиқ, нисбий демократик эркинликлар дориасида яратилган туркумлар, китоблар, шак-шубҳасиз, Асқад Мухтор истеъдодининг аввал очилмаган қирраларидан далолат бериб туради. Чунончи уларда шоир мушоҳадасига хос манзаралар тиниқлиги, рангинлиги, тафаккур тарзидаги ўйчанлик, фалсафий таҳлилга, баҳс-мубоҳасага мойиллиги билан ажralиб туради. Хуллас, шоир ҳар бир сўз ташбехни, бирикма-иборани, мисра-лавҳани қалдан ҳис қилиб, қўнгил нигоҳидан ўтказиб, руҳий-ботиний ҳолатлар тарзida кечириб бири-биридан рангин тимсол-образларга айлантиради. Тўғри, Асқад Мухтор оламнинг турли буржи, турфа ҳикматидан, жумладан, “чет”дан нимаики олган, қанчаки баҳраланган бўлса, улар шоир мансуб бўлган халқнинг тили ва тафаккури орқали, ўзбек шеъриятининг бадиият меъёрлари ёрдамида қайта кечирилган, ижодий ўзлаштирилгандир. Жаҳоннинг барча истеъдодли миллий шоирлари, шубҳасизки, шу қонуният асосида ижод киладилар.

Мана илҳом илоҳаси инъом этган ўзгача мушоҳада меваси бўлган кечинма-образлардан айрим мисоллар: “Ўтган йили учган нафис қор учқуни Янги йил сарҳадин бузиб ўтади... Қилт этиб узилган битта япроқ ҳам Нақ қалбимга тегиб кетади ”; “Кўк майсалар тагидан аста Бетиним жилдираб оқарди умрим”; “Хоргин қўзларингни ювар оҳанглар”; “Сенинг қўзларингда ором яширин, Атрофингдагилар шундан беором”; “ Ингичка кишинаса узоқда қулун Биянинг қўзида юлдуз чақнайди...” Ёки жаҳон ташвишлари, халқ дарди, инсон тақдери, ҳаётнинг азалий зиддиятлари ҳақидаги хаёллар, табиат мўжизалари ҳайратидан туғилган таассуротлар шундай фалсафий-лирик умумлашмаларга, такрорланмас манзара-образларга айланади: “Нотинч бўлса,

дейман фақат тафаккур”, шодман ҳиссий түлғонишлардан. Даҳшатли тушлардан ҳам қўрқмайман энди, Қўрқаман даҳшатли уйғонишлардан”; “Кун ботади терак учларидан Сўнгги рангларни йиғиб олади. Инсон эса бу фожиани Тинчгина кузатиб қолади”; “Кўз ёш томчисида қуёш жилваланар, Ажаю бу дунё ! Бирор шон-шуҳратли, виждони йўқ холос, Ажаб бу дунё...”

Энди Муҳаммад Солих шеъриятига бир назар солайлик. Тўғри, бу ҳозирги шеъриятимиздаги ўзига хос “янги тўлқин” янги оҳанглар сифатида ҳиссий замзамалари, ранг, садо, акс-садо товланишлари билан ажralиб туради. Гўё биз ҳали кўникиб улгурмаган, ҳаётий ва бадиий мантиқ меъёрларига, ҳалқ тажрибасига, унинг ижодий тафаккур ва мушоҳада ўлчовларига сиғдириб ўлмас бошқа бир хаёлот олами баъзан анчайин мураккаб, хато жумбоқли (бу кўпроқ шоир ижодийлик илк босқичига тааллуқли) , гоҳ итоатсиз қайсар, гоҳ дунёнинг ишларига қаландарона парвосиз ё шаккок гоҳ муросасиз, аламнок , хуллас, “ шафқатсиз ҳақиқат қонунлари билан баҳсга киришган ўзгача фикрлаш тарзи шунинг учун ҳам шоирнинг аввалига анчайин сирли мураккаб ва баъзан кескин туюладиган киноя ва истиораларини оламга фавқуллодда синчков, куюнчак муносабатини таъбир жоиз бўлса, рицарона-жўмардлик характеристи акс этиб турган мисраларини анъанавий поэтик андозаларига сиғмаслиги учун ҳам гўё миллийликдан узоқ деб ўйлашга қандайдир хукм иштибоҳли хукм қилишга асос берадими? Мана бу тўртликка разм солайлик:

Тўхтама, тўхтама, тўхтамагин қор,
Серташвиш дунёни бир алдаб тур.
Бир зум ўйга чўмсин одамлар,
Бир зум ўзи, бир зум ўлим ҳақида.

Бу асли донишманд боболаримиз гоҳ шеър, гоҳи нақл шаклида ўқитилган: “ токи тирик экансан, ўлимни ёдингдан чиқарма, умр шукронаси учун савоб ишларга шошил, Тангри иноят этган дамларингни ғофилликда ўтказма” каби пурмъино ҳикмат сўзларининг ўзига хос ўйчан-бадиий ифодаси эмасми? Халқона тафаккур ва хаёл, миллий ҳиссиёт ва ғурур унсурлари, эл-юрт қайғуси заҳматкашлик ва сабр бобида “ тенги кам” (Миртемир) одамларининг кўпинча пинҳоний дардлари шеърий мисраларга кўчган мисоллар баъзи бир мураккаб, жумбоқли сатрларга нисбатан устунлик қиласиди, биз Муҳаммад Солих шеърияти ҳақида хукм чиқарганда ана шундай намуналарни этalon қилиб олишимиз лозим бўлади. Шу маънода шоирнинг қучли шеърлари баъзи бир биз англаб етмаганё дафъатан идрок қилиб улгурмаган теран фалсафаси, биз кўникмаган қалтисроқ мантиқи, биз журъат этмаган (эҳтиёткорлик ё иштибоҳ билан ёндашишга одатланган) шиддатли ҳақиқати билан миллий шууримизни тиниклаштиришга, фикр ва хаёлимиз уфқларини кенгайтиришга хизмат қилса не ажаб: “пахтани “олтин” деб кимдир бўлса ҳақ Унга ҳам ишонманг, Қалқинг оёққа – Чунки ҳақиқат ҳам

ёлғондир мутлоқ, Агар қарши бўлса, ҳақиқат халққа”. Бошқа шеърлардан олинган ушбу сатрларнинг образли мантиқ кучи айни бободеҳқонга хос миллий бадиий тафаккур меваси сифатида шаклланганидан далолатдир. “Баъзан тушларимда сўкинаман бад, ўнгимда-чи, “Товба!” дейман асосан: Ҳар ҳолда энг ширин таом бу – меҳнат, энг катта идиш бу – сабр косаси”. Халқона тафаккўрнинг миллий бўёқ ва оҳанглари бундан ортиқ ёрқин, бутун, умумлашма тимсол даражасида бўлиши мумкинми? Мана яна бошқа аёвсиз ҳақиқат ифодаси бўлган шеърдан кўчирма: “қарғалган миллати туну кун ишлаб, Раҳматнинг ўрнига эшитар миннат...Қарғалган миллатнинг қозиси – фосик, олими савдогар, илм сотиб яшар, шоирлари эса ақлдан озиб душмандан мукофот олмоққа шошар”.

АЙНИҚСА, ЭКРСЕВАР шеърият учун чуқур киноявий ифода усули, тагдор истеҳзоли рамзлар хос бўлиб, бу миллий бадиий тафаккўрнинг нишонга рўй рост урадиган “ўқлари” – ташбеҳлаш воситаларидир: “Жилмайинг дедим-ку, сизга Ахир авлодларга қолар бу сурат”. Ёки мана бу киноя-образнинг бадиий жозиба кучини – аёвсиз ҳақиқатни қанчалик мухтасар ва ёрқин ифодалаш тарзини кузатинг-а: “тушда аён бўлди улуғ бир мақсад олға кетаяпман, боқмай орқамга: Хўжалик ерига пахтани эксан, Мен қўл экажакман ўз томорқамга”. Ерга экин ўрнига – “қўл экиш” тутилмаган, ғайритабиий мантиқ ифодаси. Лекин буни оврўпача ёки русча бадиий тафаккур маҳсали деб бўладими? Асло! “қўл экиш” мантиқининг фавқулодда кескин-қалтис маъносидан қатъий назар, бир жафокаш ўзбек деҳқонининг ўнта эмас, юзта қўли бўлса ҳам, унинг қисматига битган иш, ташвиш, кўрсатма, ташаббус, режа, мажбурият, чора-тадбирларнинг тури-ўлчови, ниҳояси бўлганми ўзи? Бас, шоирнинг миллий орият-диёнати, ватанпарварлик ғурури “деҳқон қўллари”нинг кутилмаган фожеъ-лирик образини яратишга етарли ҳуқук беради... Шоир “Юрак” сарлавҳали шеърида истеҳзо оҳангидга шундай халқона лирик лавҳа яратади: “сенми ҳали ўша қўкка интилган, сенми қоронғуда ахтарган зиё? Фаровон ҳаётдан ношукур банда, Нон эмас, эрк ҳақда куйлаган сенми – Ёмон отлиғ бўлиб ҳаммага бунда, яна ҳамма ҳақда ўйлаган сенми?..” Муҳаммад Солиҳнинг кўнгил нигоҳи, синчков кузатишлари, ботиний таҳлили натижаси бўлган мутрибона соҳир оҳанглар, мусаввириона тиниқ лавҳалар ўзбекча миллий тафаккўрнинг шеърий намуналари қаторида турса арзийди. Фақат миллатимиз тилига хос нозик-ҳарир, дақиқ мушоҳада самари бўлган мисра-образларни шоир ижодидан керагича келтириш мумкин.

Шоир яратиш жараёнида нозик дид, санъаткорона маҳорат билан тартиб берган, асосан фалсафий-лирик характердаги умумлашма образларни ўзбекона бадиий тафаккўрнинг тимсоли мужассам деса бўлади: “Бир одам кимнидир севаркан токи севгини түғ каби кўтарса азот-бутун башарият яшашга ҳақли, ўзини оқлайди ердаги ҳаёт.” ; “Одам жамлаб олса ўзини, яна ўзини катта бир майдонга йигса – улкан лашкардир”;

“Умримдан бор роҳат, бор соя-салқин ҳаммасини юлиб ташламоқчиман...
Токи насиб этсин менга бир марта Умр эмас, ҳақиқат учун йиғламоқ...”

Шавкат Раҳмон ижодидан ҳам эл-элус қайғуси билан, миллатпарварлик туйғуси билан йўғрилган тимсол-образларни келтириш мумкин. Жаҳон шеърияти тариҳида, ҳозирги ривожида муайян мавқеи, мақоми бўлган қатта талантларнинг тан олиниши, шуҳрат таратиши бирдай деб бўлмайди (уларнинг баъзилари мухлисларини тезда, бошқалари анча кечикиб топишлари ажабланарли ҳол эмас). Муҳими, шоир ўз истеъдод имкониятларини билса, қадрласа, ижодий изланишдан тўхтамаса бас. Шу маънода ўз шеъриларига талабчанлик ҳисси сўнмаган хоҳ мазмун, хоҳ шаклда бўлсин, янгиликка интилган истеъдод эгаси фақат ўзи мансуб бўлган миллат тилида фикрлаши, шу заминда янги шеър, янги образлар яратиши мумкин. Аксинча, она тили сарчашмасидан узоклашган шоирнинг изланишлари ҳақиқий, бадиият эътибори билан самарадор бўлиши даргумон. Бас, фақат миллий тил заминидаги бадиий тажриба, халқона донишмандлик, мумтоз анъана билан узвий боғланган сўз нуктадонликлари, шеърий санъатлар, поэтика қонунлари шоир учун асосий маърифат манбаи сифатида хизмат қиласагина ҳақиқий шеър яратилиши, унинг образлари ўзига хослик, рангинлик касб этиши мумкин. Масалан, улуғ Гётенинг “Машриқ – Мағриб девони”нинг дунёга келишида форс шеърияти соҳирлари кучли таъсир кўрсатган бўлса-да, бу нодир китоб немисча бадиий тафаккур мевасидир. Худди шундай, Пушкин ва Лермонтовнинг Кавказ мавзуидаги шеърлари ё Есениннинг “Форс тароналари” рус шеърияти дурдоналаридан бири деб баҳоланади. Инчунин, бу шоирлар бевосита мансуб ва дахлдор бўлган миллий омиллар ижод жараёнида ҳал қилувчи асос, озиқланиш манбаи сифатида хизмат қилганига шубҳа йўқ. Шавкат Раҳмоннинг маҳсус адабий таҳсилни Москвада олгани ё Испанияга ижодий сафар қилгани шоирнинг интеллектуал ва эмоционал дунёсига қанчалик таъсир ўтказган бўлмасин, у ҳар гал янги шеърлари, янги образлари билан ўзбекча фикрловчи, ифодавий изланишларида ҳам миллий тил бадииятининг очилмаган қирраларини таҳқиқ этувчи ўзбек шоири бўлиб қолаверади. Турли таъсирларга келсак, уларнинг муайян миллий шоир дунёсидаги байналмилаш ўрни, характеристи, аҳамияти – бу маҳсус тадқиқотни тақозо этадиган муаммодир.

СЎНГГИ САЛКАМ БИР асрлик қисматида не-не кўргиликлар, асорат ва аросат домига солинган шеъриятимиз энди-энди ўзининг табаррук илоҳий-руҳий илдизлари билан асл ўзани – эрқу ҳақиқат, истиқлол йўлини топиб олишга, тозариш, тазарру олишга, тазарру расмини тутишга баҳоли имкон интилаётган масъул бир паллада миллий бадиий тафаккур мавзууда мубоҳаса қилишдан кузатилган мақсадимиз аниқ: бизни ҳар қандай вазиятда профессионал ҳалоллик, илмий холислик, қалб саховати тарк этмасин.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати

1993 йил. №3. 15 январь

МЕРОСГА МУНОСИБ РИСОЛА

Қўлимиздаги китоб (Абдуқодир Ҳайитметов “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” тадқиқотлар, мақолалар, лавҳалар. Фан. 1996.) мундарижаси – тўқис ва тугал. Ундағи ҳар бир мақола атоқли олим дастхатига хос синчков илмий кузатишлар, изланишлар маҳсули. Чунончи, “Ҳамса”да ислом нури” истиқлол шарофатида туғилган тафаккур эркинлигининг самарасидир. Рисоладаги “Шоҳнома” талқинлари тарихидан” мақоласи икки жиҳати билан эътиборли: бу – “Ҳайрат ул аброр”да саховатнинг ёрқин ва муҳтасар ифодаси бўлмиш “Баҳрга етса, тиламас шабнаме, Захмни кўрса аямас марҳаме” байтининг “Шоҳнома”даги Кайковус – Рустам – Сухроб муносабатларини эслатиши, яъни икки улуғ шоир ғояларининг муштараклиги далолати. Сўнгра, бу – Навоийнинг Самарқанддан устози Ардашерга юборган мактубидан олинган: “Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур, Ки гар келса Рустам жавобин берур” байтида зухур этган қаҳрамонлик достонлари яратиш бобида “Шоҳнома”нинг топилмаслиги ҳақидаги фикр шу маънода олимнинг иккинчи хulosаси: “мен хусусан” Садди Искандарий” достони маълум даражада Фирдавсий “Шоҳнома”сига ҳам жавоб сифатида ёзилган деб ҳисоблайман”, деган фикри ҳам чуқур қаноат ҳосил қиласди.

Муаллифнинг профессионал иқтидори “Ғазал мулкига саёҳат” сарлавҳали йирик мақолада яққол кўзга ташланади. Унда ошиқона, орифона, қисман қаландарона (сўфиёна), мазмунли, анъанавий ё автобиографик характердаги 25 ғазал вазн-баҳр ўзгачаликлари руқнлару тармоқ руқнлар сони , руқн ўлчамлари эътибори-ла қавс ичидағи маҳсус изоҳоти билан тасниф этиладики, бу мураккаб аruz илмини яхши билмаган айrim китобхонлар анча қулайлик беради. ғазаллар асосан, муаллифнинг дастхатига хос илмий ихчамлик – оз сўз билан мумкин қадар кенг маъно англатувчи, зарур бўлганда, кўшимча маълумот берадиган услубда шарҳланади. Умуман, ғазаллар шарҳида марғуб ва ёрқин жиҳатлар қўп (уларни, тахминан, 85-90% дейиш мумкин). Ва аксинча, байтлар матнидан турли маънода узоқлашиш оқибатида содир бўлган, (тахминан 10-15%) камчиликлар устида анчайин тафсилий тўхталишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Зоро, рисоланинг 2-бетидаги: “асар... филология факультетлари талабалари ва ўқитувчилари, адабиёт муаллимлари...га мўлжалланган” деган сатрлар бизга шундай мажбурият юклайди...

Аввал ғазаллар шарҳида асосли мисоллардан намуна келтирайлик. “Хозирча бу ғазални муракқаб таҳлил қилиш ва унга узил-кесил баҳо бериш қийин. Чунки Навоий девонларининг илмий-танқидий матнлари ҳали тўлиқ яратилгани йўқ. Улардаги шеърларни ўқишида ҳам турлилик мавжуд”, дейди олим “Илк девон”дан жой олган ғазал шарҳининг хulosасида. Улуғ шоир “Наводирун-ниҳоя”га киритган “Бор эди ул ҳамки бир чоғ бизга ёре, бор эди ” сатри билан бошланадиган, “автобиографик мазмунга эга”, ғазал шарҳида

шундай эътимодли фикр айтилади: “бизнингча, “қуёшим” дея мадҳ этилган маҳбуба шоирнинг севги фожеасига бош сабабчи бўлган. Бу муаммонинг илдизлари ўз ечимини кутмоқда. Ғазал текстологик жиҳатдан ҳам тўла ўрганилмаган”. Шунингдек, “Кўнглум ичра дарду ҳам аввалгиларга ўхшамас” сатри билан бошланадиган ғазалнинг “Ўхшамас” радифи муносабати или Навоийнинг “Ҳолати Саййид Ҳасан Ардашер” рисоласидан фалсафий қайдлари эслатилиши каби мисоллар рисола муаллифининг топқирлиги ва хуштабълигидан шаҳодат беради; унга нисбатан эҳтиром ҳисларини ўйғотадиган бундай мўътабар даъвою далиллар китоб моҳиятини белгилайди.

Китобда учрайдиган айрим камчиликлар ҳақида. Масалан: “Магарки, куз йўлидин оқти қон бўлиб юрагим ки тоғ этакларидек лолагундур этагим ” байтининг шарҳида тўғри фикрлар билан баробар, шундай, ғалат жумлани ўқиймиз: “ ошиқ образи сабр ва матонат рамзи бўлган тоққа қиёсланади”. Мантиқан суғориладиган, демак, ҳайдаладиган сайхон далада лола ўсиши имконсиз. Бас, лоланинг ватани бўлган қир-адир, яъни “тоғ этаклари” (oshiqning кўз ёшлари “қон бўлиб оқкан юраги” унинг “этини лолагул” этиши...) билан “сабр ва матонат рамзи” ўртасида бирор боғланиш бўлиши қийин...

Ёки бошқа бир байт шарҳи:

Жонимға юз ғам игнасин тикти ул Масих,

То билдики, қуёш киби ишқида покмен.

“Ошиқнинг соғ ёки носоғ эканини билиш, текшириб қўриш учун Масих табиб қиёфасида... маъшуқа ҳам аралашган, игнасини ишга солиб, унинг соғ бўлиши билан бирга ғоят пок одам (?) эканини аниқлаган”.

Игнанинг ҳозиқи Масихга нисбати тўғрику-я, лекин анъанавий ривоятга кўра, гўё жонсиз жисмга жон ато этувчи Масих нега энди ошиқ Навоийнинг “жонига юз ғам игнасин” санчди экан? Бунда шоир кузатган мақсад бошқа эмасмикан? Аслида: ўша Масихсифат маҳбуба ҳам ўзининг халоскорлик одати – меҳр-شاфқатини унугиб, токи “қуёш каби ишқида пок” (яъни масъум,бегуноҳ, содик, эканлигимга тўла ишонч ҳосил қилмагунча “жонимға (эътибор беринг: табиблар каби жисмига эмас!) юз ғам игнасини” санчмоқдан – азоб бермоқдан тийилмади, демоқчи эмасми ҳазрат Навоий?..

Ёки яна бир байт шарҳини кузатайлик:

Васлинг тахайюлию мен – инсофдан эмас,

Ким руҳи поксен сену мен тийра хокмен.

Навоийдан андоза олиб, инсоф билан айтганда, хурматли устоз олимимиз тўғри шарҳлайди, фақат кейин... маҳбуба ҳислати, негадир, ошиқ сифатига кўчирилади, ҳатто воситачи ибора (“инсофдан эмас”) ҳам ўз маъносини ўзгартириб, яна ошиқини таърифлашга хизмат қиласиди: “...ҳатто

маҳбубанинг васлини ўйлаш ҳам **инсофдан ташқари шаккоклик(?)** деб билади... Навоий ошиқни **пок, инсофли** деб **мақташ(?)** билан бирга...” (муаллиф шарҳидан узук-юлуқ ҳолда иқтибос олганим учун узр тилайман). Ҳолбуки, бизни шунчалар чалғитган биринчи мисра мазмуни шундай бўлса керак: “Сенинг васлингхәёли қайдаю, менинг нажотсиз аҳволим қайда? Иккимизни ёнма-ён (ёки бир қадар яқин) қўйиш инсофдан, адолатдан (эҳтимол, мантиқдан) бўлмас...”.

Бошқа бир мисол. “Бизга ул маҳваш тилию кўнгли бирла ёр эмас, Кўнгли ичра ҳар неким, онинг тилида бор эмас” матлаъи билан бошланадиган ғазал ҳақида ўқиб, очиғи, таажжубландим: “Ушбу ғазал қутилмаганда танқидий руҳда бўлиб, Навоий маъшуқадаги **катта нуқсон (?)** – унинг кўнгли билан тили бир эмаслигини, **носамимиийлигини(?)** ошиқ сўзлари билан **фош этади**. Ғазалнинг бош мавзуи – **носамимиийликни қоралаш**”. Ҳолбуки, аввалги бир жумлада шу ғазалга ҳам алоқадор асосли фикр айтилган эди: “Шарқ шеъриятида одатда ёрнинг камчилиги ҳақида гап борганда кўпроқ унинг бевафолиги кўзда тутилади”. Бизнингча, “маҳваш тилию кўнгли бирла ёр эмас”лиги ҳам асли ваъдага вафо қилмаслик аломати, холос, ундан ортиқ эмас...

Ёхуд: “...бу ҳазал реалистик моҳиятга эга... яъни, **баҳор куз билан алмашган бир вақтда (?)** ёзилганини қуидаги бешинчи байт тасдиқлайди:

**Туганди ашки гулгун, эмди қолди заъфарони юз:
Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни”**

Мавлоно Лутфий шеърияти тадқиқига бағишлиган “Сеҳрли назм” мақоласида бир шеър мазмунига алоқадор фикрлар билдириш асносида, бизнингча, улуг шоир услугига хос лутф ҳақида шундай хуносага келинади: “Ўрта асрчилик шарофатида ошиқнинг ўз ёрини сизлаб “фироқингиздан”, “иштиёқингиздан” ва ҳ. к. мурожаат қилаётгани ҳам шундай, яъни **юксак маданийликдан** далолат беради”. мен Лутфий девонини атайнин вараклаб чиқдим. Унда, билъакс, яъни ошиқ ўз маҳбубига “сизламай” мурожаат этган шеърлар, табиий, кўпчиликни ташкил қиласди. Менинг фикри ожизимча, “сизлаб... мурожаат қилишдек” хуш такаллуф, эҳтимол, хослар (олий табақа) қавмининг аҳли аёли (маликаи бегойимлару хонойимлар, уларнинг яқинлари)га ёки руҳоний, тақводор тоифага, аниқроғи, уларнинг маҳсус тақаллум одобига шунчаки таассуб аломати бўлиб, ошиқнинг маҳбубини бир даражада “кўтариб” эркалаб улуғлаши – ширинсуханлик услубидирки, бу баъзан кинояли оҳанг касб этиши мумкин...

Рисолада онда-сонда бўлса-да, ҳар қалай кўзга ташланиб қоладиган бошқа хил ноқислик – бу кечаги кунимизнинг нохуш асорати “синфий

ёндашиш” тамойилининг айрим кўринишларири. Чунончи, “Анъанавий поэтика ва Навоий” мақоласида “Лайли ва Мажнун” достонининг яратилиши ҳақида шундай дейилади: “Бу асарни ёзишдан шоирнинг кузатган мақсади ўз давридаги ижтимоий адолатсизликни қоралаш эди.” Мени ноқулай, хижолатли бир ҳолга солган нарса шуки, Навоийнинг бир умр ўйлаб юрган улуг, эзгу муддаоси, моҳиятда соф ижодий, бадиий нияти ўзининг мужассам ифодасини топган саккиз мисра...юқоридаги хато, эскича нуқтаи назарнинг “изоҳи” тарзида келтириллади. Мана ўша байтларнинг бир қисми байтларнинг бир қисми:

**Ёзмоққа бу ишқи жовидона,
Мақсудим эмас эди фасона.
Мазмунига бўлди рух майли,
Афсона эди анинг туфайли.**

Муаллиф пировард хулоса сифатида бу далолат сатрларга тўғри шарҳ ҳам беради, лекин бу кечиккан “тузатиш” юқоридаги хатони оқлай олмайди...

“Муҳокаматул лугатайн” рисоласида “йиғламоқ” феълининг туркий тилдаги маъно ўзгачаликлари исботи учун келтирилган байт шарҳини кузатайлик:

**Чарх зулмидаги, бўғзимни қириб йиғлармен,
Игирур чарх киби инчкириб йиғлармен.**

Ҳаёт борки, ўлим ҳақдир. Халқимиз удумига кўра, азадор аёллар йиғлайвериб, товуш пардалари ишдан чиқади, овоз бўғилиб, хириллаб қолади... Навоий буни эски чарх (эҳтимол, янгиси бошқача, анчайин силлиқ-равон садо берар)nidоси – инграшига нисбат беради. Рисола муаллифи ҳам бу муқоясанинг бетакрорлигини алоҳида қайд этади. Афсуски, шарҳнинг асосий қисми юқоридаги (“Лайли ва Мажнун” достонининг яратилишига оид) фикр билан деярлик ҳамоҳанг: “...байтдан тақдирдан норозилигини, даврига, замонасидаги жабр-ситамларга муносабатини, ижтимоий муҳитнинг шоир талабларидан ниҳоятда тубанлигини, бундан табиати ранжиган ҳолда....” ва ҳоказо.

Юқоридаги тилга олинган “Ғазал мулкига саёҳат” сарлавҳали мақолада ҳам ошиқона ғазаллар шарҳида шундай жўмлаларни учратамиз “...бу тун умрини жамиятжа адолатни тиклашга, бир-бирига зид ижтимоий табақаларни яраштиришга (?) бағишилаган Навоийнинг ўзи ҳам шундай ошиқларнинг бири эди”. “Шоирнинг биринчи муҳаббати” (!) билан боғлиқ идеали амалга ошмаса ҳам, лекин мамлакат имконияти, халқ имконияти кенг-ку”.

Хулласи калом, устоз навоийшунос олимимизнинг биз тилга олган, келгусида сайланма асарларидан ўрин олишга арзигулик (шу жумладан, танқидиц мулоҳазалар билдирилган) мақолаларга яна бир бор таҳрир қалами урилса бас, олам гулистон!..

Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси.

1997йил. 30 май. № 22.

ШЕЪРИЯТ ИНҚИРОЗИМИ Ё ?..

(ЛУҚМА)

Ёш иқтидорли мунаққид Муртазо Қаршибоев мақолаларини шавқ билан ўқийман, илло унинг мушоҳадалари янгилиги, оригиналлиги билан фикр уйғотади, баҳсга тортади. “Чақмок ёруғида ёзилган шеърлар” (Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991, 19 апрель) ҳам шу руҳда. Унда мустақил мушоҳада натиаси, ҳатто шоирона таҳлил намунаси даражасидаги расо жумлалар бор. Зеро М. Қаршибой ҳам мунаққид, ҳам шоир-у шеър моҳиятини, сўз руҳини хис этиб фикр юритади. Шундай бўлса-да, мазкур мақоладан олган таассуротим унга, ҳар қалай танқидий муносабат билдириш заруратини туғдирди. Чунончи, мунаққиднинг фикрича, бутун “шеър ҳақидаги тасаввурлар ҳам, шеъриятнинг ўзида бошқачароқ сифат касб этаётгани”, шеърхоннинг аввалги ҳайрати сўнгани ҳам рост. “Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий таназзули одамларнинг руҳий-маънавий қашшоқлашувига сабаб бўлади”, “инсоний муносабатлар издан чиқсан мухитда руҳий уйғунлик...барбод бўлади” деган аччиқ ҳақиқатни ҳам, “ўз ахлоқизлигидан фаҳрланиш туйғуси билан яшайдиган жамиятда гўзаллик ва нафосатга ҳавас йўқолади” сингари аёвсиз ҳукмни ҳам инкор этиш қийин.

Шунингдек, шеърлар “ўша йиллар (70-80 йиллар – Б.А.)нинг публицистикаси, фалсафаси тарихи ҳатто **кундалик ахбороти** бўлиб хизмат қилган” деган фикр ҳам мантиқдан холий эмас (факат биз остини чизган чўзлар бундан мустасно, чунки гап ҳақиқий истеъдодлар яратган шеърлар устида боради). Мақолада яна қатор дуруст фикрлар, марғуб нуқталар (чунончи, “ғамга элдошлиқ, қайғуга йўлдошлиқ анъанаси”, ёш шиорларнинг дадил изланишлари ҳақидаги мулоҳазалар) мавжуд. Ва ниҳоят энди зиддиятли жиҳатлар тўғри ва хато, баҳсталаб жумлаларнинг танқидий таҳлилига ўтамиз.

Мунаққид ёзади: “”Шеър гўзаллик ва камолотга интилиш иштиёқида туғилади (бу фикрга “эрк ва ҳақиқатга сўзлари ҳам қўшилса, мақсад янада ойдинлашган бўлур эди – Б.А.”). У жозиб нафасларининг сир-асорига ўхшайди” . Одилона ва шоирона баҳо. Лекин кейинги жумлаларга разм солайлик: “Гўзаллик ва комиллик бўлмаган ерда шеър бўлмайди. Шеър нафосат заминидаги ахлоқдир” Ҳаётнинг қанчалар мураккаблигини, шоир қисматининг қанчалар зиддиятли эканини ҳисобга олганда, ёш мунаққиднинг фикрида фақат нисбий ҳақиқат бор, дейиш мумкин, демак, у бирёклама. Тўғри, Навоий ва Бобур шеърияти, Нодирабегим ва Амирий ғазаллари яратилган ижодий мухит бошқа – комил, солим, фарийб. Мен улуғ Гёте ва Шиллер ижод қилган том маънодаги шеърий маскан – Веймар (асли Ваймар)да бўлганман, улар маърифатли ва санъатпарвар герцог Карл Августнинг саховатидан

баҳравар бўлиб, чиндан-да афсонавий муҳит – “нафосат замини” да ижод этганлар...

Лекин хоҳ узок, хоҳ яқин тарих шаҳодат берадики, шеърлар аксарият эрксизлик, жабр-ситам маъвосида, ҳатто қамоқ, зиндан, сурғун ва қувғинлар муҳитида, хўрликлар, ҳақоратлар, маломатлар иқлимида нотамом, нокомил жамиятга қарши түғён, исён ифодаси сифатида шахсий интим дунёда жавобсиз, васлсиз муҳаббат достони тарзида дунёга келади. Хуллас, шеърият, асосан номавжуд нарсага илинж, умид, армон, интиқлиқ ифодаси сифатида М. Қаршибойнинг ўзи қайд этган нимагадир ““интилиш иштиёқидан” туғилади. (ҳақиқий ижод турли-хоҳ зоҳирий, хоҳ ички, руҳий қаршиликлар монеъликлар билан тўқнашув жараёнида яратилиши азалий қонуният). Бильякс, мунаққид мантиқига кўра Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжонларнинг том маънодаги янги шеърияти, улар билан изма-из борган Усмон Азимов ва Муҳаммад Солиҳлар авлоди шеъриятга олиб кирган “янги тўлқин” “нафосат замини”нинг таровати бўлиб чиқмайдими? Ёки мунаққид фақат шоир ўзининг тахайюлида, орзу кўзгусига бунёд этган гўзаллик ва комилликни назарда тутадими? Кошки шундай бўлса?!

Мақоладаги сўзсиз эътиroz туғдирувчи “шеъриятда ҳам ўзига хос инқироз” (Кимсасиз дашт кетаётir) дегай менинг фикримча, реал ҳақиқатга зиддир. (буни мунаққиднинг ўзи ҳам англаб етгандан анча ўнғайсизланади, хижолат тортади ва А.Мухторнинг “Йилларим” китобидан ёрқин мисоллар келтиради). Менинча, у ““инқироз” сабабини тушунтиришда яна чалғиб кетади: Назаримизда, шеъриятдаги инқироз (таъкид бизники – Б.А.) руҳиятдаги, маънавиятдаги кризиснинг руҳий-эстетик давоми эканини шоирларимизнинг ўzlари ҳам ҳис қилишмоқда”. Бу даъвонинг гўёки далил-исботи учун X.Даврондан, сал юқорироқда А.Ориповдан келтирилган мисраларнинг руҳи, асл моҳияти мунаққид фикрини рад қилади (ахир шоирнинг инқироз ҳақида ташвишланиб, қуйиниб ёзиши шеъриятитнинг ўзи инқирозни кечиряпти деган сўз эмас-да). Зеро ҳозирги реал фожеа – “руҳиятдаги маънавиятдаги кризис” бошқа шеърият, шоир дунёси, унинг ташвишлари, армонлари бошқа. Бас, бири иккинчисининг “давоми экани” аввало ғақиқий шеърий ижоднинг табиатига (ҳозирги шеъриятда публицистик тамойил кучайганидан қатъи назар), мнаққид ўзи тўғри қайд этган “юксаклик ҳаваси”, “сўз илоҳийдир” тушунчалари руҳига зид фикрdir. Қолаверса, М.Қаршибой келтирган ёрқин мисоллардан, алоҳида қайд этган марғуб тамойиллардан ташқари биргина А. Ориповнинг ё О.Матжоннинг янги баркамол, залворли шеърлари, биргина У.Азимовнинг ё Ш.Раҳмоннинг шафқатсиз ҳақиқат сабоқлари билан йўғрилган янги туркумлари, биргина X.Даврон ё А.Суюннинг улуспарвар нидолар билан тўцинган янги шеър ва достонлари, биргина М.Кенжабек ё м.Юсуфнинг виждан ноласи бўлган янги пурдард шеърлари (майли, уларда давр эпкини – публицистик руҳ кучли бўлсин) “инқироз”, бири бирининг “давоми” каби сўзлар асоссиз, адолатсиз эканини аён кўрсата олади.

Дарвоқе, руҳият ҳақида. Мунаққид давом этиб ёзади: “Маълумки инсон тафаккури юксалгани сари унда руҳий эҳтиёж майллари сусайиб боради”. Менингча, бу ҳам нисбий ҳақиқат, йўқ, бу – жамиятнинг такомил даражаси, тўғрисини айтганда, унинг сохта идеаллари, одамларнинг адашган, алданган эътиқоди билан изоҳланадиган янгилиш ва бирёлама нуқтаи назар. Масалан, Шарқ мусулмон Уйғонишининг буюк сиймолари – илоҳий ва дунёвий илму ижод даҳоларининг қомусий заковати – мислсиз “юксалган тафаккури” набисифат руҳиятига зид эдими?.. Навоий ва Жомийлар фикрати ва руҳиятичи? Фитрат ва Чўлпонларнинг ақли ва руҳий дунёси-чи? Ёки буюк жафокашлар – Сахаров, академик Лихачёвларнинг уммондай теран билим-маърифати уларнинг юксак руҳияти, илоҳий эътиқодидан озиқ олмаганми ахир? Хуллас, мунаққиднинг даъвоси, эҳтимол, “мозийнинг энг қора кунлари” муҳитига нисбатан, асримизда эса фақат тоталитаризм ва партократик тузумнинг тартиботининг чала-нотамом тафаккурига ва ўзининг асл илдизларидан маънавий баҳраларидан маҳрум қилинган, мафкура ақидаларига мувофиқлаштирилган сохта руҳиятига тадбиқан тўғри бўлиши мумкин...

Хуллас, жамиятмиздаги руҳий танглик, жумладан, шеъриятнинг маънавий-эстетик қимматига бўлган эҳтиёжнинг тобора сусайиб бориши, бадиий сўзнинг тобора қадрсизланиши – объектив омил билан шеър ва шоир дунёси бу “ ўта индивидуал, ўта стихияли бир ҳодиса” (М.Қаршибой) – субъектив омил бир-бирови билан аралаштириб юборилиши оқибатида, мазкур мақолада тўғри мулоҳаза, нозик, хуштабъ мушоҳадалар билан баробар, саҳв кетган, камида баҳсли-зиддиятли фикрлар ҳам ўрин олгандирки, буни билиб-сезиб туриб сукут сақлашни ўзимга эп кўрмадим.

НАВОЙ СҮЗИНИ ЎҚИШ САНЬАТИ

Шоир Абдулла Шер “Ватан юракларга берилган кенглик” (“ЎзАС”, 1993-йил 26-март) сарлавҳали мулоҳазакор мақоласида ундан анча муқаддам “Ватан ҳақида бошқача бир шеър” бошлигани тўғрисида тўхталиб: “...бу шеърда уч Ватан ҳақида, Ватанга уч ҳил муносабат туғрисида фикр юритилади”, дейди. Шоир “инсон учун биринчи Ватан” – онага баҳшида ҳаёлларини шарҳлаб, аввал Ҳадиси шарифга мурожаат қиласи, сўнгра “Сади Искандарий”дан қуидаги байтиради:

**Аёлу ватан узра то жонувор – бор
Киши ҳарбэтар теки имкони бор.**

Таассуфки, ушбу шоҳбайтдан англашилган икки мустақил сўз маъноси “аёлу ватан”ни ҳали буюк маърифатпарвар жадидлар ислоҳ қилмаган қадимий имломизда (“айл ва ватан” тарзида ўқийверса бўлади) Абдулла Шер талқинида ўзаро едириб юборилади. Менинг назаримда, бундан кузатилган мақсад ҳам анчайин субъектив-шоирона, яъни аёлга “биринчи Ватан” – она сифатини бериш. Ҳолбуки, ҳазрат Навоийнинг эътимоди комил ва аниқ: инсон бу дунёда икки муқаддас хилқат – ўз аёли, яъниким ёри, оиласи ва она тупроғи учун жангга киради, керак бўлса ҳарб майдонида жон фидо қиласи... Чиндан-да ҳалқимизнинг асл, жўмард ўғлонлари машриқу мағрибдан бостириб келган турли ёвларига қарши жанг қиласи эканлар, диллари ва тилларида аҳли аёли ва ватанини ёд айлаб, зикр этиб, бу руҳий мадад олганлар, агар ғаним ўқига учеб ийқилсалар, мусулмон фарзанди сифатида “Калимаи шаҳодат” – иймон ояти билан бирга ўша икки эзгу сўзни баайни саловоту санодай (“Камар ба миён сано ба забон” – Ҳожа Баҳоуддин) сўнгти нафасигача такрорлаганлар... Надоматлар бўлсинки, мустабид тоталитар шароитида оилапарвар, улусвор-фидойи боболардан мерос пурҳикмат ибора – “аёлу ватан”даги қўшулоқ маънони нодонларча бузиб, таҳқирлаб, яккатоқ ҳолида истифода эта бошладик (тўғри, оғир уруш даврининг фавқулодда шиддатли-фожеъ вазиятида бу ибора “ёру дийр” тарзида, асосан шеър, нома, қўшиқ-алёрларда тилга олинди). Бора-бора аёл сўзини ватан сўзи билан бақамти беришдан ҳадиксирайдиган бўлдик. Сабаби, ёр, аёл (демакки, оила ҳам!) шахс ва жамият ривожидаги бекиёс аҳамиятидан, маънавий, ахлоқий-тарбиявий эҳтиёжидан қатъий назар, машъум “ижтимоий буюртма”нинг темир мезонлари: “гражданлик туйғуси”, “ижтимоий оптимизм”, “ѓоявий юксаклик”, “синфий ёндошиш” каби ҳукмфармо ақидалар руҳига ёт сентиментал-интим ва себъектив-индивидуал тушунча сифатида турли усулда четлаб ўтилди, уни камситиб қараш расм бўлди.

Ана шундай ҳаёт мантиқига зид, ғайриахлоқий, маҳдуд тамойил таъсиридами, улуғ Навоий шоҳбайти ҳам (биринчи мисра) сахв ўқилди ва:

“Аёнки(?) ватан узра то жони бор” тарзида ёзилди. Бундай жиддий хато заковатли ёш олим Иброҳим Ҳаққул қаламига мансуб “Занжирабанд шер хузурида” номли рисоладан бошланди. Айниқса, китобга сўзбоши ёзган, ҳалқимиз ардоқлаган шоирлардан Эркин Воҳидовнинг Навоий шоҳбайтини эътиборсиз ўқигани таажжуб ҳол. Афчучки, ўша китобнинг оригинал ифода услугида маҳлиё бўлган айрим шоир-адиблар ўз мақолаларида улуғ шоиримиз байтини бирёклама (фақат ватан маъносида) талқин қила бошладиларки, оқибатда битта хато бир неча кўринишда анча кенг талқалди.

Сўз йўқ, Абдулла Шер улуғ пири комил матнига камоли масъулият билан ёндашгани – тамсил-байтни оригиналдан олгани эътиборга молик. Иқтидорли шоирнинг нафосат қонунлари доирасида ижодий хаёлга ҳар қанча эрк бериши, шу жумладан, она сўзининг турфа маъно қирраларини ҳам, “чизиқча орқали ёзилиши”га қараб, она-Ватан иборасини ҳам истаганча таъриф қилиши унинг шоирона хоҳиши, ҳаққи (дарвоҷе, менда “она-Ватан ўрисча “Родина-мать” сўзидан кўтарилган нусха бўлмасин, деган иштибоҳли фикр ҳам туғилди, сабаби, то “йўқ силлар инқилоби”гача, яъни мумтоз адабиётимизда бундай ибора учрамайди). Навоийдек даҳолар байтига келсак, уларни нафақат фасоҳат қонунларига риоя қилган ҳолда, аниқ мақсад, нозик идрок билан таҳқиқ этган маъқул...

Абдулла Шер мақоласида бошқа бир мунозарали жумлани ҳам учратамиз: “Ахир буюк мутасаввиф шоирларимиздан бири Низомиддин Мир Алишер(!) жаноблари бехуда қуйидаги сатрларни битмаган”. Ажабо, шу гапдан кейин келтирилган машҳур қитъя (“Камол эт қасбим...”) бундай бирёклама даъвога далил бўла оладими? Турк-ўзбек адабий тилининг асосчиси, беназир ватанпарвар шоир ва олим, буюк давлат ва маданият арбоби Навоийнинг алам-армонлар билан тўла босиб ўтилган умр йўли, бадиий-илмий мероси, ижтимоий, манаъвий ҳаётдаги ғоят серқирра, самарадор фаолияти эл-улус осойишталиги, мамлакат бутунлиги йулидаги бедор саъий-ҳаракатлари (майли, валисийрат шикаста ҳол, руҳий-ботиний дунёси ҳам!) “мутасаввир шоир” унвонига қанчалик мувофиқ келади? Бундай таърифлаш камида бирёкламаликка олиб бормайдими? Қолаверса, улуғ мутафаккир “Махбубул қулуб” асарида шоирларни уч табақага ажратиб, маҳсус тасниф этиши, **биринчи табақа** (“аввалғи жамоат”) – чинданда том маънодаги мутасаввиф шоирларни: “Бу хайлдур ҳақиқат тариқининг суханвари” деб таърифлаши ва ўзи хос устоз деб билган **иккинчи табақага** мансуб шоирлар (Саъдий, Дехлавий, Ҳофиз, Жомий)ни “**Ҳақиқат ва мажоз тариқин** маҳлут (омухта) қилибдурлар” дейиши юқоридаги баҳони бутунлай рад этмаса-да, унинг маҳдудлигини аён кўрсатиб беради... Тўғри, бундай иштибоҳли тамойилни бошқа мақола ва шарҳларда (жумладан, “Ўн саккиз минг олам ошуби...” ғазали талқинида) ҳам кузатамиз. Шунинг учун бу мавзуда маҳсус мақола (ё мақолалар) тақозо этилади. Токи Навоий ўз устозлари каби “ҳақиқат ва мажоз тариқида комил вофий ва шомил” (вафоли, баробар) эканлигига шак-шубҳа қолмасин...

ОРИФОНА....

Дунё, инсон ва илоҳа мавзулари. Жамият ва шахс муаммоси. Тақдир ва умр жумбоқлари. Ҳаётнинг азалий зиддиятлари. Ҳаёллар, қийноқли хаёллар, жавоби мушкул “мангу саволлар”... Яқин йилларда ҳам бу тўғриларда – замондош шуурида, фикратида уйғонган, кўнглида етилган, дунё юзини кўришга интиқ-безовта, лекин йўл, имкон тополмай дардга, алам-армонга айланган, ботинини ўртаган фикр-мулоҳазалар, мубоҳасалар ҳақида, жаҳоннинг бирга демократик мамлакатларида ҳуқуқий, ижтимоий ахлоқий меъёр ва мезонга айланган фикр, сўз, эътиқод эрки, миллий мустақиллик, она тили, аждодларнинг руҳий-илоҳий, маданий-бадиий мероси, эл-улус дадлари, бошқа қат-қат масалалар ҳақида ёзиш (ёзганини чоп эттириш) осон гап эмасди. Ва ниҳоят... Баъзи мисолларни кузатайлик:

Уриндим – асроринг еча олмадим-

Ҳар битта жилвангда минг сирли тугун.

Фақат, Тангри, кечир бандаларингдан

Эрку озодликни кутганим учун.

Бу самимий поэтик иқрорномани ўқиб, беизтиёр ислом фалсафасида кенг тарқалган тажаллиёт таълимоти ёдга тушади: оламнинг “ҳар битта жилва”си – унсур ва аломатида тангри илоҳийнинг яратувчи қудрати ҳам, бунёд этилган неъмат вам мўъжизаларни муҳофаза этиш, асраш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш каби лутфу қарами, меҳр-шафқати ҳам зухур этадики, буни шоир “минг сирли тугун” деб таърифлайди. Ҳолбуки, биз чораги кам бир аср мобайнида бу улуғ ва чексиз хилқат – мўъжизалар тилсимотини моддиюн – материализм маҳдудлиги, нодонларча нигилизми билан, ҳатто оддий одоб, андиша қоидаларига риоя қиласдан, сурбетларча инкор этиб келдик. Оқибат-натижада руҳий қашшоқлик маданий-маърифий қолоқлик, мальнавий-ахлоқий разолат кулфатига маҳкум этилдик.

Шоир учинчи-тўртинчи мисраларда инсон зоти учун, халқ ва миллат учун ҳаво ва зиёдек зарур, ҳаётий эҳтиёж бўлган, не-не улуғ зотлар жонини фидо қилган муқаддас ва эзгу идеал – “эрку озодлик”, унинг қисмати ҳақида чексиз ҳасрат-надомат билан сўзлайди. Алданганлик фожеаси учун (“бандаларингдан ...кутганим учун”) гумроҳлик осийлиги учун тангридан ўтинчу афв тилайди.

Шеърнинг кейинги бандида бундай чуқур алам-изтиробга сабабкор омиллар - ёлғон ғояларнинг ҳақиқий қиёфаси юз-хотирсиз фош этилади:

Сенинг осмонингга етмади бўйим,

Ердан паст кўкларни айладим тавоб,

Фақат, тангри, кечир бандаларингдан

Мангу саволларга изладим жавоб.

Лоақал биринчи мисра руҳида – шоир қўллаган анъанавий тимсол (“сенинг осмонинг”) ва оддий тафсил-ибора (“етмади бўйим”) замирида инсониятнинг не-не зукко фарзандлари – орифоу ҳакимлар, валию шайхулисломлар, шоиру санъаткорларни ҳайратга солган, хаёлга толдирган азалий жумбок – фалсафий савол яширган. Биз эса нодонларга димоғдорлик билан: “йўқ, бу сафсата, ҳалқнинг онгини заҳарловчи афюн, фикрни чалғитувчи уйдирма” деб ашаддий куфрана, даҳриёна жавоб қилдик. Бундай “ҳамлакор” шаккоклик касорати учун жамият ва шахс ҳаётининг истисносиз барча соҳаларида қандай “натижা” – кулфатларга, кўргуликларга эришганимиз бугун бутун жаҳонга аён. “ердан паст қўкларни айладим тавоб”. Шоир қаҳрамонининг бу кинояли икрорида (у ўз фикрини ва жамоат нуқтаи назарини умумлаштириб ифодалайди) қанчалик аччиқ ҳақиқат – миллионларнинг алданиш фожеаси, сохта ва гумроҳлик эътиқоди ҳайратомиз аниқ ва муҳтасар аксини топган йўқсиллар тангриси, қаллоб доҳийлар, эҳтимол, “ердан паст” эканликларини ниқоблаш учун ҳам зўр бериб даҳрийликни мафкура даражасига кўтаргандирлар...

Кейинги икки сатрда на имонсиз доҳийлар, на комил эътиқодли вали зотлар жавоб беролмайдиган “мангу саволлар” орқали тангри илоҳийга тазарру туйгулари ифодаланади. Қуйидаги бандда бу муштарак ғоянинг умумлашган ва муҳтасар тимсоли – мужассаммини кузатамиз:

Кечиргин – кўйингда адашганимни,
Кечиргин – кўйингда тинмаганим-чун.
Кечиргин – эрк учун талашганимни,
Ва эрк сенлигингни билмаганим-чун.

Бу самимий узроҳликлар, “тавбаи комил” (Навоий) муножотининг чуқур сабабияти, теран зиддиятлари бор. Шоир қаҳрамонининг “адашган”лари фақат осий бир банданинг ўз ихтиёри билан юз берган бўлса кошки эди. Унинг “тинмаган”лари ўз эрки эътиқоди, маслагига ўзи эгадор кишининг уринишлари, изланишлари бўлса кошки эди. Ҳолбуки, “Эрк учун талашган”лари сикувлар, тазқийлар, монеликлар, чеклашлар муҳитида елга соврилди, маломатларга сабаб бўлди. Аён бўладики, шоир нафақат қаҳрамони тимсолида умумлашган шахсияти ва барча соғлом фикрли одамлар, ўзи мансуб бўлган ҳалқ номидан тавба-тазарру қиласи. Айни пайтда у сохта мафкура раҳнамолари учун, даҳриёна шаккоклик, ношуқурлик йўлини, азалий, миллий ва умумбашарий қадриятларни инкор қилиш, таҳқирлаш йўлини тутганлар, буни қонунга, турмуш тарзига айлантирган норасо, нолойиқ “йўлбошчи”лару маддоҳ, камарбаста “ижрочи”лар – турли тоифадаги алданган адашганлар (улар орасида коммунистик ғоя ва идаелларга самимий ишонган романтиклар йўқ эмас) учун ҳам “кечирим” сўраётгандай бўлади. Лекин шоир санъат, шеърият қонунлари тақозоси билан ҳаммасини ўз

қаҳрамони гарданига юклайтганидан қатъи назар, кузатилган асосий ниятмуддаони синчков ўқувчи англаб олиши унчалик қийин эмас. Зотан кўчирилган охирги мисра барчамизга дахлдор муборак ўй-фиқр, эзгу-туйғуни тажассум этади: “ Ва эрк сенлигингни билмаганим-чун”.

У. Азимов бошқа сарлавҳасиз шеърида сарвари коинот – тангри ўз моҳиятига яширингандан азалий хилқат билан ғойибона мулоқотда бўлган қаҳрамоннинг инсон, умр, тақдир ҳақидаги ҳудудсиз, зиддиятли ўйларини гўё ўзлиги билан ошкора, самимий, лекин юз-хотирсиз сухбати тарзида ифодалайди:

Саволлар бермагин – азобдадир жон,
Яхшилаб яшасанг, умр бу – қийнок.
Қайдан қайтишимни биламан аён,
Қайга боришимни билмайман бироқ.

Сиз қандай ўйлайсиз – билолмайману менга шоир беихтиёр ҳазрат Навоийнинг бир таржеъбандидаги “Не келмак аён бўлди, не кетмагим, Не мабдаъ яқин бўлди, не ражъатим байтини ёдга солади. (“мабдаъ ва ражъат” – бошланиш ва қайтиш маъноларини англатади – Б.А.) Баҳсли жойи шунлаки, ислом таълимоти – фалсафаси, ҳуқуқи ва ахлоқининг аркону аҳкомларидан бири бўлмиш Навоий (Низомул-миллати ваддин Алишер – Абдураҳмон Жомий баҳоси) ҳаёт ва умрнинг ҳар икки буржи менга на “аён бўлди”, на “яқин бўлди” дея ҳатто Қуръон оятлари билан мунозара қилгани ҳолда, Усмон Азим шоирона хаёл, тафаккур мустақиллиги ҳуқуқига таяниб: “Қайдан қайтишимни биламан аён” дейишга журъат қиласиди, бу унинг ҳаққи. Ҳолбуки... агар инсон “қайдан қайтишини аён билгани”да эди, ҳали тирик экан, умр йўли манзилларида, қисмат минтақаларида уни нималар кутишига, интиҳо қандай кечишига қараб, эҳтимол, шахсий ҳаётида, яқинлари, дўстларига муносабатда қанча “ислоҳлар” қилган, қанча хатолардан сақланган, эҳтимол, айрим кулфатлар, фожеалар (жумладан, ғофиллик фожеаси) олдини олган бўлармиди...

Хуллас, кўчирилган банддаги учинчи мисра баҳс уйғотиши билан ўйчан ва жозибdir. Ва ниҳоят: “Қайга боришимни билмайман бироқ” сатрида валисийрат улуғ шоирлардан мерос “мангу саволлар” га жавоб ўрнидаги тасалли сўзлари – бугунги авлод шоирининг тарнгри ҳузуридаги самимий иқрорномаси муҳтасар ва аниқ ифодаланган. Не тонгки, кечагина совет кишиси “тақдирини” ўз қўли билан яратади”, у истаса оламнинг “жозиба қонунлари”ни ўз-ўзлигига бўйсундиради, “янги инсон – янги қаҳрамон” иродаси унинг ўзини ҳам дунёни ҳам ўзгартиришга қодир ва ушнаг ўхшаш на соғлом ақлу мантиққа, на табиий-дунёвий, на руҳий-илоҳий тасаввурга сиғдириб бўлмас даҳриёна маҳдудлик кароматларини қўрсатишдан ор қилмас, аксинча, ғуурланар эдик... Эндиликда шоир қаҳрамонининг “не келмак аён бўлди не кетмагим” руҳидаги қийноқли фикрларини китобхон ҳам

ўччимасдан, хавфсирамасдан қабул қилиши, ўйлаб мағзини чақиши, истаса шоир билан баҳсга киришиши мумкин.

**Барибир бир куни сиздан кетаман –
Қайга кетганимни билмайди ҳеч ким...**

Улуғ Толстой ҳам сўнгги марта ўз уйини бобомерос мулкини ташлаб бош олиб чиқиб кетганда тахминан шундай сирли сўзларни ичида зикр этган бўлса ажаб эмас (бу набисифат улуғ зотнинг бориб етган сўнгти қароргоҳи Астафево темир йўл станцияси бошлиғининг уйи бўлиши унинг тушида ҳам аён бўлмагандир)... Бизнинг беназир покдомон бобомиз Навоий эса коинатнинг чексизлиги олдида лол қолиб: “Назар айла бу коргаҳ вазъиға, ки ортар тамошосида ҳайратим” деган эди. Чиндан-да оламнинг фақат холиқи аъзам – тангри илохийнинг ўзига аён ғаройиб, мўъжиз қонунлари, Навоийдек заковат даҳолари “Ҳайрати”га сабаб бўлган сир-асорори олдида “қайга кетганимни ҳеч ким билмаслиги” каби жумбоқ “мангу саволлар”дан биридир холос...